

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК:577.4.008**

**ҒУЛОМОВ АКРАМЖОН БАХРОМОВИЧ**

**ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТГА  
ДОИР ҚАРАШЛАРИ: ТАРИХИЙ– ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Зоиров Эркин Халилович**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Бухоро – 2021**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	<b>3</b>
<b>I боб. Экологик маданият тушунчаси тадқиқининг назарий-методологик асослари</b> .....	<b>13</b>
1.1 §. Экомаданият тушунчаси таҳлилининг фалсафий–методологик негизлари, моҳияти, хусусиятлари .....	13
1.2 §. Экологик маданиятнинг глобал, регионал ва локал муаммолари .....	34
I боб бўйича хулосалар .....	55
<b>II боб. Жаид мутафаккирларининг экологик маданият ҳақидаги қарашларининг тарихий-фалсафий негизлари</b> .....	<b>57</b>
2.1 §. Жаидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва минтақадаги ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, диний ва экологик маданиятни юксалтиришдаги ўрни ...	57
2.2 §. Жаидларнинг коинот ва геомаданият билан боғлиқ халқ тасаввурлари ва экологик анъаналарга муносабати таҳлили .....	70
II боб бўйича хулосалар.....	89
<b>III боб. Жаид мутафаккирларининг экологик маданиятга доир қарашларининг замонавий аҳамияти</b> .....	<b>91</b>
3.1 §. Маърифатпарвар жаидларнинг экологик тарбия борасидаги қарашларидан замонавий экомаданиятни шакллантиришда фойдаланишнинг фалсафий-педагогик зарурияти .....	91
3.2 §. Ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда жаидларнинг экомаданиятга доир қарашларидан тарихийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришда фойдаланиш истиқболлари .....	105
III боб бўйича хулосалар .....	117
<b>Хулоса</b> .....	<b>119</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>122</b>

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда атроф –муҳитни муҳофаза қилиш, глобал экологик ҳолатни барқарорлаштириш инсон онги, тафаккури, ақл-идроки, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ эканлиги, табиатга нисбатан юксак маданият ва дунёқарашини шакллантириш, геомаданият ва шахсий гигиена, табиий мувозанатни бузмаслик тўғрисидаги қарашларини қайта кўриб чиқиш долзарб муаммога айланмоқда. Айниқса, жадид мутафаккирларининг эркинлик, адолат ва тенглик, миллий ўзликни англаш ва миллатни умумбашарий тараққиётга эришишида илм-маърифат ғояларининг глобал ва минтақавий экологик муаммолар, янги экологик хавф-хатарлар олдини олиш ва “табиат – жамият – инсон” тизимининг уйғунлигини таъминлашда экологик маданиятнинг ўрни ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, сиёсий асосларини тарихий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон илм-фанида экологик тафаккурни шакллантириш ҳамда экологик маданиятни юксалтириш, экологик саводхонлигини ошириш, экологик онгни ривожлантириш ва экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, кучайиб бораётган экологик муаммоларни бартараф этишнинг инновацион ечимларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёш авлоднинг экологик онги ва маданиятини ривожлантиришда жадид мутафаккирларининг ижтимоий борлиқдаги экологик масъулият, фаоллик, бурч каби дифференциал ёндашув сифатлари билан ўзбек халқи экологик маданиятининг ижтимоий ментал хусусиятларидаги диалектик алоқадорлик, ижтимоий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик тамойили асосида табиат билан халқ маданияти уйғунлиги асосида пайдо бўлган экологик маданият анъаналарининг экологик тафаккурни юксалтириш зарурати ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда экологик муаммоларнинг глобал аҳамиятига оид муҳим устувор вазифалар белгиланиб, экологик таълим-тарбия, экологик маърифат, жамият аъзоларининг экологик маданиятини юксалтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш йўналишида

чукур ислохотлар олиб борилмоқда. “Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди. Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси биз учун бугун ҳам бекиёс аҳамиятга эга”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан жадидчилик ҳаракати намоёндалари – маърифатпарвар боболаримиз меросини чукур ўрганиш асосида ёш авлоднинг экологик маданиятини юксалтиришнинг инновацион илғор усул ва воситаларини аниқлаш барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлашда муҳим илмий-тадқиқот мавзусига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон “Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”, 30 октябр 2019 йилдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 27 май 2019 йилдаги 434-сон “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 26 ноябр 2018 йилдаги 958-сон “Экология ва атроф-

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30.09.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/3864>

муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жади́дчиликнинг ижтимоий моҳияти, илмий – фалсафий мероси каби масалалар шарқу – ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, америкалик олим Адиб Холид<sup>2</sup> жади́дчиликнинг Марказий Осиёнинг ижтимоий – сиёсий ўзгаришларига таъсирини, Айнгборг Болдауф<sup>3</sup> ислом оламига жади́дчиликнинг таъсирини, немис олими Е. Ханке эса жади́дчилик тарихида биринчи мартаба ахлоқий – экологик онглилик шахснинг муҳим сифати эканлигини тадқиқ этган.

МДХ давлатларида жади́дчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий таъсири, бадиий – тарихий жиҳатларини А.Х. Басыров<sup>4</sup> А. Сайфуллоев, А. Маниязов, Н. Гафаров, З. Абдуллина, Р. Ходизода, И. Нуриллин, М. Шукуров, каби олимлар тадқиқ этишган.

Ўзбекистонда жади́дларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари файласуф олимлар Г. Махмудова, С. Мамашокиров, С. Сангинов, Х. Саломова Р. Абдуллаев, С. Абдивоҳидовлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, Г.Махмудова Туркистондаги ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига жади́дизмнинг кўрсатган таъсирини, Р.Абдуллаев XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги мафкуравий жараёнларда жади́дчилик ҳаракатининг

<sup>2</sup> Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – Berkeley: University of California Press, 1998.

<sup>3</sup> Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue 1. (Mar., 2001).

<sup>4</sup> Басыров А.Х. Джади́дизм : социально-философский анализ : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.11 / Басыров Айдар Хайдарович; [Место защиты: Башкир. гос. ун-т].- Уфа, 2009.- С. 140.

ўрни ҳақида изланишлар олиб борганлар. С. Абдивоҳидов томонидан жадиличлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ва унинг ҳозирги замондаги аҳамиятига доир тадқиқот иши амалга оширилган<sup>5</sup>.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тарихшунослари, экология муаммолари билан шуғулланувчи соҳа мутахассислари ва тадқиқотчиларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, жадин мутафаккирларининг экологик маданиятга оид ғоялари, қарашлари алоҳида махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Жадинларнинг атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиатга оқилона муносабатини шакллантириш, шахсий гигиена ва экологик тарбияга оид ғоялари тарихий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” мавзусидаги тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жадин мутафаккирларининг илмий-маърифий ғоялари асосида экологик маданиятнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш ҳамда ёшлар экологик саводхонлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>5</sup> Маҳмудова Г.Т. Туркистонда жадиличлик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири, дисс. Фалс.фан.номз. Тошкент: 1996; Абдуллаев Р. Туркистон жадинлари ва XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги мафкуравий жараёнлар, // Ўзбекистон тарихи, 2010, 2-сон, -Б.36; Абдивоҳидов С.А. Жадиличлик ҳаракатининг ижтимоий – сиёсий жиҳатлари ва ҳозирги замон. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. –Самарқанд, 2020; Мамашокиров С. Инсон, маънавият, зиддият // Тафаккур, 2001. 1-сон, -Б.16.; Сангинов С. Аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарғиб этиш чора-тадбирлари туғрисида. Тошкент шаҳри мисолида // Фуқаролик жамияти – Civil society — Гражданское общество. –Тошкент, 2018. -№ 1(53) – Б.11-13; Саломова Ҳ.Ю. Меъённинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. - Бухоро: “Дурдона” нашриёти. 2018.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

экомаданият тушунчаси таҳлилининг фалсафий-методологик негизлари, моҳияти, хусусиятлари билан боғлиқ назарий-услубий муаммолар кўламини аниқлаш;

экологик маданиятнинг глобал, регионал ва локал муаммоларини узлуксиз таълим тизими ислохотларидаги моҳиятини очиқ бериш;

жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва минтақанинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, диний ва экологик маданиятини юксалишидаги ўрнини асослаб бериш;

жадидларнинг геомаданият билан боғлиқ халқ тасаввурлари ва экологик анъаналарга бўлган муносабатини қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ этиш;

маърифатпарвар жадидларнинг экологик тарбия борасидаги қарашларидан замонавий экологик маданиятни шакллантиришда фойдаланиш заруриятини мантиқий асослаш;

ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда жадидларнинг экологик маданиятга доир қарашларидан тарихийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришда фойдаланиш истиқболларига оид таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида жадид мутафаккирларининг янгилиниш, адолат, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш, дунёвий илм-фанни ривожлантиришга оид маънавий мероси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни жадид мутафаккирларининг экологик маданиятга оид ғоялари ва қарашлари асосида мамлакатимизда ёшлар экологик маданиятини ривожлантирувчи омилларни аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, диалектик алоқадорлик, герменевтик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“табиат – жамият – инсон” тизимининг уйғунлигини таъминлашда жадид мутафаккирлари қарашларидаги экологик маданиятни шакллантирувчи экологик масъулият, экологик тафаккур, экологик фаолият омилларининг умумбашарий экологик муаммоларни ҳал этиш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш ва шахс экологик масъулиятини кучайтиришга оид моҳияти фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

жадид намоёндалари Фитрат, Чўлпон, Бехбудий ҳуқуқий (экологик бурч ва мажбурият), ижтимоий-маданий (экологик таълим ва саводхонлик), сиёсий (экологик назорат ва халқаро ҳамкорлик) қарашлари асосида экологик маданиятнинг давр руҳияти билан боғлиқлиги мантиқий далилланган;

ёшлар экологик онги ва маданиятини ривожлантиришда жадид мутафаккирларининг ижтимоий борлиқдаги дифференциал ёндашув (экологик масъулият, фаоллик, бурч)лари билан ўзбек халқи экологик маданиятининг ижтимоий ментал хусусиятларидаги онтологик ва диалектик алоқадорлиги очиб берилган;

жадид мутафаккирлари қарашларидаги табиат билан халқ маданияти уйғунлиги тамойиллари асосида ёш авлоднинг экологик маданият ва экологик тафаккурини юксалтиришга оид экологик билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантириш, умуммиллий тадбирларни мувофиқлаштириш, экологик тарғибот механизмларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнида ёшлар тафаккурида жадид мутафаккирлари қарашлари асосида экологик маданият, экологик дунёқарашга нисбатан ижобий, барқарор муносабатни вужудга келтирувчи тасаввурлар, қадриятлар, урф – одат ва анъаналарнинг амалий ўзаро муштараклик сифатлари очиб берилган;

жадид намоёндаларининг экологик дунёқараш муайян шахс амалий фаолияти, билими, тажрибаси, табиатга бўлган муносабатни шаклланиши, табиий – ижтимоий жараёнлардаги ҳодисалар билан ҳамоҳанг бойиб бориши,



экологик маданиятнинг тарихий жараёнлардаги динамик хусусиятларига доир қарашлари асосида олий таълимда экологик таълим услубиётини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

тарғибот – ташвиқот тадбирлари, профилактика ишлари асосида кенг аҳолининг экологик маданияти мазмуни билан табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларини оқилона йўлга қўйиш, экологик билим ва кўникмага эга бўлиш, ўз касби, салоҳияти доирасидаги ишлаб чиқаришни табиатни муҳофаза қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий – фалсафий, жадидлар асарлари ва мақолаларига оид манбалардан олинганлиги, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик, герменевтик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда юксак маънавиятли етук кадрлар тарбияси учун буюк алломаларнинг маданий-маънавий ҳамда илмий-назарий мероси, жумладан, жадид мутафаккирларининг экологик саводхонликни ривожлантириш, экологик маданиятни юксалтиришга оид ғояларидан экология ва экологик муаммоларнинг хусусиятларини очиб беришга қаратилган тадқиқотларда назарий-методологик манба сифатида ҳамда фалсафа, эстетика, маданиятшунослик, аксиология, экология, социология фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотларнинг методологик ёндашувларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Фалсафа”, “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш”, “Маънавиятшунослик”, “Ахлоқшунослик” фанларидан

дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда, фалсафий луғатларни такомиллаштиришда, шунингдек, “Маънавият ва маърифат” марказларининг ёш авлодни экологик саводхонлигини ошириш маданиятини юксалтиришга оид профилактик тадбирлар ва маънавий тарғибот фаолиятида, халқаро илмий-тадқиқот марказларининг буюк мутафаккирларнинг илмий меросини ўрганиш, экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотларининг маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш фаолиятида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган кўрсатувлар ва материалларни тайёрлашда, Ёшлар иттифоқи ва Ёшлар агентлигининг маърифий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жадид мутафаккирлари экологик маданиятга доир қарашларининг тарихий – фалсафий таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

“табиат – жамият – инсон” тизимининг уйғунлигини таъминлашда жадид мутафаккирлари қарашларидаги экологик маданиятни шакллантирувчи экологик масъулият, экологик тафаккур, экологик фаолият омилларининг умумбашарий экологик муаммоларни ҳал этиш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш ва шахс экологик масъулиятини кучайтиришга оид хулосалардан А-1-099 рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзудаги лойиҳа доирасида нашр этилган “Баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашр этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 89-03-327-сон маълумотномаси). Натижада, нашр этилган қўлланманинг “Маънавий янгиланишлар ва уларнинг замонавий баркамол инсон тарбиясига таъсири” номли учинчи бобнинг мазмунан бойишига ва жадид мутафаккирлари қарашлари асосида ёшларда экологик маданиятни оширишнинг тарихий ва замонавий йўналишларини очиб беришга хизмат қилган;

жадид намоёндалари Фитрат, Чўлпон, Бехбудий ҳуқуқий (экологик бурч ва мажбурият), ижтимоий-маданий (экологик таълим ва саводхонлик), сиёсий (экологик назорат ва халқаро ҳамкорлик) қарашлари асосида экологик маданиятнинг давр руҳияти билан боғлиқлигига доир илмий хулоса ва таҳлиллардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр – оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар” мавзусида ўтказилган туркум маънавий-тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 11 мартдаги 02/07-322-сон маълумотномаси). Натижада, жадид мутафаккирлари қарашлари асосида ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантириш борасидаги тарғибот ишлари самарадорлигини таъминлашга, ёшлар экологик саводхонлигини оширишга хизмат қилган;

ёшлар экологик онги ва маданиятини ривожлантиришда жадид мутафаккирларининг ижтимоий борлиқдаги дифференциал ёндашув (экологик масъулият, фаоллик, бурч)лари билан ўзбек халқи экологик маданиятининг ижтимоий ментал хусусиятларидаги онтологик ва диалектик алоқадорлигига оид илмий умумлашма ва хулосалардан Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан “Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда экологик маданиятнинг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги тадбирлар сценарийларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 ноябрдаги 02-05-2840-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли экологик маданиятини ривожлантиришда устувор аҳамиятга эга бўлган вазифаларни аниқлаб олиш, соғлом турмуш тарзини жорий этишга хизмат қилган;

жадид мутафаккирлари қарашларидаги табиат билан халқ маданияти уйғунлиги тамойиллари асосида ёш авлоднинг экологик маданият ва

экологик тафаккурини юксалтиришга оид экологик билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантириш, умуммиллий тадбирларни мувофиқлаштириш, экологик тарғибот механизмларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси” асосида “Экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ мавзулар бўйича материаллар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш” номли банд ижросини таъминлаш мақсадида тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2020 йил 14 декабрдаги 14-13/2908–сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг экологик маданиятга доир қарашларини жаид мутафаккирлари таълимотлари асосида ривожлантиришнинг замонавий тарғибот технологиялари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (хусусан, 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

# Г БОБ. ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИ ТАДҚИҚИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1 §. Экомаданият тушунчаси таҳлилининг фалсафий–методологик негизлари, моҳияти, хусусиятлари

Бугунги кунда жамият аъзоларида экологик маданиятни шакллантириш долзарб вазифаларидан биридир. Экологик маданият тушунчаси ҳам кенг камровли бўлиб, инсон фаолиятининг аксарият қисмини ўзида мужассамлаштиради. Шахснинг экологик тафаккур тарзи у яшаб турган минтақанинг табиий–географик иқлими, шарт–шароитига, у мансуб бўлган миллат ёки халқнинг менталитетига, турмуш маромига, тарихи, урф–одати, эътиқоди, қолаверса муайян жамиятда яшовчи кишиларнинг табиат тўғрисидаги дунёқараши, ҳамда унга бўлган муносабатлари билан узвий боғлиқ. Ана шу муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири боис шахсда экологик дунёқараши шаклланган. Бошқача айтганда, экологик дунёқараши ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онгнинг ўзаро алоқадорлигида намоён бўлган. Зеро, “сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳар йили илгари кўрилмаган янги–янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётганини қайд этиш лозим”<sup>6</sup>. Бунинг учун жамиятда ахлоқий–экологик онгни шакллантириш ва “замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”<sup>7</sup>. Шу нуқтаи назардан ҳам экологик маданиятни ижтимоий–фалсафий тадқиқи долзарб вазифалардан биридир.

Кишилиқ жамияти олдидаги экологик хавф–хатарни бартараф этиш ва ривожланишнинг барқарор йўлига ўтиш концепцияси бўйича кишилиқ жамиятида бир неча минг йилликлар давомида доимо ўзгариб келган, геоэкология илмий йўналишининг асосий кўрсаткичлари ҳиссобланган,

<sup>6</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. –Б. 387.

<sup>7</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. –Б. 387

табиатдан фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори, аҳолининг сони, табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами, табиатдаги антропоген босим миқдори, экологик ва этноэкологик ландшафт мувозанати каби кўрсаткичларни ўзгаришини макон ва замонда назорат қилиш зарурати пайдо бўлмоқда<sup>8</sup>. Бу эса, ўз навбатида экологик мувозанатни сақлаб қолишга инновацион қарашлар билан бир қаторда тарихий ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Учинчи минг йилликда фан-техника ривожланиб, табиат ва инсон ўртасидаги мувозанат бузилиб, табиий муҳитга катта зиён етказилмоқда. Табиатга оқилон муносабатда бўлиш, уни гўзал ва табиийлигича келгуси авлодга қолдириш бугунги куннинг муҳим вазифаси. Ҳар бир инсон онгида экологик маданият қандай даражада шаклланса, жамиятнинг экологик савияси ҳам шу даражада такомиллашиб боради.

АҚШ ва ривожланган Фарб мамлакатларида XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб экологик муаммолар ечимига нисбатан скептик–пессимистик қарашлар шаклланди. Бунда бир-бирига зид фикрлар билдириляётган бўлса ҳам, улар инсониятни глобал муаммолар таҳдидидан огоҳ этиши амалий аҳамитга эга. Масалан, немис файласуфи Е.Ханке: “Инсон ўз тарихида биринчи мартаба бутун инсониятни йўқ қилиш имкониятига эга бўлган кучга эга бўлди. Бугун вужудга келган драматик вазиятда икки муқобил имконият мавжуд: ёки ҳалокат, ёки нажот, гап бизнинг уни англаб етишимизда” деб ёзган эди<sup>9</sup>. Бундай фикрни “Рим клуби” аъзолари Ж.Форрестер, Д.Медоуз, Я.Тинберган, А.Кинг ва америкалик олим Р.Фолк<sup>10</sup>(1886-1958) ва италиялик файласуф Э.Севериньо (1929-2018) ҳам билдирадилар<sup>11</sup>. Умуман, иқтисодчи–эколог мутахассислар хулосасига кўра, аксарият давлатлар, ЯИМнинг 3–5 фоизини табиий атроф-муҳит муҳофазасига ажратади. Унинг миқдорини 5–7 фоизга ошириш билан

<sup>8</sup> Кочуров Б.И. Экодиагностика и сбалансированное развитие. Учебная пособие – Москва: ИНФРА-М. 2016, -С. 262.

<sup>9</sup> Hanke E. Ins nachste Jahrhundert: Was steht uns bevor? Leipzig ets, 1984, -S.7.

<sup>10</sup> Falk R. The end of Wold Order:Essays on normative international relations. N.V.-L., 1983, -P.39.

<sup>11</sup> Shayegan D. Qu'est-ce yu'une revolution religieuse? P. 1982.

экологик вазият турғунлигига эришиш мумкин. 7–10 фоизга кўтариш эса, экологик вазиятни, нисбатан соғломлаштиришга олиб келади<sup>12</sup>. Бугунги кунда экологик вазиятнинг ёмонлашаётганлигини ушбу статистик маъмулотлардан ҳам билишимиз мумкин. Шундай экан, экологик маданиятни фалсафа фанлари доирасида тадқиқ этиш ва жамият аъзоларида экологик тарбияни ўстириш муҳим вазифалардан бўлиб қолаверади.

Жаҳон илмий жамоатчилигининг глобал муаммолар ечимини топиш масаласида глобал экологик толерантлик тамойилининг роли ҳақидаги муқобил қарашлари амалий ҳаёт ва илмий мукамалликдан йироқ утопик–идеал характерга эга бўлса–да, улар келажакда инсоният олдида турган умуминсоний долзарб муаммоларни ҳал қилишда, нисбатан универсал илмий назария ва методологияни ривожлантиришнинг ретроспектив асоси сифатида эътироф этилиши керак<sup>13</sup>.

Кейинги йилларда ижтимоий ҳодиса сифатида: “экологик муносабат”, “экологик онг”, “экологик маданият”, “экологик сиёсат” каби тушунчаларни таҳлил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу илмий тадқиқотларнинг аҳамияти умумфалсафий, гносеологик, методологик, праксеологик масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунчаларнинг мазмунидаги умумийлик экологик фаолиятни конкрет йўналишларида таҳлил қилиш орқалигина, инсоннинг ижтимоий–сиёсий ҳаёт мавқеини мустаҳкамлаш, фаоллиги ва масъулиятини ошириш мумкинлигини кўрсатишдан иборатдир<sup>14</sup>. Шунингдек, шахс экологик маданиятининг шаклланиши, ҳамда бойиб боришига таъсир этувчи ижтимоий, иқтисодий жараёнлар, маданий-маърифий омиллар ҳамда компонентларни ўзаро алоқадорликда, яхлитликда фундаментал тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, экологик маданият тушунчаси таҳлилининг фалсафий–методологик негизлари, моҳияти, хусусиятларини тадқиқ этишдан аввал

<sup>12</sup> С.Мамашокиров. Ваҳимами ёки ҳақиқат. -Тошкент: Иқтисод-молия. 2012. –Б. 57.

<sup>13</sup> Саманова Ш.Б. Экологик толерантликнинг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент: ЎзМУ, 2019.–Б. 13.

<sup>14</sup> Мамашокиров С. Экологик фаоллик ва масъулиятни шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг роли. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Тошкент: 1997, -Б. 32.

экологик маданиятнинг таркибий қисмлари бўлган экологик онг, экологик дунёқараш ва экологик фаолият категорияларини таснифлаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади. Масаланинг моҳиятидан келиб чиқсак, шахс ёки жамиятнинг экологик маданияти ҳам, уларнинг экологик дунёқарашини ҳам ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг тизимларининг ўзаро алоқадорлигида шаклланиши маълум бўлади. Шу масалада М.С.Коган: Маданият – ижтимоий борлиқнинг тизимлашган шакли бўлиб, бу тизимнинг моҳиятини англамай туриб, маданиятга оид таркибий таҳлиллар тугал бўлмайди. Фақатгина маданият тушунчасини “табиат, жамият, инсон” каби тушунчалар қаторига қўшиш орқалигина амалга оширилаётган таҳлил тугал бўлади. “Табиат – жамият – инсон – маданият” ҳақиқатда ҳам ўзига хос тизим бўлиб, уларнинг асосий компонентларининг функцияларини ажратиб кўрсатувчи мезондир<sup>15</sup>, – деб ёзган эди.

Экологик билим – кишиларнинг атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меъёри бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш ҳақида ҳосил қилган маълумотлари, яъни ушбу воқеликнинг инсон тафаккурида акс этганлик даражасидир.

Экологик маданият – бу табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, атроф–муҳитга нисбатан фаолиятнинг юксак кўрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашувдир. Унда табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро оқилона масъулиятли муносабат таркиб топади.

Экологик маданият табиат ва жамият, инсон ва табиатнинг ўзаро таъсир шакллари ва тамойиллари, жамият ва биосферанинг муносабатлари, уйғунлик қонуниятлари ҳақидаги муайян турдаги қарашлар тизими сифатида жадал ривожланиб келмоқда. Экологик маданият – бу бир мақсадга қаратилган экологик таълим ва тарбия маҳсули бўлиб, у шахснинг зарур

---

<sup>15</sup>Коган М.С. Культура как объект философского исследования // Роль духовной культуры в развитии личности. Сб. науч. трудов Гос. института культуры им. Н.К. Крупской. 1979, -С.12.



экологик тарбияланганлик даражасини билдиради<sup>16</sup>. У куйидагиларни ўз таркибига олади: экологик фаолият мотивлари илмий экологик билимлар, илмий экологик тафаккури ижтимоий экологик фаоллик, экологик жихатдан ўзини ўзи баҳолаш ва ўзини ўзи назорат қилиш ҳисобланади<sup>17</sup>.

Жамиятнинг бундай янги типда ижтимоий ички муносабатларни ўзгартириш эмас, балки инсон ва табиий муҳитнинг ўзаро муносабатларини ўзгартиришга йўналтирилган ҳолат устувор аҳамият касб этади. Бу эса кишилар дунёқарашидаги: яхшилик, ижобийлик, прогрессивлик ва шу каби тасаввурларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақазо этади. Шу нуқтаи назардан “экологик маданият – бошқа барча ижтимоий тизим сингари диалектика қонунлари асосида ривожланади, унда ҳам янги, прогрессив ва эски, регрессив ҳодисалар мавжуд бўлиб, улар ўртасида доимий кураш кетади. Демак, экология янги ва эски, ижобий ва салбий, фойдали ва зарарли ҳодиса ҳамда воқеликларнинг мунтазам алмашиб туриш объектидир”<sup>18</sup>.

Шу маънода экологик маданият ва шахс экологик дунёқарашидаги ўзаро нисбат, фарқ ҳамда тафовутлар, бизнингча куйидагиларда кўзга ташланади:

– экологик маданият экологик дунёқарашга нисбатан нисбий барқарорликка эга бўлиб, тасаввурлар, қадриятлар, урф – одат ва анъаналарнинг амалий ўзаро муштараклиги ва интеграцияга мойиллиги унинг моҳиятини ташкил этади;

– экологик дунёқараш муайян шахс амалий фаолияти, билими, тажрибаси, табиатга муносабати тарзида шаклланганлиги ва табиий – ижтимоий жараёнлардаги ҳодисалар билан ҳамоҳанг бойиб бориши боис экологик маданиятга нисбатан динамик ўзгарувчанлик характериға эга;

– экологик маданият мазмуниға табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар таъсирини тўғри тушуниш, уни оқилона йўлга қўйиш,

<sup>16</sup>Залеская, Ю.И. Управление процессом формирования экологической культуры личности / Ю.И. Залеская // Кіраванне ў адукацыі. – 2008. – №4. –С. 12-16.

<sup>17</sup> Asafova, Elena V.The Development of Ecological Culture of Students in theDesign and Creative Activity. Procedia - Social and Behavioral Sciences 191 ( 2015 ) 2329–2333

<sup>18</sup>Махмудова Ш.Л. Экологическая культура как фактор гуманизации отношения общества к природе. Диссерт. на соискании учен.степ.канд. филос.наук. Ташкент: 1994, -С.65.

экологик билим ва кўникамага эга бўлиш, ўз касби, салоҳияти доирасида ишлаб чиқаришни табиатни муҳофаза қилишга хизмат қилади<sup>19</sup>. Юқорида зикр этилган фикрни тадқиқотчи В.О.Левинская қуйидагича асослайди: “Экологик маданият – бу табиат неъматларини ўзлаштиришга оқилона ижодий ёндашув бўлиб, ушбу жараёнда экологик қадриятларни ишлаб чиқиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишга масъулиятли ёндашув юзага келади”<sup>20</sup>. Умуман, экологик маданият ва шахс экологик дунёқарашидаги ўзаро нисбат, фарқ ва тафовутларга қарамай, бу икки тушунчани шакллантиришда кишилар руҳияти ва жамиятда этилган ижтимоий–экологик эҳтиёж белгиловчи аҳамиятга эга.

Экологик маданият структураси қуйидагича тузилишга эга:

- 1) табиатни муҳофаза этиш маданияти;
- 2) табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш маданияти;
- 3) экологик тизимни ўзгартириш маданияти.

Экологик маданият эгаси бўлган шахс табиий муҳитдаги камчиликларни бартараф этиш – барча миллат ва халқларнинг иши эканлигини теран тушунади.

Экологик маданият нафақат умуминсоний қадриятларга, балки умумҳаётий, яъни инсон ва табиат учун умумий бўлган қадриятларга таянади. Бу маданият инсон ва табиат ўртасида уйғунлик, ҳамжиҳатлик муносабатларини тарғиб қилади. Экологик маданият ўзининг табиий илмий асосига эга, унга дунёни системали ва бир бутун хис этишни белгиловчи ҳозирги замон илмий синергетика концепцияси киради. Экологик маданият – умумжаҳон маданияти ривожланишининг асосий қисми ва этапи бўлиб, инсоният ҳаёти ва ривожланишида экологик муаммоларни ҳал этилиши муҳимлигини, долзарблигини чуқур англашни характерлайди. Экологик маданият умумий маданиятнинг бир қисми сифатида тасаввур этилиб, у ижтимоий маданиятни алоҳида тури бўлиб, ўзининг моҳияти ва функциясига

<sup>19</sup> Кистаубаев С.У. Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни// Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент: ЎзМУ, 2019. –Б, 64-65.

<sup>20</sup>Левинская В.О. Понятие, структура и функции экологической культуры. Дисс. уч. степ. канд. филос. наук. Ташкент: 2000. -С.11

эгадир. Экологик маданиятнинг мақсади табиатни сақлаш бўлган очик тизимли қадриятлар сифатида, алоҳида қадриятлар кўрсаткичи деб аниқланади. Экологик маданиятга берилган тарифлар турличадир. Масалан, экологик маданият – табиатни ўзлаштиришдаги ижодий фаолият бўлиб, бу жараёнда экологик қадриятлар бажарилади, тақсимланади ва фойдаланилади. Ҳозирги даврда экологик маданиятни ривожлантириш долзарб муаммолардан биридир. Экологик маданият – бу табиатга бўлган ижтимоий, моддий, амалий, рухий–назарий муносабатларнинг алоҳида сифатли даражасидир, бевосита ҳаётнинг қайта ўзлаштириш жараёнини ўз ичига олади ва тасвирлайди. Экологик маданиятнинг моддий ҳамда маданий йўналишлари мутаносиб ривожланиши зарур. Экологик маданиятни шакллантириш манфаатлардан келиб чиққан таълим–тарбия бошқа соҳадаги таълим тарбияни мужассамлантирувчи бош йўналишига айланмоқда<sup>21</sup>. Экологик маданиятни шаклланишида экологик таълим–тарбия асос бўлади. Экологик муаммоларнинг оламшумул аҳамият касб этиши ва инсоният тақдирини, қадриятини белгилаб туриши турли таълим – тарбия, соҳаларининг муштарак манфаатлари асосида бирлашувини тақозо этади. Бу эса умуминсоний методологияни ривожланишини талаб этади. Экологик мафқурани, кенгроқ экологик маданиятни ривожлантириш Шарқда ҳам Ғарбда ҳам турли типдаги маданиятларда бўлган табиатга оқилона муносабатлар синтези зарурлигини кўзлайди.

Экологик билим ва экологик маданиятнинг таянч фазилатлари сифатида “Ахлоқий–экологик онглилик”, “Экологик масъулиятлилик”, “Экологик иродавийлик”, “Экологик қадриятларни хурмат қилиш”ни белгилаб олиш лозим. Экологик маданиятни шакллантириш ҳозирги вақтда шаклланаётган янги фан – ижтимоийэкология қонунларини қамраб олган илмий ижтимоий тараққиёт назариясига таянади. Ижтимоий экология ижтимоий тараққиётнинг турли – туман кўрсаткичларини, ишлатилаётган

---

<sup>21</sup>Залесская Ю.И. Управление процессом формирования экологической культуры личности / Ю.И. Залесская // Кіраванне ў адукацыі. – 2008. – №4. –С.12-16.

техника ва технологияларни экологик талаблар нуқтаи назаридан таҳлил қилади.<sup>22</sup> Агар табиий жараёнларни ўрганишга йўналган анъанавий фанлар табиатни “бўйсундириш” мақсадида жамиятнинг табиатга таъсирини кенгайтириш эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган бўлса, ижтимоий экология эса, одамлар ҳаётининг табиий шароитларини муҳофаза этиш ва яхшилаш учун жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсирини уйғунлаштириш зарурати туфайли юзага келади.

Экологик маданият тушунчаси нисбатан янги тушунча бўлишига қарамадан, ҳозирги фалсафий адабиётларда бу тўғрисида кўплаб қарашлар ва таърифлар берилган. Хусусан, Н.Ш.Бозорова, “Экологик маданият – бу табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, экологик ҳис туйғуларни шаклланиши, фаол ҳаётий нуқтаи–назарда туриш, экологик билимга эга бўлишдан иборатдир”<sup>23</sup>, – деб талқин этса, У.Г.Саидова мазкур тушунчага “экологик маданият – бу табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, атроф–муҳитга нисбатан инсон фаолиятининг юксак кўрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашувидир”,<sup>24</sup> – деб изоҳ беради.

Тадқиқотчилар Э.Ж.Икромов, А.А.Хотамовларнинг асарлари айнан шахснинг экологик маданиятини шакллантириш масалаларига қаратилган. Улар бу муаммоларни “шахс экологик маданияти барча тарбиявий ишларнинг маҳсулидир”,<sup>25</sup> – деган концептуал ёндашувни тадқиқ этиш орқали ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. Айни пайтда, экологик маданиятнинг шахс экологик дунёқарашини бойитишдаги функциялари ҳам қатор таҳлил ва хулосалар орқали асослаб берилган.

Экологик тафаккур кишининг билими, маданияти, тарбияси даражасини белгилайди. Экологик маданияти юксак ҳар бир одам ўзининг касбий ва унга дахлдор бўлмаган фаолиятларида ҳам инсоннинг янада камол

<sup>22</sup> Саломова Х.Ю. Ижтимоий экология асослари. Тошкент: “Фан ва Технология” – 2004.–Б. 3.

<sup>23</sup> Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Пед. фан. ном.илм. дараж. учун Диссерт.-я. Қарши, 2006. –Б.41.

<sup>24</sup> Саидова У.Г. Экологик маданият тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари. Фал.фан. ном. дис. автореферати. Тошкент: 2008. –Б. 26.

<sup>25</sup> Икромов Э.Ж., Хатамов А.А. Шахснинг экологик маданияти. Тошкент: ИбнСино, 2001. –Б.15-16.

топиши, унинг сиҳат–саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш борасида рухий–ҳиссий, ижтимоий муҳитнинг энг яхши шарт–шароитларини ташкил этиш ва яратиш мақсадига қатъий амал қилиб яшайди. Инсон онгида янги экологик фикрлаш тарзини шакллантириш ниҳоятда мураккаб ишдир. Бундан бир неча йил муқаддам кишилар “табиатни бўйсундириш” “табиат устидан ғалаба қилиш” шиорлари остида худбиона ишлари билан табиатга зуғм ўтказдилар. Табиат устидан ҳеч ким ҳеч қачон ғалаба қила олмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. Эндиликда бизга шундай таълим–тарбия зарурки, барча келажак авлодларимиз экологик ахлоқийлик фалсафасини тамомила ўзлаштириб амалиётга биоэкология билимларини қўллай ола билишсин.

Экологик маданият унсурлари ҳисобланган: экологик билимлар, кўникма ва малакалар, эътиқод ва қарашлар, ҳар бир шахснинг табиий муҳитдаги фаолиятини бошқариб турувчи экологик онг ва дунёқарашини бойитишда, энг аввало, маҳаллий даражада миллий қадриятларга таяниши зарурлиги, уларнинг умуминсоний қадриятга оид хусусиятлари устуворлашувини таъкидлаш жоиз. Чунки экологик маданият – атроф–муҳит ва табиатга амалий муносабати, кишиларнинг экология соҳасидаги фаолияти ва хулқ–атвори, муайян даража ва йўналишда шаклланган онги ҳам демакдир.

“Экологик маданият” тушунчасига И.Т.Суравегина қуйидагича таъриф беради: “Экологик маданият” – одамнинг экологик билимлари, унинг бу билимларга ижобий муносабатининг ўсиб боровчи бирлигидан иборатдир<sup>26</sup>. Айнан, ушбу таъриф шахс ва жамиятнинг маънавий компонентларига экологик билимни ўрни беқиёслиги аниқ таъкидланган, бироқ экологик амалиётга етарли даражада эътибор қаратилмаган. А.А.Мелкумова ва Г.И.Любкарскийларнинг таъкидлашларича, экологик маданият бир қанча таркибий қисмлардан: эътиқод, билим, кўникма ва малака, фаолият ва хулқ–атвор меъёрлари ҳамда ҳис–туйғулардан иборат. Яъни, “экологик маданият”

---

<sup>26</sup> Суравегин И.Т. Экономика. Экология. Москва: 1998. - С. 63.

тушунчасининг асосий негизлари бу – экологик билимлар, экологик онг, табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалий кўникма ва малакалардир,<sup>27</sup> – деган оқилона хулосага келишади.

Ахлоқий–экологик онглилик шахсининг муҳим экомаданиятлилик сифати бўлиб, унинг атроф–муҳитни ҳиссий билиш жараёни: атроф муҳитдаги объектлар ва ҳодисаларни сезиши, идрок этиши, тасаввур қилиши, атроф–муҳит объект ва ҳодисаларини қиёслай олиши, зийраклик ва теранлик асосида табиат муҳофазаси бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозимлигини назарда тутди.

Экологик масъулиятлилик шахсда “муносабат” ва “масъуллик”ни тарбиялашда намоён бўлади. Бундай муносабат шахсининг билиб–билмай, узоқни ўйламай табиатга кўрсатган салбий таъсири оқибатларини англаш ва бундай таъсирни бартараф этиш истаги натижасидагина шаклланади. Экологик масъулиятлилик она–табиатга меҳр–муҳаббат, шахсий масъулият, виждонлилик, бурчга садоқат, эҳтиёткорлик каби фазилатларни ўз ичига қамраб олади.

Экологик иродавийлик шахсининг ўзи ва ўзгаларнинг атроф–муҳитдаги хатти–ҳаракатларини баҳолаши ва назорат қилиши, шахсдаги қатъиятлилик, тежамкорлик, озодалик ва покизалик билан боғлиқ.

Тадқиқотимиз нуқтаи назаридан экологик дунёқараш мазмунни ифодаловчи баъзи тушунчаларга тўхталиб ўтиш жоиз.

*Экологик маданият (қадрият)* – муайян жамият, ундаги жамоалар ёки шахсининг табиатга муносабатини характерлайдиган қоидалар, нормалар, қарашлар ва талаблар йиғиндиси ва айнан улар асосида амалга оширилувчи хатти–ҳаракатларни англатади.

*Экологик саводхонлик (салоҳият)* – инсоннинг табиатга нисбатан амалга ошираётган фаолиятига асос бўлувчи табиий–илмий билимлар даражаси, ундаги махсус кўникма ва қобилиятлар ҳамда ахлоқий сифатлардир.

---

<sup>27</sup> Мелкумова А.А. Любкарский П.И. Основни экологии. Москва: 1975. –С.47.

*Экологик талаб (императив)* – табиат билан ўзаро муносабатларда экологик нормаларни бажариш зарурияти ҳисобланиб, уларнинг амалга оширилиши барқарор тараққиётнинг шарти ҳисобланади ва инсоният цивилизацияси келажagini белгилайди.

*Экологик тарбия (дидактика)* – одамларда табиатга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш, унинг ресурсларига эҳтиёткорона ёндашиш ҳамда уларни қўриқлашга махсус йўналтирилган фаолият бўлиб, бу жараён экологик мувозанатини субъектив омилидир.

*Ҳуқуқий-экологик таълим* – шахсни табиатни қўриқлаш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш фаолиятини қонуний–ҳуқуқий ташкиллаштиришнинг махсус билимларини ва амалий кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёни.

*Экологик онг* – ижтимоий онг шакли сифатида инсон ва табиат муносабатларининг инъикоси бўлиб, кишилар фаровонлигининг табиат экологик мувозанат ҳолатига боғлиқлигини индивидуал ва жамоавий тушуниш қобилияти.<sup>28</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экологик дунёқараш, онг ва маданиятнинг мазмун–моҳиятида умуминсоний экологик муаммолар билан боғлиқ масалалар ўз аксини топганлигини кўраимиз. Эколог олим Н.Ф.Реймерс таъкидлаганидек, “экологик маданиятда инсониятнинг бугунги ҳаёти ва истиқболдаги ривожланишида муҳим экологик муаммоларни тавсифловчи, ўткир, чуқур мушоҳадага асосланган умуминсоний маданиятнинг босқичлари ва таркибий қисмлари ўз мужассамлигини топган”<sup>29</sup>. Экологик маданият ва шахс экологик дунёқарашининг ўзаро алоқадорлиги асосида кадриятларга муносабати алоҳида ўрин тутди. Демак, шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда экологик жараёнларнинг дунё миқёсидаги ва диёримиздаги ўзига хосликларни улар руҳиятига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>28</sup> Кистаубаев С.У. Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий кадриятларнинг ўрни// Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент: ЎзМУ, -Б, 63.

<sup>29</sup> Реймерс Н.Ф. Природопользование. Москва: 1990. -С.19.

Экологик маданиятни тадқиқ этишдан аввал экологик онг ва экологик дунёқараш тушунчаларининг мазмун–моҳиятини билиш лозим. Аввало, шуни айтиш керакки, экологик онг ижтимоий онг шакллари ҳисоблаб келинган ахлоқ, фан, дин, санъат каби турлардан бири эмас. Чунки ижтимоий онг шакллари орқали моддий дунёни билиш ва англаш тури, билишнинг муайян шакл ва воситалари назарда тутилса, экологик онг деганда жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар тушунилади. Ҳозирги шароитда экологик онгни шакллантириш ижтимоий тараққиётнинг объектив заруриятидир. Экологик шароитни англаш учун табиат ҳақидаги билимнинг янги сифат даражаси талаб қилинмоқда. Бу эса табиатнинг бир бутунлик ғоясини инсон томонидан чуқурроқ билиш асосида шаклланади.

Экологик онгинсон ва табиат муносабатлари муаммоси ва унда гармонизациялаш аспектининг инъикоси бўлган (илмий, этик, эстетик, ҳуқуқий ва б.қ.) қарашлар системаси сифатида ташкил топади. Экологик онг инсон ҳатти ҳаракатига шундагина сезиларли таъсир этадики, қачонки у инсон руҳий ҳолатини, ҳам фикрий, ҳам ҳиссий соҳасини қамраб олсин, илмий далиллар уни ҳаяжонлантирсин ва ўзлаштирган билимга асосан табиатга муносабатини ўзгартириш зарурлигига шахсий ишонч ҳосил қилсин.

Экологик онгни шакллантириш инсонни фаоллаштириш жараёни боришида, ижтимоий воқеликни ёритишда, жамиятни ижтимоий–иқтисодий жиҳатдан ўзгартиришда ва тараққиётини жадаллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг мафкуравий хусусиятларига алоҳида аҳамият берилиши керак. Инсон онгининг мазмуни ишончли характерда бўлгандагина, ғояларнинг тўғрилигига, тўлиқ ва ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилгандагина, у онг дунёқарашга айланади.

Экологик дунёқараш бўлса, фалсафий ва бошқа дунёқараш шакллари билан синтезлашган тарзда намоён бўлсада, унинг асосий объекти табиат борлиғи бўлганлиги боис, унинг шаклланиш ва такомиллашув жараёни субъектив омил бўлган экологик онг даражаси билан боғлиқ. Шунга кўра,



глобал, минтақавий ва миллий даражаларда юзага келган кескин экологик муаммоларни ҳал қилиш нафақат ижтимоий–иқтисодий, ҳуқуқий, техник–технологик вазифалар ечимига, балки фуқароларимизнинг экологик дунёқарашни шакллантиришни тақазо қилади.

Экологик дунёқараш инсоннинг уни ўраб турган объектив олам ва ундаги ўз ўрни ҳақидаги ғоят умумлашган, мураккаб тасаввурлар мажмуасидир. Экологик дунёқараш табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсир қонунлари ҳақидаги назарий билим билан бирга, жамиятдаги ҳиссий қадрият (ахлоқий, эстетик) ва бошқа руҳий бойликларни, шахснинг ижтимоий онгининг ҳар хил формаларини ўз ичига олади.<sup>30</sup> Бунда жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатининг алоҳида хусусиятларини тўғри тушуниш катта аҳамиятга эга, яъни умумий назарий дунёқарашда моддий борлиқни бир бутун деб, жамият ва табиатни ўзаро боғланувчи элементлар деб, қарамоқ мумкин.

Кўп йиллик анъанага кўра экологик дунёқарашни шакллантириш амалиётидаги асосий камчилик шундан иборат эдики, шундай муҳим экологик масала, асосан маъмурий усуллар билан реал воқелиқдан ажралган ҳолда ҳал этиларди, натижада, мана шу амалиёт, бу усул методологик жиҳатдан нотўғри эканлигини ва токи инсон олган билимлар унинг ҳаётий тажрибаси билан мос келмас экан, бундай дунёқарашни шакллантириш унинг эътиқоди ва ҳаётий йўналишини ўзгартира олмаслигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун ҳам аввало, инсонларда экологик тафаккур асосида экологик дунёқарашни шакллантириш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Экологик дунёқарашни шакллантиришнинг турли поғоналари бор.

- бир бутун таълим-тарбия жараёнида экологик дунёқарашни шакллантириш.

- билиш фаолиятида методологик таъминлашни ошириш орқали фойдали экологик фаолиятни кўтариш.

---

<sup>30</sup> Хошимова Э, Расулева Г. Экология: ғоя, назария, методология. Тошкент: 2006. –Б. 82

- ривожланган экологик тафаккур маданиятини шакллантириш.

Экологик дунёқараш табиатга эстетик муносабатнинг ўзига хос шакли ҳам бўлиб, унда индивидуал тарбиявий таъсирлар, оила муҳити ва жамоатчилик экологик фаоллигининг бевосита таъсири катта. Экологик дунёқарашнинг ривожда табиатнинг уйғониши билан боғлиқ байрамлар, маросимлар муҳим ўрин тутди. Бу эса ўз навбатида миллий кадриятлар тизимида шаклланган экологик кадриятларни шахс амалий фаолияти ва дунёқарашни такомилда ўзига хос мавқега эга эканлигини англатади.

Жамиятининг ва тараққиётининг барча босқичларида табиат инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарурий энергия ва моддий манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Инсоннинг табиатни муҳофаза қилишдан иборат экологик фаолиятининг асоси жамият ривожланиш даражасини белгилаб берувчи сиёсий муносабатлардан иборат. Коинот, атроф–муҳит, “бирламчи табиат” ва “иккиламчи табиат”, экология, экологик билим, экологик онг, экологик эътиқод, экологик муносабат, экологик фаолият, экологик маданият, экологик инқироз, ижтимоий экология тушунчалари, табиат билан жамият ўртасида вужудга келган қарама-қаршилиқлар тадқиқотимизнинг назарий асосини ташкил қилади. Экологик сиёсат ёрдамида “табиат – жамият – инсон” тизимидаги амалий муносабатлар бошқарилиб, шунга кўра, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий муносабатларни, экологик борлиқни ялпи экологик тафаккурдан, экологик сиёсатдан айрича олиб қараш ва ўрганиш мумкин эмас. Зеро, экологик маданият шунчаки бирор талафотни бартараф этувчи тадбир бўлмасдан, инсонларнинг давр талабидаги комиллик савиясини белгиловчи бир мезон бўлиб қолмоқда<sup>31</sup>.

Экологик маданият – табиатнинг моҳиятини англаш ва унга субъектив муносабат билдиришнинг ижтимоий – тарихий шартланган қарашлар ва амалиётга оид тизими бўлиб, биосфера экологик мувозанати тўғрисидаги билимлар ва кўникмалар асосида ҳаёт тарзини тартибга солиш, табиат

---

<sup>31</sup>Язданов З. Ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденциялари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент: ЎЗМУ, -Б. 11.

неъматларидан оқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланишда моддийлик ва маънавийлик уйғунлигининг намоён бўлиш шаклидир. Бу таърифда экологик маданиятнинг функционал аҳамиятига, интегратив характерига алоҳида урғу берилмоқда. Чунки, В.О.Левинскаянинг фикрича “экологик маданият функцияларини таснифлашдан олдин унинг иккита асосий мезонларини кўрсатиш зарур: *биринчиси*, экологик маданият инсон маданиятининг бир қисми бўлганлиги боис, қатор унга тегишли бўлган функцияларини бажаради. *Иккинчиси*, умумий маданият функцияларидан фарқ қилиб, экологик маданият ўзининг функциясига эга ва у маданиятнинг бошқа шаклларида мавжуд эмас”<sup>32</sup>.

Экологик фаолият жамият ҳақида янгича тасаввур этишни, бир бутун илмий дунёқарашни ташкил этишни шакллантиради. Экологик дунёқарашнинг негизини илмий тушунчалар, категориялар, қонунлар, принциплар, билиш методлари ва бошқалар системасида ифодаланган инсон ва табиат ҳақидаги объектив билим ташкил этади. Экологик муаммоларнинг ҳал этиш жараёни инсон масъулиятини, фикрлаш савиясини, экологик тафаккурини шакллантиришни, уларни назарий даражага кўтаришни актуаллаштиради. Бу эса ҳар қандай илмий ижод аҳли фаолияти олдига қуйидаги талабларни қўяди:

1. Ўтмишдаги табиат ҳақидаги тафаккурнинг бой меросига таяниш;
2. Амалий ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган назарий асосга эга бўлиш;
3. Замонавий, цивилизациялашган экологик технологияга асосланиш;
4. Замонавий илғор методологияга таяниш;
5. Инсоннинг табиатга антропоген таъсир қилишида, уларнинг ўзаро ривожланиш ва таъсир қонуниятлари илмига эга бўлмоқ зарур.

Янгича экологик тафаккурнинг шаклланиши биосферани бир бутун система асосида, инсон ва табиатнинг коэволюцион, коадаптация

---

<sup>32</sup> Левинская В.О. Понятие, структура и функции экологической культуры. Дис на соис. уч. степ.канд.филос. наук. Ташкент: 2000. –С. 16.

функцияланиши, ривожланиши қонунини билиш ва ўрганиш асосида бўлади. Экологик тафаккур ва онгнинг шакллантириш хусусияти инсониятга табиат қонунларини билиш ва амалда риоя қилишга имкон беради. Ҳаётнинг бир бутун ривожланиши, табиатдаги барқарорлик ва беқарорлик принципи, табиатдаги табиий мувозанат ва бошқалар экологик тафаккурининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Бу масалага ҳамма ижтимоий соҳалар жалб қилинмоқда.

Экологик қарамлик тенденцияларига ҳамда дунёни бошқаришни осонлаштириш учун маданий ва биологик хилмаҳилликни йўқотишга интилувчи трансмиллий корпорациялар босимига ҳамisha экологик инсонпарварликни қарши қўйиш лозим. Табиий муҳитнинг ўзгариши жараёнида янги инсоний қадриятлар юзага келади. Аммо бу янги қадриятлар кенг омма мулкига айланса, яъни тегишли мафкура ва маданият пайдо бўлсагина вазиятнинг ўзи ҳам ўзгаради.

Экология соҳасидаги интенсив тадқиқотлар унинг табиий фан сифатидаги мавқеини ўзгартирди. Бунда тирик табиат билан муҳит ўртасидаги муносабатларни инсонни қўшмай ўрганиш етарли бўлмай қолди. Биосфера ўзгаришида энг муҳим омиллардан бири бу антропоген таъсир эканлиги маълум бўлди. Айниқса, техносферанинг ривожланиши табиий жараёнларга таъсир қилиб, инсон манфаатларига мос равишда табиий муҳит элементларини сунъий муҳит билан алмаштиради. Бундай техникавий ёндошув “технизм” — табиат инсон иродасига бўйсунди, деган антропоцентрик, қандайдир инсон эркига қарам каби қарашларга асосланган. XX аср охирига келиб инсон томонидан яратилган сунъий техносфера ер биосфераси билан таққосланганда, бунда инсон томонидан яратилган сунъий моддалар ҳажми (техномасса) табиий биомассадан анча ошиб кетган. Ҳозирги замон оламшумул (глобал) муаммолари ва янги ижтимоий–маданий детерминациялар анъанавий экологик воқеликни акс эттирувчи парадигмаларни тубдан ўзгартириб юборди.

Фалсафий адабиётларда “экологик муаммоларни муваффақиятли ҳал этиб бориш нафақат социал–иқтисодий, илмий–техникавий шарт–шароитларнинг объектив ҳолатига, шу билан бирга, инсон омили, унинг экологик онги ва дунёқарашининг ривожланганлик даражаси каби субъектив омилга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ”<sup>33</sup>, деб кўрсатилган. Шунингдек, экологик дунёқарашда шахснинг ўзига хос экологик онги, билими ҳамда кўникмаси, табиат ҳодисаларига ёндашувининг турфа хил кўринишлари ўз аксини топганлиги учун, баъзи олимлар “экологик онга экологик ижтимоий муносабатларнинг инъикоси сифатида қарайдилар”<sup>34</sup>. Экологик онгнинг даражалари экологик муносабатларнинг хусусиятлари ва уларнинг ривожланиш динамикасига мос келади. Лекин, “ўз навбатида экологик муносабатлар ҳам экологик онгнинг моддийлашув жараёнидир”<sup>35</sup>. Аммо бу моддийлашув жараёни объектив реалликда кишиларнинг атроф–муҳитга фаол таъсирга нисбатан муайян даражада орқада қолаётганлигини эътироф этиш зарур. Бу масалада Ю.А.Андреева таъкидлаганидек, “Кишиларнинг атроф–табиий муҳитни ўзлаштириши, уларнинг экологик онги ўсишига нисбатан илгарилаб кетмоқда”<sup>36</sup>.

Инсон табиатга нисбатан ўз муносабатларининг оқибатларини англаб олса ва антропоген таъсир туфайли табиатнинг қай даражада ўзгаришга учраганлигини аниқлаб олса, мавжуд экологик вазиятга кўрсатаётган таъсирларини кўр–кўрона эмас, онгли равишда, таъсир объектларининг ва вазиятларнинг кўплаб параметрларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширган бўлур эди. Чунки “ҳар қандай экологик вазият объектив равишда биосфера ички мувозанатларининг бузилишидан, яъни табиатга антропоген, техноген таъсирлар натижасида юзага келади”<sup>37</sup>.

Инсонларга фақат табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш асосларини ўргатиш билангина уларда экологик маданиятни тарбиялаб

<sup>33</sup> Жибуль И.Я. Экологические потребности: сущность, динамика, перспектива. Минск: Наука, 1991. -С. 123.

<sup>34</sup> Абдуллаев Э. Экологические отношения и экологическое сознание. Тошкент: 1990. –С, 219.

<sup>35</sup> Ўша асар. –Б. 220.

<sup>36</sup> Андреева Ю.А. Человек, природа, общество в современной прозе. Москва.: 1981. –С. 47.

<sup>37</sup> Исамухамедов Х. Мамашокиров С. Экологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Тошкент: 1999. –Б. 27-28.

бўлмайди. Ёшларни табиатдан оқилона фойдаланишга, маънавий–маданий бойлик яратишга ўргатиш, шунингдек, уларга табиат фақат фойда олиш учунгина эмас, балки гўзаллик қонунларига кўра ўзгартирилишини тушунтириш ахлоқий талабларга тўла мувофиқ келади. Талаба–ёшларда экологик маданиятни шакллантириш жараёнида қуйидаги тартибларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан,** ёшларнинг ҳиссиётига таъсир этиш, улар қалбида ёшлик чоғлариданоқ табиатга муҳаббат уйғотиш лозим. Бу тарбия қанчалик эрта бошланиб, изчил ривожлантирилса, у шунчалик ижобий самара беради.

**Иккинчидан,** ёшлар онгида табиатни муҳофаза этиш ва у билан оқилона ўзаро таъсир масалаларида фаол ҳаётий нуқтаи назарни шакллантириш. Уни инсоннинг ахлоқий эстетик савияси даражаси тарзида тавсифлаш мумкин. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, бизнинг ҳозирги кунларимизда ҳам, унинг табиий муҳит ҳолатига боғлиқлиги камайиш ўрнига тобора ортиб бораётганини англаши зарур. Демак, ҳар биримиз табиатни асраб–авайламоғимиз дар–кор. Фан техника тараққиёти учун, айниқса, унинг ютуқларидан амалий мақсадларда фойдаланиш учун масъул бўлган шахслар олдида объектив талаблар турибди. Улар табиатнинг нозик жиҳатларини ҳисобга олиши, унинг мустаҳкамлик “чегараси”дан ўтиб кетилишига йул қўймаслиги, ўзига хос мураккаб ва ўзаро боғлиқ ҳодисалар моҳиятини теранроқ англаши, қайтмас жараёнларни келтириб чиқармаслик учун табиий қонунларга зид ишларни қилмаслиги керак.

**Учинчидан,** экологик маданиятни юксалтириш экологик таълим олишни узлуксиз давом эттиришни тақазо этади. Ёшлар билим олиши, олинган билимларини келгусида бойитиш ва ривожлантириши зарур. Шунингдек, бунда корхона ва ташкилотларда экологик маданият йўналишда олиб бориладиган тарбиявий ишлар ҳам катта ёрдам беради.

Экологик муаммоларни ҳал этиш учун табиатга кучли, интенсив таъсирнинг оқибатини илмий баҳолаш ва олдиндан кўра билиш ҳар доим ва ҳамма жойда амалга ошиши керак. Инсон фаолияти ва табиий жараёнларни

гармонизациялаш учун илмий билишни ривожлантириш лозим. Биосферага таъсирнинг хали амалга ошмаган потенциал имконият, оқибатини олдиндан кўра билиш қобилиятини ўстириш зарур. Инсоннинг табиатга бўлган муносабатида ривожланган қобилиятга эга бўлган инсоннинг шаклланишига объектив шароитни фақатгина “янги цивилизация” давридагина яратилади. Цивилизация ўз тараққиётининг янги қонуний босқичига кириб бормоқда. Эски цивилизацияни асосий бўлган технологиядан фарқли, янги цивилизация технологияси табиат ва жамият ўзаро муносабатларини табиат қонунларига мос ҳолда бошқариш жараёнини ташкил этади. Бунда объектив ишлаб чиқариш технологияси тинимсизлигини, моддаларнинг айланма ҳаракат принципини таъминлаш керак. Инсон ва табиатнинг глобал ички бирлигини англаш цивилизацияни ўзини-ўзи емириш ҳолатидан, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи бошқаришга ўтказди.

Ер юзида цивилизация ва ҳаётнинг ривожланиш имкониятини таъминлайдиган ишлаб чиқаришнинг индустриал ривожланиши билан инсонни ўраб турган табиий муҳит ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишга қаратилган социал–иқтисодий фаолиятнинг алоҳида кўриниши деб қарамоқ керак.

Инсон табиатни ўзгартириш, ундан фойдаланишда цивилизациялар вужудга келган. Эндиликда, гарчи инсоният ўз цивилизациясини сақлаб қолишни хоҳлар экан атроф–муҳит тўғрисида тўлиқ билимларга эга бўлишга илгаридан ҳам кўпроқ муҳтождир. Аҳолининг ўсиши ва ташқи муҳитга таъсир этиш имкониятлари кенгайиши натижасида табиат қонунларининг нисбий аҳамияти ўзгаради ва инсонни уларга қарамлигини мураккаблаштирганига қарамасдан, табиатнинг асосий қонунлари ҳозир ҳам аввалгидек ҳаракат қилмоқда.

Ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми экологик тарбия саналади. Экологик маданиятсиз ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни бойитади. Талабаларда ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор меъёрларини

таркиб топтириш, уларнинг ижодий қобилиятларини тараққий этишига уларда экологик маданиятни шакллантириш катта таъсир кўрсатади<sup>38</sup>.

Нафосат тарбиясининг муҳим воситаси сифатида экологик маданият ўқувчиларни гўзалликни севиш руҳида тарбиялаш, турмуш, табиат, санъат гўзаллиги ва болаларнинг бадий фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган педагогик жараёнда қўлланилувчи омил ҳисобланади. Педагог олим К.Д.Ушинский ёш авлодда табиат эстетик туйғуларнинг ривожланишига чуқур таъсир кўрсатадиган ажойиб тарбиячидир, деган эди. Табиатга бағишланган санъат асарларини ўрганиш, саёҳат, сайр, мазкур йўналишдаги анъанавий фаолиятлардир. Оламдаги гўзалликни кўра билиш, ҳис этиш лозим. Ўқитувчилар эътиборни табиат бойликларига, унинг шаклидаги мукамалликларга қаратиш, сайр, экскурсия ҳамда мактаб тажрибавий ер майдончасида ишлаш пайтида нафосат, табиатни севиш эҳтиёжигина бўлмай, шунингдек, унга онгли муносабатда бўлишдан ҳам иборатлигини ўқувчиларга тушунтириб боришлари лозим<sup>39</sup>.

Шу ўринда, бугунги кунда табиатдан оқилона фойдаланишнинг асоси бўлган экологик маданиятни шакллантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари тўла қувват билан ишляпти, деб айтиб бўлмаслигини таъкидлаш лозим. Айниқса, табиатга янгича муносабатда бўлишда одамларнинг ҳуқуқий маданияти (ҳуқуқий–экологик дунёқараши) пастлиги, иқтисодий (иқтисодий–экологик) тафаккурнинг етишмаслиги оқибатида мавжуд муаммоларни ечишда қатор қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Табиатдан фойдаланишнинг регионал ва глобал даражаларига эътиборнинг камлиги қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Юқорида қайд этилган даражалар ниҳоятда ҳаракатчан ва ўзгарувчан бўлиб, уларнинг бир–бирларига ўтиб туриши табиий ҳолдир.

Экологик маданият инсоннинг табиатга субъектив муносабати ҳисобланиб, бу муносабат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳимлигини

<sup>38</sup> Азимова С.Т. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим хусусиятлари. Замонавий таълим / современное образование 2014, 11. –Б. 32.

<sup>39</sup> Азимова С.Т. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим хусусиятлари. Замонавий таълим / современное образование 2014, 11. –Б. 33.



англаб олишда, бошланаётган экологик хавфни бартараф қилишнинг ишончли йўли сифатида табиий ҳодисаларга тўғри ёндашиш зарурлигига ишонишда намоён бўлади<sup>40</sup>. Шунинг учун, экологик маданиятли кишилар табиатга, атроф–муҳитга масъулият билан муносабатда бўлади, табиатни ўз уйидек кўради, уни доимо парваришлаб, тоза, мусаффо ҳолатда сақлашга ҳаракат қилади.

Бунда кишиларнинг экологик билими, онги, табиатни муҳофаза қилиш бўйича кўникма ва малакаларининг муайян кўлами муҳим аҳамиятга эга, албатта. Инсон мана шу учта таркибий қисмни ўзида мужассамлаштиради, яъни экологик билим, онг ва ҳаракатга (яъни, амалий компонентга) эга бўлса, унда экологик маданият шакллланган дейиш учун асос бўлади. Шу билан бир қаторда, инсонда юқори экологик маданиятни шакллантиришда: экологик дунёқараш, илмий экологик тафаккур, ижтимоий экологик фаоллик ва масъулият, ўз–ўзини экологик баҳолаш ва назорат қилиш кабилар ҳам муҳим ўрин тутаяди<sup>41</sup>.

С.У. Кистаубаевнинг фикрини қўллаб қувватлаган ҳолда Инсонда экологик маданиятни шакллантиришда энг аввало умумий биоэкология, ижтимоий экологик билимларни табиат борлиғи қонунларини чуқур билиш ва унга риоя этиш муҳим аҳамиятни касб этади. Хулоса қилганда, экологик маданиятнинг тағ–заминларидан бири – шахснинг борлиқ, табиат ва жонзотларга нисбатан ахлоқий масъуллиги ҳисобланади. Соддароқ қилиб айтганда, экологик ахлоқ шахс экологик дунёқарашининг маънавий негизидир. Экологик дунёқарашнинг иккинчи муҳим компоненти шахс экологик руҳияти бўлиб, унинг ифодасини инсоннинг табиатга бўлган меҳри, ҳис туйғуларида кўриш мумкин. Бунинг учун, илмий тадқиқотларда экологик маданият ва экологик дунёқарашнинг ўзаро нисбати, фарқи ва ўхшашлиги илмий–назарий таҳлили доирасида бу икки тушунчага таъсир этувчи миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари янада

<sup>40</sup> Маликова О. Талабаларда экологик муҳитни шакллантириш. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. №3, 2007. –Б. 143.

<sup>41</sup> Кистаубаев С.У. Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни// Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент: ЎзМУ, -Б. 70.

аниқлаштирилиши зарур ҳамда экологик идрок, тасаввур, тушунча ва тафаккурга шахс экологик дунёқарашининг шаклланишида муҳим омиллар сифатида қараш ва уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар билан алоқадорлик нуқтаи назаридан, уларнинг норматив, аксиологик томонларини фундаментал тарзда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

## **1.2 §. Экологик маданиятнинг глобал, регионал ва локал муаммолари**

XX аср инсоният тарихида янги сий дунёқараш ва экологик тафаккур шаклланди. Бу дунё олимларининг табиатни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги ва муносабатлари муҳим аҳамиятни касб этмоқда. Инсоният боши узра икки хавф–хатар зарбаси муаллақ турибди. Бу — ядровий ва экологик ҳалокатлардир. Янги дунёқараш эса ана шу икки хавф–хатарни инсоният тарихидан бутунлай бартараф этишга йўналтирилган. Бу охир–оқибатда инсониятни ўз–ўзини ҳалок этиш муаммосидан холос этиши лозим. Янги тафаккур – дунёқарашнинг фаоллиги, кучи ва амалий аҳамияти, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам худди ана шунда кўринади. Зеро, “инсон ўз тақдирини ўз кўли, меҳнати ва қобилияти, тинимсиз саъй–ҳаракати ва сабр–тоқати билан яратади”<sup>42</sup>. Шу билан бирга барчасини ўз кўли билан барбод этади ҳам.

Экологик маданият серқирра ҳодиса сифатида мураккаб ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таалуқли бўлиб, жамият ҳаётининг маънавий ривожини унингсиз юксалтириб бўлмайди. Бундай ҳолат экологик маданиятнинг ижтимоий хусусиятини, ривожланишининг ижтимоий белгиланганлигини кўрсатади. Шу боис, конкрет–тарихий ёндашувгина экологик маданиятга унинг моҳиятини тўғри тушуниш имконини беради<sup>43</sup>.

Экологик маданиятни регулятив функцияси маросимлар, урф–одатларда ҳам намоён бўлади. Чунки, ҳар қандай маданият нормаси кишининг ички эътиқодига айланган тақдирдагина унинг фаолиятини

<sup>42</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. –Б, 176.

<sup>43</sup>ДерябинВ. А., Фарафонтובה. П.Экология : учебное пособие. Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2016. –С. 115.

тартибга солувчи омил сифатида юзага чиқа олади. Аҳолининг экологик маданият мезонларини юксак даражада ўзлаштирганини уларнинг турли шароитларда ўзларини қандай тутишларига қараб билиб оламиз.

Экологик муаммоларни бартараф этиш ва экологик маданиятни шакллантириш узоқ давом этадиган жараён. Шу маънода экологик маданият муаммосининг назарий методологиясини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Замонавий экологик маданият тарихини илмий таҳлил этишнинг янги назарий методологиясини ишлаб чиқишда муҳим вазифа сифатида қуйидагилар эътироф этилиши зарур:

- экологик маданиятни ўрганиш методологиясини такомиллаштириш;
- экологик маданият генезиси ва шаклланишининг тарихий босқичларини ўрганиб, уни ривожлантиришга доир назарий, амалий ва методологик тавсиялар ишлаб чиқиш;
- жамият тараққиётида экологик маданиятнинг функционал аҳамиятини белгилаб бериш;
- экологик маданий мерос ривожда ворислик муносабатлари ва уни ривожлантиришнинг усул–воситаларини кўрсатиш ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида инсониятнинг умумий мақсадга эришиш потенциал имкониятини экологик императив доирасидан ташқарида реаллаштириш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Зеро, цивилизациялар интеграциясининг тарихий зарурияти халқаро экологик сиёсий муносабатларни глобал бошқариш институционал тизимини тақозо қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, “глобаллашув жараёни турли–туман ҳамжамиятларнинг цивилизация ресурсларини сафарбар этишини, шу жумладан янги мустақил давлатларнинг бу жараёнга фаол қўшилишини талаб қилади ва пайдо бўлган умумжаҳон муаммоларини фақат биргаликда ҳал қилиш мумкинлиги заруриятини сақлаб қолади. Бу цивилизациялар диалоги ва халқаро маданий алоқаларнинг янги даражасидир”<sup>44</sup>.

---

<sup>44</sup>Махкамова Д. Центральная Азия и страны Востока на пути сотрудничества и диалога культур. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2004. № 2. –Б.20.

Экологик муаммонинг глобаллашуви ўз характерига кўра объектив жараёндир. Чунки табиат чегара билмайди ва ягона экологик тизимни ташкил этади. Шунинг учун ҳам расмий халқаро экологик ташкилотлар, шунингдек, турли саноат корпорацияларнинг фаолияти дунёвий тус олмоқда. Албатта, бу жараённинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари мавжуд. Одатда, тараққиёт мезони интегротив хилмахиллик дея таъкидланади. Глобаллаштириш интегротив тенденцияларни кучайтиради. Агар ижтимоий тизимнинг хилма хиллиги камаймаса, бу ижобий аҳамиятга эга. Бундай ҳол бугунги кунда табиат ва жамиятда кузатилади, албатта.

Тарихий тараққиёт жараёнида инсон фаолияти таъсирида глобал ва регионал ва минтақавий экологик муаммолари юзага келди. Экологик муаммоларни – территориал, географик, иқлимли, миллий ва бошқа принциплар асосида классификация қилиш мумкин. Глобал экологик муаммолар деганда дунёнинг ҳамма регионларига тегишли, бутун инсоният олдида турган муаммолар тушунилади. Буларга соғлиқни сақлаш, оғир касалликларни даволаш, табиатни сақлаш, иқлимни ўзгариши, урбанизация, дунё океанини янада кўпроқ ўрганиш, ривожланиб бораётган халқнинг озиқ–овқат, энергия ва ресурсларга бўлган талабини қондириш ва бошқалар киради. Шу нуқати назардан ҳам, экологик муаммоларни кўламига қараб регионал ва локал муаммоларга ажратилади.

Бугунги кунда интеграцион алоқалар кучайиб бориши ва глобаллашувнинг тезлашиши натижасида, экологик муаммолар глобал тус олмоқда ва уларнинг шакли кундан–кунга кўпайиб бормоқда Сўнгги йилларда атмосферанинг ифлосланиши, иқлимнинг ўзгариб бориши каби глобал экологик муаммолар юзага келди<sup>45</sup>. Шунингдек, бугунги кунда инсониятга ичимлик сув захираларининг камайши, Орол денгизининг куриши, экин ерларининг эрозияга учраши, ўрмонларнинг қисқариши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши, дарёлар, денгизлар ва

---

<sup>45</sup>Залеская, Ю.И. Управление процессом формирования экологической культуры личности / Ю.И. Залеская // Кіраванне ў адукацыі. – 2008. – №4. –С.12-16.

океанлар сувларининг шафқатсизларча ифлосланиши сингари глобал экологик хавфлар таҳдид солмоқда. Бу каби хавфлар атроф-муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир этиб, экологик мувозанатнинг таранглашувиغا олиб келмоқда. Юқоридагилар нафақат табиий муҳитни, балки ижтимоий муҳитни ҳам кескинлаштирмоқда.

Локал экологик муаммоларнинг юзага келишига экологик норма ва меъёрларнинг кўпол равишда бузилиши, экологик маданият даражасининг пастлиги сабаб бўлмоқда. Оламдаги барча мавжудотларнинг барқарор ҳаёт кечиришида ҳаво, сув, тупроқнинг софлиги муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз миқёсида ҳар учала табиат ҳодисасига хос локал экологик муаммолар мавжуд. Статистик маълумотлардан кўринадики, мамлакатимиз аҳолисининг атроф-муҳитга ўтказаяётган таъсирининг салбий натижаларини сезиш, англаш қийин эмас<sup>46</sup>.

Инсоният цивилизациясининг ҳозирги тарихий ривожланиш босқичида бир қатор ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммолар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Уларни ҳал қилиш учун жаҳон ҳамжамияти барча имкониятларни сафарбар этиш лозим. Сиёсий суверенитетини кўлга киритган давлатларнинг табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги сиёсати мустабид тизимдан мерос бўлиб қолган ҳалокатли экологик вазият оқибатларини бартараф қилиш имкониятларини қидириб топишга йўналтирилиши керак. Бир сўз билан айтганда, давлат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллар ёрдамида кенг кўламдаги экологик танглик таҳдидини барҳам топтириш, баркамол ёш авлоднинг ривожланиши учун зарур, иқтисодий жиҳатдан мусаффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради. Шахснинг ҳаётий зарур манфаатларига инсоннинг ҳаёт фаолияти учун оптимал экологик шароитларни таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, жамиятнинг ҳаётий зарур манфаатларига барқарор экологик вазиятни қарор топтириш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, соғлом авлодни

---

<sup>46</sup>Язданов З. Ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденциялари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент: ЎзМУ, -Б. 12.

шакллантириш киради. Жамиятнинг ҳаётий зарур манфаатларига барқарор ривожлантириш, жаҳонда экологик вазиятнинг барқарорлиги, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида илмий–техник ривожлантиришнинг юқори даражасини таъминлаш, миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратиш киради.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида экология билан боғлиқ масалалар, табиат экотизими емирилишининг кенгайиб бориши, биологик хилма–хилликнинг қисқариши, табиий муҳит глобал ўзгаришининг таҳдиди, саноат объектларидаги ҳалокатлар, хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг атроф–муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсири дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб қўйди. Инсоннинг табиатга таъсири, ўз навбатида, табиатнинг инсониятга ақс таъсирини келтириб чиқармоқда. Бунинг оқибатида мураккаб, кўп қиррали ва турли хусусиятли муаммолар юзага келмоқда. Экологик таҳдид маълум географик маконда вужудга келиб, эскалация характериға эға<sup>47</sup>.

Экологик муаммолар бугунги куннинг глобал, ҳал қилинишини кечиктириб бўлмайдиган кескин ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш барча халқлар ва миллатларнинг келажагини белгилаб бериши шубҳасиз. Бу борада дунё ҳамжамияти бугунги кунда тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Зеро, миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган экологик хавфсизлик муаммоси инсоният келажагини ҳал қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам инсоният ва табиат ўртасида миллион йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб келган ўзаро таъсир жараёнлари ҳозирги даврда ўта зиддиятли босқичга кириб бормоқда. “Яшаш ёҳуд ҳаёт бу муросаларнинг тўхтовсиз кетма–кетлигидир. Бугун табиат ва инсон ўртасидаги зиддият олдинги марраға чиқмоқда. Айнан шу аснода янги муросаға зарурат туғилди”<sup>48</sup>.

<sup>47</sup>Мамашокиров С, Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. –Тошкент: Фан, 2009. –Б. 28.

<sup>48</sup>Н.Смирнова, Н.Н.Моисеев. О политической науке и будущем человечества // Полис, 2008, № 1, -Б.187.

Инсоният тарихида инсон-табиат муносабатларига оид бир қатор муаммолар пайдо бўлганки, уларни ҳал этиш бугунги кундагидек мураккаблик касб этмаган. XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳонда содир бўлган кўплаб воқеа ва ҳодисалар инсоннинг табиатга муносабатининг ўзгаришига олиб келди. Иқтисодий тараққиётда юксак чўққиларни қўлга киритган башарият атроф табиий муҳитнинг бузилишига сабабчи бўлди. Замонавий цивилизациянинг атроф-муҳит муҳофазаси билан чамбарчас боғлиқлиги кўп ҳолларда унутилиб, фақат манфаат ортидан қувиш оқибатида бугунги кунда ўзгартириб бўлмас даражада экологик муаммолар пайдо бўлди. Бугунги кунда маълум бир ҳудудда рўй бераётган табиий офатларга нисбатан бепарволик билан муносабатда бўлсак, эртага бизнинг ҳудудимизда ҳам ҳудди шундай ҳодиса бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан инсонларнинг атроф-муҳитга бўлган таъсири ўсиб боради. Инсон табиат билан, яъни ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда ер ости ва ер усти бойликлари билан ўзаро мулоқотда бўлади. Экологик муаммолар кенгайиб уларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолган ҳозирги даврда бу муаммоларни ҳал қилишда инсоният учун асосан экологик онг ва экологик маданиятнинг ўрни беқиёсдир. Албатта, илмий-техникавий ривожланиш натижасида, турли соҳа илм ва технологияларининг тараққиёти, янги энергия манбалари ва кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши, табиий ресурслардан ёвузларча фойдаланиш натижасида ҳаво, сув ифлосланади, инсониятни боқувчи ер яроқсиз ҳолга келиб, оқибатда уни яшаш муҳитидан маҳрум этади. Ҳозирги даврда инсоният, у қандай ҳавф қаршисида келиб қолганлигини тушуниб етди, атроф-муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этди. Инсон фаолияти таъсири натижасида атроф –муҳитда анча сезиларли даражада ўзгаришлар рўй бермоқда. Булар асосан ҳозирги кунда мавжуд бўлган экологик ҳавфизлик классификациясида бўлган: умумсайёравий, минтақавий, миллий, локал экологик ҳавфсизликлар мамлакатимиз ҳудудини ҳам четлаб ўтмади.

Бундай глобал экологик мауммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- озон қатлами емирилиши;
- иқлимнинг ўзгариши;
- чўллашиш;
- тоза ичимлик суви танқислиги;
- Орол денгизи муаммоси;
- ҳайвонот ва ўсимлик дунёси турларининг қисқариб бориши;
- биологик хилма-хилликни камайиши;
- ўрмонларнинг қисқариб кетиши;
- ер деградацияси;
- сув ресурслари танқислиги;
- атмосфера ифлосланиши шулар жумласидандир.

Экологик фожиаларни бу даражадаги жадаллашиб боришида экологик онг ва экологик маданиятнинг етишмаслиги, табиатга оқилона экологик муносабатнинг йўқолиб бориши сифатида келтириш мумкин. Экологик онг ва экологик маданиятнинг асосий вазифаси халқимиз экологик маданиятини ошириш орқали ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойиллари асосида табиатдан фойдаланишни йўлга қўйиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида Давлат назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини кучайтириш, халқимиз онги ва маданиятида она Ватанимиз табиатига бўлган меҳр–муҳаббатини ошириш, уни асраб–авайлаш ва келгуси авлод учун зарур ҳаётий шароитлар қолдиришимиз кераклигини кўрсатишдир.

Экологик маданият шаклланиши туфайли инсон табиатнинг бир қисми сифатида у билан муносабат орқали табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш, уни бошқариш учун табиат қонунларини кашф қилиб келган. Аммо, инсоннинг табиатга таъсири ундаги мувозанатни издан чиқарди.

Ижтимоий онгнинг ўзгариши, қадриятларга нисбатан муносабатлар асосида экологик йўналишда маънавий маданиятнинг ривожланиши, сайёрамиз ҳаётига янгича қарашнинг шаклланиши узоқ йиллар давомида ва



кийин кечадиган жараён бўлиб, бу ўринда экологик маданият алоҳида аҳамият касб этади.

Экологик маданиятни шакллантиришда, экологик онг ва дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда бир қатор ютуқларга эришилаётган бир вақтда ушбу соҳани сингдиришда муҳим ўрин тутадиган мактаб тарбиясига, ўрта ва олий таълим муассасаларига эътибор қаратишимиз лозим.

Экологик маданиятни ривожлантиришда бошқарувнинг ўрни фақатгина Давлат хизмати билангина эмас, балки жамоатчилик ролини ошириш бугунги “Демократик, ҳуқуқий давлат қуриш” йўлидаги экологик билимларни тарғибот қилиш, аҳолининг экологик савиясини кўтариш борасида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамай бу соҳада бир қатор камчиликларнинг борлиги ҳам сир эмас.

Инсоният қадимги замонларданок табиатнинг бир қисми эканлигини англаб, у ўзининг ҳаракатлари билан табиат ўртасидаги муносабатларни онгли равишда бошқариладиганлигини хис қилиб келган. Лекин инсоният табиатдан фойдаланиб уни қайта тикланишига эътибор қаратилишини кеч бўлса—да тушуниб етди. Инсонлар маданияти шаклланиб ривожлана борар экан, табиат инъомлари бўлмиш ўсимлик ва хайвонот дунёси турларини бир қанчасини маданийлаштириб, ўзлари учун фойдаланишни амалга ошириш жараёни ҳозирда ҳам давом этаётган жараёндир.

Атроф-муҳит софлиги, унинг ранг – баранглиги—ю хилма-хиллигини сақлаш, экологик онг ва маданиятни ривожлантириш ва уни бошқариш асосан табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари фаолиятига боғлиқ бўлибгина қолмай, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ҳам бурчидир. Атроф—муҳитни муҳофаза қилишда ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳозирги кунда шаклланилаётган иқтисодий механизмларни янада такомиллаштириш, табиатдан нотўғри фойдаланганларга табиат солиғини қўллаш ҳамда жамиятнинг экологик маданиятини шакллантиришни ривожлантиришда, экологик таълим—тарбиянинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва уни

бошқариш аҳамияти ролини оширишда, ҳуқуқий демократик тарздаги ҳуқуқий нормаларни такомиллашган ҳолда жорий қилиш керак бўлади.

Бугунги кунда жаҳонда табиатага оқилона муносабатни етишмаслиги, атроф–муҳитни асраб–авайламаслик ва бошқа омиллар натижасида глобал экологик инқирозга яқинлашиб бормоқда. Экологик инқироз – бу экологик тизимда модда ва энергия алмашинувининг табиий ҳолатда кечишининг бузилиши ёки модда ва энергиянинг кичик ва катта айланиш жараёнларининг маълум бир босқичдаги узилишидир. Масалан, ҳосилдорликнинг талаб даражасида бўлмаслиги, тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва ундаги микроорганизмларнинг қирилиб кетиши оқибатида ерга тушадиган органик моддаларнинг ўсимлик дунёси учун озуқа бўлган минерал моддаларга айланмаслиги содир бўлади. Натижада тупроқ экологияси бузилади ва инқирозли ҳолат юзага келади.

Рим клубининг “XXI аср йўли” деб номланган тадқиқотларида кўрсатиб ўтилганидек, табиат имкониятлари ва унинг қонуниятларини инобатга олмай, нооқилона юритилган хўжалик фаолияти Ер юзида тупроқ эрозияси, ўрмонларнинг камайиши, сув жонзотларининг кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди. Жаҳон океанининг ҳалокатли равишда ифлосланиб бориши натижасида унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин камаймоқда. Шиддатли тарзда кечаётган урбанизация жараёнлари шаҳарларнинг асосий агломерациялари энг йирик ифлослантириш манбаларига айланиб қолишига олиб келди<sup>49</sup>.

Мутахассисларнинг фикрича, шу пайтгача инсон цивилизацияси туфайли ер юзида ўрмонларнинг 67%и йўқотилган, 2 млрд. гектар унумли тупроқ қишлоқ хўжалик оборотидан чиқариб борилган. 200 дан ортиқ ҳайвонот ва ўсимлик турлари йўқолиб кетган, атмосфера ҳавосидаги кислород миқдори 10 млрд.тоннага камайган. XXI аср бошига келиб

---

<sup>49</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликкатахдид, баркарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 113.

сайёрамизда йилига 5-7 млн. гектар ер қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетмоқда. Кунига 44 гектар майдон саҳрога айланмоқда. Атмосфера хавосидаги миллионлаб тонна микдордаги зарарли моддалар пайдо бўлаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ҳаво ҳарорати кейинги 200 йил ичида ўрта минтақаларда 2-3 даражага, шимолий ва жанубий қутбларда 10 даражагача кўтарилган<sup>50</sup>.

Сайёрамизда инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ҳаётий фаолияти натижасида пайдо бўладиган чиқиндилар микдори миллиардлаб тоннани ташкил этаётган бир шароитда чиқиндиларни қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган тирик организмлар бу даражадаги ишни бажара олмасдан қолмоқда. Сабаби, кишилар томонидан атроф–муҳитга қайта ишлашга яроқсиз минглаб тонна сунъий моддаларни чиқариб ташланмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 30–50 йиллардан сўнг тикланмайдиган жараёнлар бошланади ва улар кейинги асрларда глобал экологик фалокатга олиб келиши мумкин. Айниқса саноати ривожланган Европа мамлакатлари бу вазиятга бошқалардан кўра эртароқ дуч келишлари мумкин. Чунки бу минтақада табиий ресурслар деярли тугаб бормоқда ва бу эҳтиёжни четдан келтириладиган маҳсулотлар эвазига қондиришга ўтилган. БМТ маълумотлари бўйича ҳар йили дунё океанига 30 млрд. тонна нефт маҳсулотлари, 50 минг тонна пестицидлар ва 5 минг симоб ташланади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқава сувларни тозалаш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда. БМТ маълумоти бўйича дунё аҳолисининг 1/4 қисми тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас, ҳозирги кунда 2 миллиард киши тоза ичимлик суви танқислигига учраган.<sup>51</sup> Бутун дунё бўйича оқава сувларнинг фақат 10%и олдиндан тозаланади. Жанубий Америка ва Африка давлатларида эса бу кўрсаткич фақат 2%, холос. Буларнинг барчаси ер ости сувларида акс этмоқда<sup>52</sup>.

<sup>50</sup>Экологик жавобгарлик. //Соглом авлод, 2004 йил 21 апрель, №16.

<sup>51</sup>Саломова.Х.Ю. “Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти”– Бухоро: “Дурдона”2018. – Б. 150.

<sup>52</sup>Нигматов А, Пардаев. Ғ. Экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш. –Тошкент: 2005. –Б. 27.

2008 йил БМТ томонидан “Ер сайёраси” йили деб эълон қилинди. Жаҳоннинг нуфузли минбарларидан табиатни асраш ҳақида оташин даъватлар янграмоқда. Айти пайтда дунёдаги минерал захираларга бой минтақаларни эгаллаш учун қудратли давлатлар ўртасида тинимсиз манфаатлар жанги бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда 1,3 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувига мунтазам эга эмас. Қанчадан қанча давлатларда эса ичимлик сувини фақат маблағ эвазига сотиб олиш мумкин.

Ёқилғининг ёниши натижасида ҳар йили атмосферага 20 млрд. тонна атрофида карбонат ангидрид гази ташланмоқда. Газларнинг атмосферадаги миқдори секин–аста кўпайиб бормоқда, охириги 100 йил ичида бу кўрсаткич 10 % дан ошди. Карбонат ангидрид гази космик фазога иссиқликнинг тарқалишига тўсқинлик қилмоқда, бу эса Ер ҳарорати исиб кетишига олиб келмоқда. Иқлимшуносларнинг маълумотлари бўйича XXI ўрталарига бориб у, 2–5 градусни ташкил этиши мумкин. Газларнинг атмосферага чиқарилиши ультрабинафша нурлардан Ернинг асосий ҳимоячиси бўлган озон қатламининг 9 %ни йўқ қилди. “Озон туйнуғи”нинг умумий майдони АҚШ худудига тенг майдонни ташкил қилади<sup>53</sup>.

Сайёрамизга таъсир қилаётган иссиқлик эффекти ҳодисаси ҳам бугуннинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади. 1959 йилга келиб атмосферада углерод оксиди миқдори 13% га, сўнгги 39 йил ичида 17% га кўпайди. Бунинг натижасида Ер юзасининг ҳарорати кескин кўтарилиб бормоқда. Маълумотларга кўра, Ер юзи ҳароратининг 1°С га ортиши дунё окени сатҳининг 17 см.гача кўтарилишига олиб келади<sup>54</sup>.

Охириги юз йилликда океаннинг глобал сатҳи тахминан 15 см.га кўтарилди. Ҳароратнинг кутилаётган глобал ортиши натижасида 2030 йилгача у яна 18 см.га кўтарилиши мумкин. Агар иссиқхона газлари эмиссиясининг ҳозирги суръати сақланиб қолса, 2100 йилга келиб океан

<sup>53</sup>Нигматов А, Пардаев. Ғ. Экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш. –Тошкент: 2005. –Б. 27.

<sup>54</sup>Глобальный кризис и проблемы мировой политики. //Вестник. МГУ. сер.12, Политические науки. 2001. №3, -Б.22.

сатҳи яна 65 см.га кўтарилиши мумкин. Бу эса миллионлаб квадрат километр куруқлик учун, демакки, миллионлаб одамлар учун таҳликали вазиятни вужудга келтиради.

Кейинги ўн йилликда Ернинг муз қатлами эриши тезлашмоқда. Олимлар фикрича бу турли газлар келтириб чиқараётган кенг миқёсдаги ҳаво исишидан далолат берувчи белгилардаи биридир. Муз қатламини йўқотиш нафақат об-ҳавога таъсир этади, балки катта сув тошқинларини ҳам келтириб чиқаради, кенг кўламли муз эриши у жойлардаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига ҳам хавф солади. Арктика денгизларида музликлар майдони 1978 йилдан 1996 йилгача 6 % га қисқарган. Бу йилига 34300 квадрат километр муз майдонлари эриб кетяпти деган гап. Кейинги 30 йил ичида музликлар қалинлиги 40 % га қисқарган. Мутахассисларнинг фикрича 2050 йилга келиб тоғ музликларининг 1/4 қисми йўқолади. 2100 йилга бориб эса йирик муз массивлари фақат Аляска, Патагония ва Ҳимолайда сақланиб қолади<sup>55</sup>.

1972 йилда Стокгольмда БМТ Конференциясида атроф-муҳитнинг таназзули масаласи ўртага қўйилди. Шундан кейин ҳукуматлар глобал экологик муаммоларни юмшатиш ва мавжуд масалаларни ечиш бўйича, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Дастури (ЮНЕП)ни ишлаб чиқдилар. 1980 йил БМТга аъзо бўлган давлатлар экология соҳасида бир неча катта хавф-хатарлар, масалан озон қатламини муҳофаза қилиш, заҳарли чиқиндиларни ташишни назорат этиш бўйича битимлар лойиҳаси муҳокама этилди.

Жаҳонда ҳозирги кунда фан-техника жадал ривожланиши билан табиий заҳиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, дунё аҳолисининг ўсиб бориши натижасида озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаби ортиб бормоқда. 1950-2000 йилларда дунё аҳолиси сони 2,5

---

<sup>55</sup> Саломова Ҳ.Ю. Ижтимоий экология асослари. –Тошкент: «Fan va texnologiya», 2004, -Б.116-117.

млрд.дан 6,2 млрд.гача кўпайди. Туғилиш даражасининг нисбатан камайганига қарамасдан 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 8,9 млрд.гача кўпайиши кутилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1992 йилда Рио-де-Жанейрода “Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув” номи билан бўлиб ўтган Конференциясида БМТнинг атроф–муҳит муҳофазаси ва тараққиёт бўйича Концепцияси (ЮНСЕД-92) муҳокама қилинди ва “XXI асрга ташриф” дастури қабул қилинди<sup>56</sup>. Конференция атроф–муҳит ҳолатининг ёмонлашаётганига чек қўйиш ва XXI асрдаги барқарор ҳаёт учун асос яратиш чораларини белгилади. Шунингдек, Рио декларациясида барча турдаги ўрмонларни бошқариш, сақлаб қолиш ва барқарор ривожлантириш глобал конценсуси тамойиллари тўғрисида баёнотини қабул қилди<sup>57</sup>.

БМТнинг атроф–муҳит муҳофазаси ва тараққиёт бўйича “XXI асрга ташриф” дастурида атмосферани муҳофаза этиш, ўрмонларни асраб қолиш, тупроқ эрозияси ва саҳрога айланишга қарши кураш, ҳаво ва сув ифлосланишини олдини олиш, балиқ заҳираларининг камайиб кетишига қарши кураш, заҳарли чиқиндиларни зарарсизлантириш масалаларини ҳал этиш кўзда тутилган. Ҳозирда кенг жамоатчилик томонидан глобал экологик вазият янада мураккабланиши ва атроф–муҳитмуаммолари ер юзининг барча ҳудудларида ижтимоий–иқтисодий тизимлар билан мустаҳкам чатишиб кетганлиги тан олинмоқда.

Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф–муҳит шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этган<sup>58</sup>. Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф–муҳит муаммоларига бағишланган анжуманида башарият келажаги учун ўта муҳим ҳужжат Атроф–муҳит дастури ишлаб чиқилди. Кўп ўтмай БМТ ушбу

<sup>56</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсюзликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: 1997, -Б. 114.

<sup>57</sup> Глобальнш кризис и проблемм мировой политики. //Вестн. МГУ.сер.12, Политические науки. 2001. №3, - С. 22.

<sup>58</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997, -Б. 115.

тарихий анжуман иш бошлаган сана,(1972) яъни 5 июн – Жаҳон атроф–муҳитни муҳофаза қилиш куни деб эълон қилинди. БМТ муаммога ўз вақтида эътибор қаратган бўлса–да, сўздан амалга ўтилиши учун анча йиллар керак бўлди. Бу бежиз эмасди, албатта. Биринчи минг йилликнинг сўнгги асрларида саноат, илм–фанда юз берган улкан ўзгаришлар, жадал тараққиётдан эсанкираб қолган одамзот табиат ҳам жонли эканлигини, олмоқнинг бермоғи борлигини мутлақо унутиб қўйди. Айниқса, XX аср табиий ресурсларни пала–партиш, хўжасизларча истеъмол қилишда рекорд ўрнатди, замин ҳам, гардун ҳам, сув ҳам, ҳайвонот ва наботот дунёси ҳам, борингки, барча безабон дунё инсониятнинг манфаатига беаёв “хизмат” қилдирилди. Миллионлаб йиллар давомида ўз қонуниятлари билан яшаб келган табиат одамнинг аралашуви билан қисқа вақтда ҳалокат ёқасига келиб қолди. Атмосфера ҳавосининг бузилиши, сувнинг ифлосланиши, чўллашиш, жониворлар ва ўсимликлар турларининг кескин қисқариб кетиши, лўнда қилиб айтганда, экологик тизимнинг издан чиқиши инсоннинг келгуси тақдирини ҳам хавф остига қўйди.

Хозирда кенг жамоатчилик тамонидан глобал экологик вазият янада мураккаблашганлиги ва атроф–муҳитмуаммолари ер юзининг барча худудларида ижтимоий–иқтисодий тизимлар билан мустаҳкам чатишиб кетганлиги тан олинмоқда. Инсонларнинг табиат устидан ҳукмронлик қилишга уриниши, айниқса, собиқ иттифоқ даврида Марказий Осий республикаларидаги табиий ва сув захираларидан нотўғри, маҳаллий ҳалқлар манфаатларини писанд қилмай фойдаланиш қандай оқибатга олиб келганини, Орол денгизи қисматида кўриш мумкин. Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёнинг, балки бутун дунёнинг муаммоси саналади. Зотан, XXI асрнинг оламшумул фожеаси деб тан олинган экологик таназулни бартараф қилиш, биргина Марказий Осиё давлатлари имконияти даражасида ҳам эмас. Фақатгина жаҳон ҳамжамияти, йирик халқаро ташкилотлар, нодавлат уюшмалар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш орқалигина ушбу муаммони бартараф этиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда экологик локал муаммоларга қарши кураш орқали Оролбўйи экологиясини яхшилаш, аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш ва атроф–муҳитни муҳофоза қилишни мақсад қилмоқда. Ушбу мақсаддан келиб чиққан асосий вазифалар сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

-минтақани барқарор ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида, Оролбўйи аҳолиси соғлиғини сақлаш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тизимли дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни амалга ошириш;

-соғлиқни сақлаш минтақавий тизимини такомиллаштиришда, аҳолининг айниқса болалар ва аёлларнинг соғлиғи даражасини оширишда, санитария–эпидемиология вазиятини яхшилашда, кундалик ҳаётга оилавий саломатлик маданиятини жорий этишда ёрдам кўрсатиш;

-атроф табиий муҳит, шу жумладан Оролбўйи ноботот ва ҳайвонот дунёсини соғломлаштириш ҳамда муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга жамоатчиликни жалб этиш;

-минтақада биологик ранг–барангликни сақлашда ва тиклашда фаол иштирок этиш;

-юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ва вазифаларни ҳал қилишга халқаро ташкилотларни кенг жалб этиш. Бугунги кунда Оролбўйи минтақасидаги, экологик ҳолатни реабилитация қилиш бўйича чора–тадбирлар фаол равишда, амалга оширилмоқда ва кичик маҳаллий сув омборлари, ичимлик суви билан таъминлаш ҳовузлари ва бошқа ижтимоий инфраструктуралари қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда.

Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб–қувватлашга йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилаётир. Ўзбекистонда атроф–муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик



базаси яратилган бўлиб, мамлакатимиз бу соҳадаги барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган.

Экологик таҳдиднинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун нақадар юқорилигини эътиборга олган ҳолда давлат ва ҳукумат табиий муҳитни асраш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда атроф–муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилган.

Инсоният тарихий тараққиётининг муайян босқичларида табиий ресурслардан ваҳшиёна фойдаланиш, аёвсиз рақобат, мустамлакачиликнинг фақат сиёсий–иқтисодий зулми эмас, балки атроф–муҳитни ифлослантиришга асосланган “ёввойи иқтисодиёти” экологик назоратни кейинги ўринларга суриб қўйган эди. Яъни, И.Каримов айтганидек, “Табиий ва минерал–ҳом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди. Аксинча, бойликлардан бундай фойдаланиш икки тузумнинг иқтисодий мусобақасида мамлакатнинг асосий дастаги, экспорт имкониятларининг негизи бўлиб келди.”<sup>59</sup>

Экологик муаммоларнинг кўлами ва мураккаблиги халқаро ҳамкорлик соҳасида комплекс тарзда ва кўп тармоқли ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда. Бу –масалаларни ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маблағ билан таъминловчи, қўллаб–қувватловчи ташқи манбаларсиз ҳал қилиш қийин. Шу сабабли, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистон фаол равишда халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги асосида халқаро Конвенцияларга қўшилиш жараёнини бошлади<sup>60</sup>.

Бугунги кунда глобал экологик муаммоларни кучайиб бориши ва экологик инқироз ҳолатини юзага келмаслиги учун глобал экологик

<sup>59</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-Б. 100.

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2003 йилдаги иш якунлари тўғрисида. “Экология хабарномаси”, 2004 йил, № 2, -Б.10.

назоратни йўлга қўйиш ва экологик масъулиятни шакллантириш лозим. Ҳар қандай жамиятнинг мавжудлик ҳолати муайян ижтимоий–сиёсий муносабатларнинг назорат тизимини тақозо қилган. Шу жумладан, жамиятнинг экологик фаолиятини назорат қилувчи институционал тизими шаклланган. Уларнинг ривожланиши даражаси, бир томондан, жамият тараққиёти хусусиятларига мос келса, иккинчи томондан, экологик назорат тизимининг мукамаллик даражаси ижтимоий ҳаёт тараққиётининг мезони сифатида намоён бўлмоқда. Ўтган асрнинг 70–йилларидан бошлаб, экологик назоратни ижтимоий назоратнинг махсус шакли сифатида таърифлаш фалсафий адабиётларда устувор эди. Ушбу концепция ҳанузгача мавжуд. Хусусан, Э.Икромов, А.Абдуллаев, А.Йўлдошевларнинг ёзишича: “Экологик назоратнинг институционал тизими шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг экологик муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий қадриятлар ва– нормалар йиғиндисидир.”<sup>61</sup>

Глобал экологик муаммоларга қарши экологик назорат тизими инсониятнинг ҳимоя қобиғидир. Маълумки, ўз–ўзини сақлаш инстинкти тирик организмларнинг фундаментал хоссаларидан бири ҳисобланади. Ўз–ўзини сақлаш бошқа тирик организмларда биологик йўналиш бўйича кетиб, муҳитга мослашиш механизмлари мукамаллаштирилади. Инсонда табиий муҳитга мослашиш воситалари уни об–ҳаво, иқлимнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилувчи уй–жой, кийим–кечак, яшаб қолиши учун озиқ–овқат, маконда ҳаракатланиши учун транспорт ва бошқа техник–технологик имкониятларда намоён бўлади. Айни замонда, бошқа муаммо пайдо бўлди, яъни инсон табиатни ўзи яратган ижтимоий муҳитдан ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқиши ҳам зарур бўлиб қолди. Натижада, экологик фаолиятнинг ахлоқий, диний, миллий, ҳуқуқий, сиёсий қоидалар ва тамойиллари, назоратнинг институционал тизими вужудга келтирилиб, самарадорлик даражасининг юксалиб боришини ҳам тақозо қилди.<sup>62</sup>

<sup>61</sup> Икромов Э, Абдуллаев А, Йўлдошев А. Экологик назорат тизими. Иқтисод журнали. 1998 й., 2-сон.

<sup>62</sup> Мамашокиров С., Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. –Тошкент: Фан. 2009,- Б.105-163.

Экологик назорат тизими дифференциаллашув табиатига эга. Герберт Спенсернинг фикрича, ҳар қандай системада янги элементлар ва функцияларнинг пайдо бўлиши, элементларнинг ундан ажралиб чиқиши, дифференциаллашув жараёнини таснифлайди<sup>63</sup>. Экологик назорат тизимининг эволюцияси жараёнида система таркибидан доимо янги–янги элементлар ва функциялар ажралиб чиқиб, уни тобора мураккаб ва гетероген системага айлантира боради. Табиатни ўзгартирувчи янги техника ва технологияларнинг пайдо бўлиши натижасида, инсоннинг табиатга муносабатлари характеридаги ўзгаришлар ва янги экологик фаолият соҳаларининг вужудга келиш жараёни, экологик назорат институционал тизимидаги элементларнинг функционал дифференциаллашувини тақозо қилади. Бу жараён, айти пайтда, экологик назорат институционал тизимининг оддийдан– мураккаб томон ривожланишини англатади.

Экологик назорат тизимининг самарадорлиги, унинг ҳуқуқий–қонуний асослари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки, ҳуқуқ – муайян халқ, давлат фуқароларининг экологик иродасини қонунлар даражасидаги ифодасидир. Экологик талаблар ва ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро алоқалари уйғун ёки зиддиятли бўлиши мумкин. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, соҳалар бўйича мутахассислар, маъмурий органлар, фуқароларнинг масъулиятсизлиги, экологик бурчларини, ҳуқуқий нормаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш экологик назоратнинг махсус йўналиши ҳисобланади<sup>64</sup>. Ҳуқуқий нормалар ва қонунлар жамият экологик манфаатларини тўлароқ ва чуқурроқ ифодаласа, унда экологик назоратнинг ҳуқуқий асослари уйғунликни, бирликни ташкил этади. Аксинча, ҳуқуқий қонунлар жамиятнинг экологик назорат институтлари фаолият эҳтиёжларига ва халқнинг экологик манфаатларига зид келса, уларнинг тараққиётига тўсқинлик қилса, бу ҳолатда улар ўтасидаги ихтилофлар вужудга келади.

---

<sup>63</sup>Спенсер Г. Синтетическая философия. Киев: «Ника центр», 1991. –С.512.

<sup>64</sup>Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. Авто. дисс на соискание ученой степени доктора юридических наук. Тошкент: 2004.ТГЮИ. -С.23

Бундай ҳолларда, экологик фаолиятга зид келувчи ҳуқуқий норма ва қонунлар ўз ўрнини экологик ҳаётга мос келадиганларига бўшатиб беради.

Жаҳон тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичи глобал муаммолар комплекси вужудга келиши ва уларнинг ғоят кескинлашуви билан характерланади. Хусусан, табиий атроф муҳитнинг (ҳатто, космоснинг) антропоген омили таъсирида ифлосланиши жаҳон ҳамжамиятини, ҳақли равишда ташвишга, таҳликага солмоқда. Натижада, унинг янада кескинлашиб кетиши олдини олиш ва вужудга келган оқибатларини бартараф қилиш учун халқаро ҳамжамиятнинг янги типдаги интегратив муносабат институционал тизими – сиёсати шаклланаётган бўлса ҳам, лекин бу жараён глобал экологик воқеликдан орқада қолмоқда. Бунинг, бизнинг назаримизда, бир қанча объектив ва субъектив сабаблари мавжуд, яъни: **биринчидан**, халқаро экологик сиёсий муносабатлар глобаллашуви дунёдаги барча давлатлар экологик сиёсатининг дифференциаллашиб, функцияси конкретлашуви билан характерланади. Яъни, халқаро “экологик меҳнат тақсимотида” (хусусан, уни бошқариш соҳасида), ҳар бир давлат, нисбатан мустақил субъект сифатида, ўз функционал ўрнига, сиёсий мақомига эга бўлиб бормоқда. Лекин, давлатлар миллий манфаатлари турли-туманлиги, айниқса: этноэгоистик, этноцентристик, ҳатто шовинистик кайфиятларнинг устуворлиги сақланиб қолаётган ҳозирги шароитда, халқаро экологик сиёсат интеграциялашувига, уни бошқариш институтлари унификациялашувига тўсиқ бўлмоқда; **иккинчидан**, давлатлар экологик сиёсатининг муайян ижтимоий қатламлар манфаатларига бўйсундирилиши (масалан: сиёсий иддаолар, амбициялар, калондимоғликлар билан глобал аҳамиятга эга бўлган халқаро битимларга қўшилишдан, шартномаларни бажаришдан бош тортиши), бошқа давлатлар экологик сиёсатига аралашуви, яъни уларнинг фаолиятини волонтаристик усуллар билан чегаралашни ёки таъқиқлашлари интегратив глобал экологик сиёсат институционал тизимини шакллантириш ва уни оқилона бошқариш ғоясини амалга оширишга путур етказмоқда; **учинчидан**, экологик вазиятни дастлаб минтақавий, кейинчалик глобал

миқёсида кескинлаштирувчи иқтисодиётдаги нораціоналликни: давлатларнинг турли ишлаб чиқариш соҳаларини жойлаштиришдаги – стихиялиликни, уни технологик ташкиллаштиришдаги экологик талаблардан чекинишни, табиат бойликларидан хўжасизларча фойдаланишни, трансчегаравий ресурслар тақсимотидаги адолатсизликларни бартараф қилишда глобал экологик сиёсат функционал яхлитлигини таъминлайдиган бошқариш институционал тизими шаклланиши, ҳозирча бошқа ташвишлар “соясидида” қолиб кетмоқда; *тўртинчидан*, айрим (хатто, ривожланган) давлатларнинг глобал экологик ҳалокат оқибатларини аниқ тасаввур қилмасликлари: экологик мақсадларини тўғри белгилай олмаслик, уларни амалга оширишнинг адекват техник–технологик воситаларни танлай билмаслик, истиқболда стратегик мўлжалларини белгилайдиган дастур ва режалар йўқлиги, экологик назарий билим, амалий малакалар етарли эмаслиги ва бошқалардир.<sup>65</sup> Айниқса, айрим давлатларнинг (асосан, ривожланган) глобал экологик сиёсатга субъективистик, волюнтаристик, бюрократик аралашуви натижасида биосфера мувозанати издан чиқиб, умуминсоният хавфсизлиги таҳдид остида қолмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда табиий ресурслардан фойдаланишдаги нораціоналлик – табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган моддий–техник ва молиявий ресурслардан, технологик имкониятлардан самарасиз фойдаланиш, экологик сиёсат тизими ривожланиш даражаси пастлигидан далолат беради. Шунинг учун, унинг институционал тизимини модернизациялаштириш, экологик ижтимоий муносабатларни бошқаришда демократик тамойиллар устуворлигини, шахснинг экологик фаолият эркинлигини таъминлашни, корхоналарнинг замонавий техник–технологик жиҳозланишини, яъни ишлаб чиқаришнинг экологиялашувини янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришни ҳам қамраб олади.

Бу жараён, бизнинг назаримида, куйидаги босқичлардан иборат:

<sup>65</sup> Қўлдашев А.Т. Халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг глобаллашуви ва уни бошқариш хусусиятлари// Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент: ЎзМУ, -Б. 18.

- **биринчи босқич** – халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш глобал институционал тизим заруриятини англаш ва унга интеграциялашув учун “адаптацион мухит”нинг қонуний–ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат. Зеро, “инсон ўзининг нафақат ўз оиласига, мамлакатига, миллатига мансублигини, айти пайтда, бутун планетар ҳамжамиятга ҳам мансублигини англаши, яъни жамиятнинг аъзоси эканлигини ҳис этиб, бутун инсониятнинг тақдири учун, унга узоқ ва бегона бўлган кишилар ҳаёти учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши лозим.”<sup>66</sup>

- **иккинчи босқич** – миллий ва минтақавий шаклланган экологик сиёсат институционал тизимини глобал сиёсатга мослаштириш потенциал имкониятларини, рационал усулларини, конструктив воситаларини қидириб топиш “умумий ғоялар ва умумий мақсадлар жамоавий тафаккур усули шаклланишини белгилаб берди ва у кейинчалик глобал онгнинг шаклланишига асос бўлди.”<sup>67</sup>

- **учинчи босқич** – халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқаришнинг субъектлари фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириб, унификациялашган институционал тизимни шакллантириш ва унинг маънавий асосларини доимий модернизациялаштиришдан иборат. К.Ясперс инсониятнинг ҳозирги даврда мавжуд драматик вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида мулоҳаза юритиб, янги, “ғайрисиёсий” тафаккур усулини яратишни таклиф қилади. Унинг фикрича сиёсат давлатларни, халқларни, синфлар ва ирқларни бир–биридан ажратади ва қарама–қарши қўяди. Шунинг учун “инсоният учун ҳалокатли хавф бўлган экологик конфликтдан кутулиш учун эса, фақат жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги ҳаракати керак. Бунга, маънавий механизм –“ғайрисиёсий” ахлоқ қодирдир.”<sup>68</sup>

Хулоса қилганда, “бугунги кунда одамларда экологик билимларнинг етарли эмаслиги, баъзиларда умуман йўқлиги билиниб қолмоқда. Кўпчилик

<sup>66</sup>Моисеев Н.Н. Быть или не быть ... Человечеству? М.: 1999. -С.51.

<sup>67</sup>Юлдашева Ф. Методологические проблемы исследования процесса глобализации. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. –С. 70 (С. 70-75)

<sup>68</sup>Қаранг: Каган М.С. Глобализация как закономерность процесса развития человечества в XXI веке. // Личность. Культура. Общество. М., 2004. Вып. 4. –С.163. (С.152-170)

экологик муаммолар мавжудлигидан хабардор, баъзилар кечиктириб бўлмас қарорлар қабул қилиш кераклигини, атроф–муҳитни муҳофаза қилиш йўлида туб бурилиш зарурлигини талаб қилишса, бошқа тоифадаги одамлар буни кераги йўқ деб ўйлашади.”<sup>69</sup>Айнан шу масалада экологик дунёқарашнинг функционал аҳамияти кўзга ташланади. Яъни, экологик муаммоларга шундай зиддиятли муносабатга, кишилар руҳиятида сақланиб қолаётган табиатга нисбатан технократик, утилитар, меркантил ёндашув кайфиятларига барҳам бериш учун ҳар бир шахсда экологик дунёқарашни янада бойитиш йўллари ва имкониятларини излаб топиш зарур.

### **I боб бўйича хулосалар**

1. Тадқиқотимиз асосида экологик маданият табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, атроф–муҳитга нисбатан фаолиятнинг юксак кўрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашув эканлиги хулоса қилинди.

2. Экологик маданият бу:атроф - муҳитнинг муҳофаза этиш маданияти, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш маданияти, экологик тизимни ўзгартириш маданиятларини ўз ичига қамраб олади.

3. Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг муҳим бўлган таркибий қисми ҳисобланади. Ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни экологик маданиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Талабаларда экологик маданиятни шаклланиш натижасида ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ–атвор меъёрлари уларнинг ижодий қобилиятлари тараққий этишига катта таъсир кўрсатади.

4. Тарихий тараққиёт жараёнида инсон фаолияти таъсирида глобал ва регионал ва минтақавий экологик муаммолари юзага келди. Экологик муаммоларни – территориал, географик, иқлимли, миллий ва бошқа принциплар асосида классификация қилиш мумкин.

5. Ҳозирги кунда жаҳонда табиатга оқилона муносабатни етишмаслиги, атроф–муҳитни асраб–авайламаслик ва бошқа омиллар натижасида глобал

---

<sup>69</sup> Ашрапов М. Экологик дунёқараш. //Ўзбекистон экология хабарномаси 2005, №3, (54), -Б. 29.

экологик инқирозга яқинлашиб бормоқда. Экологик инқироз –бу экологик тизимда модда ва энергия алмашинувининг табиий ҳолатда кечишининг бузилиши ёки модда ва энергиянинг кичик ва катта айланиш жараёнларининг маълум бир босқичдаги узилишидир.

6. Бугунги кунда глобал экологик муаммоларни кучайиб бориши ва экологик инқироз ҳолатини юзага келмаслиги учун глобал экологик назоратни йўлга қўйиш ва экологик масъулиятни шакллантириш лозим. Ҳар қандай жамиятнинг мавжудлик ҳолати муайян ижтимоий–сиёсий муносабатларнинг назорат тизимини тақозо қилган.



## **II БОБ. ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ- ФАЛСАФИЙ НЕГИЗЛАРИ**

### **2.1 §. Жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва минтақадаги ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, диний ва экологик маданиятни юксалтиришдаги ўрни**

XIX аср охири - XX аср бошида сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий жиҳатдан оғир ҳолатга тушиб қолган. Туркистонда зиёлилар чор Россиясининг мустамлакачилик зулмидан қутулиш, барча соҳаларда мустақил тараққиётга йўл очиш, халққа маърифат тарқатиш мақсадида жадидчилик ҳаракатига асос солдилар.

Жадидчилик миллий демократик ҳаракат бўлиб, рус мустамлакачилигига қарши Туркистондаги оғир иқтисодий, ижтимоий ва маданий аҳволда яшаётган миллатни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйди. Зеро, жадидчилик ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаракат эди. Мазкур ҳаракат жамиятнинг барча қатламлари учун миллий уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун сиёсийки, у мустақиллик учун кураш олиб борди... У маданий ҳаракат ҳам эди – адабиётни янгилади, матбуот ва театрчиликни йўлга қўйди, маорифда эса “янги мактаб концепцияси” билан чинакам инқилоб ясади. Энг муҳими, буларнинг барчасини ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб кўриб чиқди.”<sup>70</sup>. Дарҳақиқат, жадидчилик серқирра фаолият ва ҳаракат кўриниши сифатида юзага келади.

Туркистоннинг ички муҳитининг феномени сифатида пайдо бўлган жадидчилик Россия империясининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёни истило қилиши ва бунинг натижасида вужудга келган мудҳиш

---

<sup>70</sup> Қосимов Б. Жадидчилик ва жадид адабиёти (Давра суҳбати) // Туркистон, 1997 йил 17 май.

ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули бўлди. Чор Россиясининг босқинчилик ҳаракати Туркистонни колонияга айлантириш билан чегараланиб қолмай, маҳаллий аҳолининг маданияти ва маънавий асосларига путур етказишга ҳам қаратилганлиги унинг сиёсати давомида ўз аксини топиб борди.<sup>71</sup>

Жадидчилик ҳаракати жамиятнинг барча қатламларини ўзига жалб эта олди, уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди, мустақиллик учун кураш олиб борди, унинг ғайрат ва ташаббуси билан вужудга келган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатнинг дастлабки натижаси эди, маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқди.

Жадидлар ҳаракат дастурининг ҳаракатчанлиги кучайиб боришининг ва сиёсий тус олганлигининг сабаблари иккита эди:

биринчидан, 1914–1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз – газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимият жадидларнинг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш ғоясини кенгайтиришига йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатди.

Иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган, ёш куч оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалар қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгиллаштириш – шу талаблар жумласидан эди.

Шўролар ҳукмронлиги даврида жадидларнинг миллий уйғониш дастурига жиддий эътибор қаратилмади, аксинча жадидчилик қатағон қилинди, улар томонидан яратилган улкан маънавий меросни ўрганиш таъқиқланди. Жадидчилик тадқиқотчиларидан бири ҳақли равишда ёзганидек: “Сирасини айтганда, биз XIX–XX асрлар остонасида бошланиб,

---

<sup>71</sup> Абдивоҳидов С.А. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ва ҳозирги замон. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. СамДУ, Самарқанд: -Б.12.

1929 йилга қадар давом этган ва шамдай атрофни ёритиб бораётганида даврон шамоли ўчирган бу ҳодисанинг мазмун–моҳияти у ёқда турсин, майдонга келиши, қатағон сабабларини ҳам етарли англай олган эмасмиз. Узоқ йиллар уни тилга олиш ман қилинди. Сўнг уни 1905–1907 йиллардан рус инқилобий ҳаракати билан боғладик. Октябрдан кейин халқ манфаатига зид йўлдан кетди, деб тушунтирдик. Ва замонга қараб бу нуқтаи назарга таҳрир киритиб бордик. Нега бу давр адибларининг бадиий асарлари эмас, оддий кундалик мақолалари ҳам фикру ўйимизни банд қилиб қўйди? Чунки улар бугунги куннинг долзарб масалаларига ғоят оҳангдошдир.”<sup>72</sup>. Бу фикрларнинг 1994 йилда айтилганини назарда тутсак, ундан кейин ўтган 17 йилдан ортиқроқ давр жадиदчилик мавзусига катта ўзгаришлар киритганини, шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, жадидлар миллий истиқлол ғоясини биз тасаввур этгандан кўра муҳимроқ ва теранроқ тушуниб етганларининг гувоҳи бўламиз. Атоқли ўзбек олими ва ношири, адиб ва драматург Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан нашр этилган “Ойина” журнали халқимиз онгини уйғотишда, унга ўзлигини танитишда, миллий қадриятларни улуғлаш, замона илм–фан ютуқларини тарғиб этишда, ижтимоий фикрни жонлантиришда катта рол ўйнади. Журнал гарчи уч йилга етар–етмас муддат фаолият кўрсатган бўлса ҳам, унинг саҳифаларида миллат ва унинг ҳақ–хуқуқи, тарихий тараққиёти, тил ва адабиёт масалаларига, дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларга жавобан амалга оширилаётган ишларга доир кўплаб маълумотлар чоп этилди. Бехбудий “Миллат ўзини англаганидагина ижтимоий–сиёсий масалаларга бошқалар қатори тенг равишда аралаша олади” деб ёзган эди.<sup>73</sup>

Жадидчиликнинг яна бир машҳур вакили – Саидносир Миржалил ўғли сув туркистонликлар учун ҳаёт–мамот масаласи эканлигини чуқур ҳис этиб, 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг жамоатчилик диққатини мазкур долзарб масалага қаратади ва “Туркистонда сув масаласи” деган мақоласида “Сув

<sup>72</sup> Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати, Тошкент: Маънавият, 2011. –Б. 143.

<sup>73</sup> Қаранг: Ойина, Тошкент: Академия, 2001. –Б. 3.

йўқ, демак, Туркистонда ҳаёт йўқдир” деб ёзади. Мақолани ўқиган киши унинг ирригация ва мелиорация илмидан яхши хабардор бўлганига ишонч ҳосил қилади. Муаллифнинг ёзишича, Туркистондаги мухожирот идораси ўз манфаатларидан келиб чиқиб, сувни чор ҳукумати тасарруфига ўтказиш ҳақида лойиҳа тайёрлаб, уни 1915 йилда Давлат Думасида тасдиқлатиб олган. Думада бирорта ҳам туркистонликлар вакили бўлмагани учун бу лойиҳанинг зарарли эканлигини англатувчи кимса топилмаган. Феврал инқилобидан кейин пайдо бўлган қисқа, аммо қулай фурсатдан фойдаланиш лозимлигини пайқаган Саидносирбой шундай тўхтамга келади: “Худога шукур, энди эски ҳукумат йиқилди. Шу туфайли бу проект ҳам амалга қўйилувдан тўхтаса керак. Чунки бу проект амалга қўйиладурғон бўлса, биз, туркистонликлар акринлаб Туркистон еринда наҳри заминимизни йўқотурга маҳрум бўлажакмиз. Бунга ҳеч шубҳа йўқ. Кўз олдимизда қозоқларнинг ерларидан ажралиб турувлари бунга шоҳиддир.”<sup>74</sup>

Ижтимоий масалалар Фитрат публицистикасида ҳам салмоқли ўрин тутади. Адиб ижодий меросининг муҳим қисмини ташкил этган бу публицистик асарлар ўз вақтида Туркистон матбуотидагина эмас, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Кавказ, Волгабўйи матбуоти саҳифаларида ҳам босилди. Унинг “Баёноти сайёҳи ҳинди”, “Мунозара”, “Оила” каби илк рисоалари жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Илк драматик публицистикага мансуб ҳисобланувчи “Мунозара” замона зайли билан тарихий тараққиётнинг икки палласига тушиб қолган, дин ва дунё, жамият ва маърифат тўғрисида икки хил қарашга эга бўлган икки киши – “жадид” ва “қадим”нинг баҳси асосига қурилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жадидчи маърифатпарварларнинг аксари қисми ўтган аср бошларида содир бўлаётган ижтимоий–сиёсий, маданий–маърифий ўзгаришларни диққат билан кузатиб бориб, барча туркий халқлар учун муштарак бўлган муаммоларга ҳам эътибор қаратдилар. Тил ва ёзув, мактаб ва ўқиш–ўқитишни ислоҳ қилиш, тарихни ўрганиш, оила ва

---

<sup>74</sup> Каримов Н. Ҳаётнинг маъноси / Тафаккур, 1999, №4, -Б. 74.

никоҳ, миллий қадриятларни ўрганиш ва асраб–авайлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ниҳоят табиатга онгли муносабат қабилар жадидларни ўйлантирган асосий масалалари эди. Бу масалаларни тадқиқ этувчи мақолаларни кўздан кечирилганда, жадидларнинг жаҳондаги тараққий топган мамлакатларнинг тажрибаларидан хабардорлигини, айрим ўринларда характерли мисоллар келтирилиб, ўз фикрларини далиллашга интиланликларини кузатиш мумкин.<sup>75</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, миллий уйғониш – эртами–кечми ҳар бир миллат тараққиёти босқичларида юзага келадиган ижтимоий ҳодиса. Ижтимоий тараққиёт қонунлари шуни тақозо этади. Миллат агар ана шу зарурий босқични босиб ўтмаса, маданиятли, маърифатли миллатга айлана олмайди. Бироқ маърифат, маърифатпарварликнинг олға босиб ҳаракат қилиши учун объектив–субъектив сабаблар ҳам керак бўлади. Жадидчилик бу масалада тўғри йўлдан бориб, тараққиёт йўлидан илдам кетаётган мамлакатлар тажрибаларини топиш, ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Ўзларига ҳамфикр, ҳаммаслаклар излашга Исмоилбек Гаспрали, унинг садоқатли шогирди Маҳмудхўжа Бехбудий етакчилик қилдилар. Жадидшунос олим Б.Қосимовнинг ёзишича: “XX аср бошидаги Туркистон жадидчилиги Русия ва хориждаги умумтурк ҳаракатчилиги билан жуда яқин, ҳатто ташкилий, амалий алоқада бўлган, дейишга асос бор.”<sup>76</sup>

Умуман олганда, ўтган аср бошларидаги миллий уйғониш жадидчилик шаклида намоён бўлди. Маърифатпарварлик ҳаракати табиий равишда миллатнинг ўз–ўзини англаши жараёнини бошлаб берди ва юртимизда миллатпарварликнинг, исломий тушунчаларнинг жонланишига катта таъсир кўрсатди. Уйғониш жараёни фақат жадид матбуотидагина намоён бўлмади, балки улар томонидан яратилган бадий адабиётнинг барча турларини қамраб олди: шеърийда, насрий асарларда, драматик асарларда янги бошланаётган даврни характерловчи, эскилик билан янгилик ўртасидаги

<sup>75</sup> Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. Тошкент: Маънавият, 2011. –Б. 161.

<sup>76</sup> Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. Тошкент: Маънавият, 2011. –Б. 149.

курашни акс эттирувчи адабиёт намуналари пайдо бўлди. Ҳамза, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Сиддиқий–Ажзий шеърлари, Бехбудийнинг “Падаркуш”, Абдулла Қодирийнинг “Жувонбоз”, “Бахтсиз куёв”, Фитратнинг “Чин севиш”, “Ўғузхон”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Темур сағанаси” каби асарлари шулар жумласидандир. Жумладан, Фитрат “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари” асарларида Ҳиндистон халқларининг эрк ва Ватан озодлиги учун инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган курашлари орқали Туркистон халқларининг дард–ҳасратларини бадиий тасвирлади. Адибнинг “Сайёҳ ҳинди” асарида Бухоронинг маиший–сиёсий турмуш манзаралари дунё кўрган бир кишининг нигоҳи орқали тасвирланди. Йўл очеркини эслатувчи бу асарда муаллиф ери, суви, ҳавоси ҳеч қайси ерга ўхшамайдиган юртни, бу юртнинг меҳнатқаш, хунарманд одамларини таърифлаб, шундай жаннатмонанд ўлканинг нима учун ҳароб бир аҳволга тушиб қолгани сабаблари устида фикр юритади. “Фитрат фикрича, асосий сабаб: идора усули бузук ва нобоп, ҳокимият эгалари илм–маърифатдан узоқлар. Агар шу Шаҳрисабз ерлари Японияда бўлганда эди, зар экиб, зар ундирар эди. Бу ерлар нега шўразорга айланган?”... Шу тариқа, китобда иқтисодий–маънавий тараққиётнинг асосий ғоялари – ишлаб чиқаришдаги ўрта асрчилик, қонунсизлик эканлиги айтилади.”<sup>77</sup>

Жадидлар булар билан кифояланмай, педагогик асарларида ҳам она Туркистон ва унда яшовчи халқлар тарихи, миллатни миллат қилиб турувчи омиллар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ахлоқ, тарбия турлари ҳақида маълумот беришни лозим деб топдилар. Жумладан, Абдулла Авлоний асосий эътиборни бошланғич синфларга қаратиб, дастлабки сабоқлар беришга мўлжалланган “Биринчи муаллим”, унинг узвий давоми бўлган “Иккинчи муаллим” дарсликларини яратди. Унинг педагогикага доир асарлари ичида “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китоби асримиз бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Мухими, уларда барчамиз учун азизу муқаррам бўлган муқаддас тупроқ, ер ва сув, табиий

---

<sup>77</sup> Қосимов Б. Миллий тикланиш, Тошкент: Маънавият. 2002. –Б. 366.

бойликлар ҳақида ҳам фикр юритилиб, она Ватан тушунчасининг нақадар кенг маъно–мазмун ифодалаш, уларни асраб–авайлаш зарурати изоҳланади.

Жадид намояндалари илм–фаннинг қайси соҳасига доир масалалар юзасидан фикр юритмасинлар, инсон ва унинг муқаррамлиги, ақл–идроқи, ноёб фазилатлар эгаси эканлигига эътибор қаратиб, инсон омили муаммосини ўртага ташладилар. Бу йўналишдаги фикр–мулоҳазалар орасида айниқса комил инсон ҳақидаги фикрлар диққатга сазовордир: “Айтган эдикки, комил мусулмон ҳам дунё саодатини, ҳам охират саодатини талаб этувчидир. Дунёни тарқ этиб охират талабида бўлиш ҳам шаръий ҳукмларга мувофиқ келмайди. Аллоҳ, ер юзидаги нимаики бўлса, сизларнинг фойдаларингиз учун яратган зотдир. Эй одамлар, билмайсизларми, Худо ер ва осмонда бўлган ҳамма нарсаларга сизларни фармонбардор этиб тасхир этган. Худо зоҳирий ва ботиний бўлган неъматларини ҳам сизларга берган. Зеро, само ва ерда бўлган ҳамма мавжудот сизларнинг манфаатларингиз учун яратилди,”шу оятлардан маълум бўладики, Худо бу оламни бизларнинг фойдамиз ва манфаатимиз учун яратибди, оламда мавжуд бўлган ҳамма нарсани бизга маҳкум ва фармонимизга бўйсунувчи қилибди.”<sup>78</sup>

Ўтган аср бошларида майдонга келган жадидчи Исмоил Гаспрали томонидан олдинга сурилган туркий қавмлар, умуман мусулмонлар бирлашиб, катта кучга айланган қудратли ва маккор салтанат чангалидан қутилиши мумкин, бунинг учун асрий жаҳолатдан, феодал қолоқликдан холи бўлиб, дунёвий илмларни, замонавий фан ва техникани эгаллаб, тараққий топган миллатлар даражасига кўтарилиш лозим деган ғояни илгари сурди. Шу сабабга кўра, ҳаракатни, энг аввало, инсон дунёқарашини, билим–савиясини шакллантирадиган таълим–тарбия тизимини ислоҳ қилишдан бошламоқ лозим, деган хулосага келди. Ҳақиқатдан ҳам бу хулосанинг тўғрилигини тарихий тараққиёт тасдиқлади ва ҳаракат доираси кенгайиб, 1910-1917–йилларда туркий халқлар ўртасида марказлашган фаол алоқа майдонга келди. Кейинги маълумотларнинг тасдиқлашича, алоқа доираси

---

<sup>78</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 5 жилд. Илмий рисоалар, Тошкент: Маънавият. 2010, -Б. 76

Русия сарҳадидагина қолмаган. Масалан, Туркия, Хитой, Афғонистон каби мамлакатларга ҳам ёйилган.<sup>79</sup>

Жадидчилик ҳаракати майдонга келган даврда ривожланган ғарб мамлакатларида техник тараққиётнинг иккинчи босқичи ниҳоясига етиб, янги учинчи босқичига хос тараққиёт нишонлари кўзга ташлана бошлаган эди. Жадидлар жаҳондаги тараққийпарвар мамлакатларда содир бўлаётган техникавий инқилоб самаралари, улар тўғрисидаги оламшумул янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб бордилар. Уларнинг маданий ҳаётга, ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалигига қай даражада таъсир этиши мумкинлиги билан қизиқдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жадидлар ўзларининг фаолиятларини мусулмон дунёсида кечаётган ижтимоий жараёндан четда деб ҳисоблаган эмаслар, аксинча юз бераётган воқеа–ҳодисаларни кузатибгина қолмасдан, уларнинг фаол иштирокчилари бўлишга ҳам интиланлар. Бинобарин, “мазкур муҳитда шаклланган кўплаб мафкуравий концепциялар фақат маънавий қадриятларни, миллий ўзига хосликни сақлашгагина эмас, балки маданий эмансипация, мусулмон дунёсини модернизация қилиш ва унинг ижтимоий–иқтисодий, сиёсий қолоқлигига тезроқ барҳам бериш вазифаларини ҳам амалга оширишга йўналтирилган эди.”<sup>80</sup>

Бундан келиб чиқадики, Туркистон жадидлари мусулмон мамлакатларида содир бўлаётган муштарақ ўзгаришларни кузата бориб, Муҳаммад Абдо, Малкомхон, Исмоил Гаспирали, Намик Камол, Зиё Кўкалп, Маҳмуд Тарзи, Жамолиддин Афғоний ва бошқа таниқли маърифатпарвар файласуфлар ҳамда ислоҳотчилар томонидан олға сурилган илғор уйғониш ва бирлашувчилик ғояларини аввало тўғри англаб олишга, тушунишга ҳамда энг муҳими уларни қўллаб–қувватлашга ва ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Исм– номлари санаб ўтилган юқоридаги жадидлар (бизнингча, уларни тўла маънода жадидлар деб аташга асос бор – таъкид бизники ) гарчи

<sup>79</sup> Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати, Тошкент: Маънавият. 2011. –Б. 149.

<sup>80</sup> Абдуллаев Р. Туркистон жадидлари ва XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги мафкуравий жараёнлар. Ўзбекистон тарихи, 2010, 2-сон, -Б. 37.



турли мамлакатлар фуқаролари бўлса ҳам, бир мақсад, бир маслак учун курашдилар. Яъни Шарқда, хусусан Марказий Осиё мамлакатларида XVIII – XIX асрларда вужудга келган қоқлик, биқиклик, онгсизлик, билимсизликка тарқоқликка барҳам беришга, илм–фанни ривожлантиришга, техникавий тараққиётдан ортда қолмасликка чақирдилар. Тасаввуфшунос олим Н.Комилов ибораси билан айтганда, улар, худди тасаввуф таълимоти намояндалари сингари, ўзлари яшаган давр, жамиятнинг тирик виждонлари эдилар.<sup>81</sup> Юзлаб, минглаб одамлар уларга қараб хушёр тортар, давр суръатларига баҳо берар, тараққиётнинг қаёққа қараб кетаётганини тушуниб олар, қалбларида эрксеварлик ғояларига қизиқиш ва ҳавас уйғонар эди.

Фитратнинг “Жоҳилона таассубга мисол” деган ном билан 1917 йилда “Шўро” журналида босилган бу мақоласида жадидларнинг ҳаракат сабаблари, нима учун интилишлари, вазифалари, улар олдида турган тўсиқлар ҳақида кескин танқидий руҳда фикр юритилган. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, ўтмишдан қолган догматик қарашлар билан туғилиб келаётган янгича қарашлар ўртасидаги муросасиз кураш жадидлар ўртасида кенг ва узоқ вақт муҳокама қилинган. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ойина” журналида эълон қилинган “Тарих ва жуғрофия”, “Таассуф”, “Адаб ва тарбия”, Мунаввар қорининг “Бизда ҳамият”, “Дев печак”, “Қулликка қандай тушди?”, “Жамият қандай очилур?” каби мақолаларида, Мунаввар қори ташкил этган “Турк ўчоғи” илмий–маданий жамият фаолиятида миллатнинг ижтимоий–сиёсий, маънавий–маърифий, диний, маданий, шунингдек, экологик масалалари таҳлил этилди.<sup>82</sup> Жумладан, Мунаввар қори томонидан 1918 йилда Тошкентда очилган “Турк ўчоғи” илмий–маданий жамияти, унинг ўзининг изоҳлари билан айтганда, “Туркистон туркларини миллий туғ остига тўплаб, аларга миллий руҳ, миллий ғоя ва миллий тарбия бермоқ, миллий урф–одатимизга мувофиқ суратда илм ва маърифатимизни, тижорат, зироат ва санъатимизни ривожлантириб, чин бир турк маданияти вужудга

<sup>81</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: Мовароуннаҳр. 2009. –Б. 131.

<sup>82</sup> Бу ҳақда қаранг: Ойина(1914-1915), Тошкент: Академия, 2001, -Б. 25-27; Мунаввар қори, Жамият қандай очилур// Садоий Туркистон, 1914, 22-26-сон.

келтирмак ва шу тариқа миллатимизнинг руҳий ва жисмоний қувватини орттириш” мақсадида барпо этилган эди.<sup>83</sup>

Жадидларнинг ижтимоий қарашларида миллий тил ва адабиёт, санъат, урф–одатлар, қадриятларга муносабатларнинг марказий ўринни ишғол қилиши, санаб ўтилган омилларнинг ижобий ва баъзи салбий (махдуд) кирраларига эътибор қаратилиши диққатга сазовордир. Бизнингча, жадид маърифатпарварлиги олдида ҳамиша шундай маънавий масалалар кўндаланг турган:

- модомики миллат янги даврга қадам қўйдими, энди унинг асосий вазифаси тараққиётга хизмат қилувчи барча ижобий хусусиятларни сақлаб қолиши ва ривожлантириши лозим;

- бунинг учун миллат кечаги узоқ ва яқин ўтмишининг барча зафар ва таназзуллари, юксалиш ва инқирозларидан яхши хабардор бўлмоғи, уларни яширмай ва бўяб–бежамай холисона баҳоламоғи, улардан тегишли хулоса чиқармоғи зарур;

- бунинг учун эса мавжуд барча куч ва имкониятларни ишга солиш даркор: мутараққий миллатлар тажрибаси, уларнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олишларига кўмак берган усул, сабаб ва воситаларни зудлик билан ўрганиш ва ўзлаштириш ва ниҳоят уларни ҳаракат дастурига айлантирмоқ лозим.

Жадид маърифатпарварлиги олдида турган мазкур масалаларни санаб ўтишнинг аҳамияти шундаки, улар тез ўзгараётган замон воқеаларига ана шу мезонлар орқали ёндашдилар ва баҳо бердилар. Масалан, дин ва диний қадриятларга муносабат масаласини олиб кўрайлик. Шубҳасиз, ислом дини, унинг муқаддас китоби Қуръон ва ҳадислар, мусулмончилик одат ва анъаналари, турли маросимлар халқимиз маънавий ҳаётига сингиб кетган, улар миллий маънавиятимиз ҳамда маданий меросимизнинг узвий қисмини ташкил этади. Уларсиз Туркистон халқлари турмушини тасаввур этиб бўлмайди. Лекин диний қадриятларнинг ҳаммасини аввалгидек қабул

---

<sup>83</sup> Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ялқовлик ёвмиздир // Ўз АС, 1991, 26 апрель.

килавериш ҳам тўғри келмай қолди. Шундан келиб чиқиб, “Кўплаб ислохотчиларнинг назарий асарларида албатта, битта даъват мавжуд эди: маросимларни соддалаштириш ва барча мутаассибликлар ҳамда бидъатлардан халос бўлиш орқали исломнинг ва мусулмон халқларнинг аввалги куч–қудратини тиклаш. Худди христианликдаги ислохотчилик ҳаракати сингари мусулмон мамлакатларида маънавий ва ижтимоий кадриятларни қайтадан тиклаш йўлида бошланган ҳаракат патриархал исломнинг илк, демократик анъаналарига йўналтирилган эди. Ислохотчилар исломнинг ижтимоий фалсафий тизимини, маданиятни, фан ва таълимни ривожлантириш ҳамда мустамлакачиликка қарши кураш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни таклиф қилдилар”.<sup>84</sup>

Ислохотчилар ҳақидаги бу каби фикрларнинг тадқиқ этаётган мавзумизга даҳлдорлиги шундаки, жадидларнинг ижтимоий–сиёсий фаоллигининг ўсишига XX аср бошида Шарқда юз берган инқилобий воқеалар, шунингдек бу мамлакатларнинг машҳур ислохотчилари ва маърифатпарварлари томонидан нашр этилган турли газеталар, журналлар ва китобларда бош ғоя даражасига кўтарилган “қарам халқларнинг ўз эркинлигини қўлга киритиш ва адолат ўрнатиш йўлида бирлашишга чақириши” кучли таъсир этди.<sup>85</sup>

Шу жиҳатдан олганда, туркий халқларни бир–бирига боғлаб турган бош омил - миллий тил масаласига жадидларнинг эътибор қаратмасликлари мумкин эмас эди. Она тили софлиги ва бойлиги, уни табиий ва беғубор ривожлантириш учун курашда деярли ҳамма жадидларнинг фаоллик кўрсатгани сабаби ҳам шунда. Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асари, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар”, “Икки эмас, тўрт тил керак” каби мақола ва асарлари шулар жумласидандир. Миллат ривожини таъминловчи омиллар кўп, лекин миллий адабий тил бажарадиган вазифа салмоғи жуда катта. Мукамал ва жозибали,

<sup>84</sup> Абдуллаев Р. Туркистон жадидлари ва XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги мафкуравий жараёнлар / Ўзбекистон тарихи, 2010, 2-сон, -Б. 38.

<sup>85</sup> Абдуллаев Р. Туркистон жадидлари ва XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги мафкуравий жараёнлар / Ўзбекистон тарихи, 2010, 2-сон, -Б. 40.

мантикий ва тўғри тузилган нутқ маданий савия–даражани кўрсатувчи муҳим мезон, муайян халққа мансуб маънавий бойликдир. Бехбудий адабий тил тўғрисида сўзлаганда, ана шу мантиқдан келиб чиқиб гапиради: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсататурғон оинаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Ҳайхот, биз туркистонликлар миллий тилни сақламоқ бир тарафда турсун, кундан–кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиз. Яхши қўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир, демишлар. Боболаримизга отушкон ва ярагон муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак, охтарсак, йўқотганларини ҳам топамиз. Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди, деб Европа қалпоғини киюб, кулги бўлмак зўр айб ва уётдир.”<sup>86</sup>

Жадидчилик ҳаракати вакиллари жамият маданий ҳаётида инсон ва унинг тутган ўрни, инсон феномени моҳиятини белгиловчи омиллар, унинг камолотга эришувдаги олға қилган ҳаракати, инсонга берилган фазилатлар, хислат ва имкониятлар, онгли инсоннинг бу имкониятлардан фойдаланиш даражалари ҳақида асар ва мақолалар ёздилар. Ўз замонининг эришган илм–фани хулосаларига суяниб туриб яратилган бу рисола ва мақолаларда жадидларнинг инсон экологиясига доир қарашлари акс этган дейиш учун бир қатор асослар бор. Бу ҳақдаги манбаларга эътибор берилса, жадидларнинг жаҳон маданий ривожланиши қонуниятларидан келиб чиқиб фикр юритишга интиланлари, ўз тадқиқотларида ижтимоий–фалсафий масалаларга аҳамият бериб, қиёсий–тарихий усуллардан моҳирона фойдаланишга уринганларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Табиийки, уларнинг бу йўналишдаги изланишларида Исмоил Гаспирали сингари мутафаккир шахсларнинг асарлари дастуриламал вазифасини ўтаган. Масалан, Исмоилбекнинг 1885 йилда Туркияда чоп этилган “Оврупо маданиятига бир назари мувозана” номли рисоласи, айниқса, “Таржимон” газетаси

---

<sup>86</sup> Маҳмудова Г. Жадидизм ва Туркистонда ахлокий–эстетик фикр тараққиёти, Тошкент: Давр-Пресс, 2006, -Б. 76.

саҳифаларида 1906 йилда босилиб чиққан “Мазҳаби иштирокиюн” (Социализм таълимоти) номи остида эълон қилинган туркум мақолалари мисол бўла олади.

Юқорида номи зикр этилган биринчи асарида Исмоилбек “Оврупо маданияти” атамаси моҳиятини очиб бериш ниятида “маданият” сўзи ифодалаган луғавий маънога изох беради, унинг араб тилидан киргани, “шаҳар, шаҳарлик” маъноларига эгаллиги, шаҳар ҳаётида маданий мезонлар дала–даштлардаги бадавий ҳаётга нисбатан муқимроқ ва барқарорроқ эканига эътиборимизни тортади. Сўнг асосий мақсадига кўчиб, фан–техникаси, тараққиёти билан жумла жаҳонни лол қолдириб келаётган капиталистик Европани ҳам, минг йиллик тарих эришолмаган порлоқ ҳаёт ваъда қилаётган шўролар Европасини ҳам инкор этади. “Муаллифнинг фикрлаш мантиғи қуйидагича: XIX аср Европа маданияти қадим Рим маданияти устига қурилган, унинг бевосита давомидир. Рим маданияти эса ғайриахлоқийлиги сабабли қулаган эди. Уларнинг ўрнига келган “капиталист”–чи? Румолилар асир этлари билан ҳовузларда боқилган балиқларга тўймасдан, қандай қулаган бўлсалар, уларнинг фарзандлари бўлган овруполилар ҳам бутун дунёнинг меваларига тўймайдилар,” – деб ёзган эди Гаспиринский”.<sup>87</sup>

Исмоилбек ўз мулоҳазалари давомида янги дунё маданиятини даъво қилаётган Оврупо ёшлари ана шу қонуниятлар асосида улғайганлари, бинобарин уларнинг адолат, ҳаққоният ҳақидаги фикрлари пуч, алдамчи бир нарса эканини таъкидлаб, уларга нисбатан исломдаги ҳаққоният устивор эканига тўхталади. Ниҳоят ана шу изчил танқидий мулоҳазалари якунида Европа илм–фани билан ислом ахлоқининг ҳамкорлигидан майдонга келадиган янги умуминсоний маданият масаласини кўтаради. Инсонпарварлик тамойилларига амал қиладиган ана шу маданият келажагига умид кўзи билан қарайди.

---

<sup>87</sup> Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати, Тошкент: Маънавият 2011, -Б. 188.

Хулоса қилганда, жадиждлар ўтган аср бошларидан ғарб ва шарқ маданиятлари тўқнашган мураккаб жараёнда вужудга келаётган ижобий ва салбий хусусиятларни тушуниб етишга интилиб, улар келтириб чиқарадиган оқибатлар хусусида фикр юритганлар.

## **2.2 §. Жадиждларнинг коинот ва геомаданият билан боғлиқ халқ тасаввурлари ва экологик анъаналарга муносабати таҳлили**

Жадидчилик ҳаракати юзага келган даврда экология атамаси ҳали истеъмолга кириб русум бўлмаган, бутун дунё мамлакатлари муаммоларини яхлит бир ҳодиса деб талқин этишга ундаган глобаллашув жараёни юзага чиқмаган эди. Лекин реал ҳаётда ҳозир ижтимоий экология деб аталаётган долзарб масалалар мавжуд эди. Жадиждчилик ҳаракатининг дастлабки даврида халқни маърифатли ва маданиятли қилиш позициясида бўлган бўлса, кейинги босқичларида ижтимоий–сиёсий шароит кўпроқ сиёсий кураш томон буриб юборди. Жадиждчиликнинг кейинги босқичлари янгича кўриниш бера бошлади. Маълумки, жадиждчиликдаги сиёсий дунёқарашлик ўзгаришлар маҳаллий ёшларнинг Германия ва Туркия каби давлатларга бориб ўқиб келиши натижасида ўзгарди. Уларнинг Туркистонга қайтиб келиши жадиждчилик таълимотини сиёсий курашга айлантирди ва асосий позициясини мустақиллик учун кураш ва мамлакатни ривожлантиришга қаратилган эди. Ўз мақсадларида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш солиқларни камайтириш, деҳқонлар, хунармандлар турмушини енгиллаштириш, амалдорлар ўзбошимчилигини чеклашда жадиждларнинг аралашувини талаб қила бошлади. Бундай сиёсий талаблар ижтимоий ўзгаришни истаган халққа маъқул келди. Кейинги даврга келиб жадиждчилик ҳаракатида бўлиниш содир бўла бошлади. Бу эски тарздаги жадиждлар ва янгича кўринишдаги ижтимоий–сиёсий талаблар билан чиққан жадиждларга ажралди. Оғир ижтимоий ҳаёт шароитида турли йўллар билан ижтимоий–

сиёсий кураш олиб бориб адолат учун астойдил кураш олиб бориш уларнинг асосий мақсадига айланган эди.<sup>88</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз танлаган муаммо – экологик онг ривожда жадидчиликнинг ўрни масаласига нима учундир ҳозирга қадар жиддий аҳамият берилмай келинди. Ҳолбуки, кейинги йилларда эълон қилинган тадқиқотларга қараганда, XX аср бошларида майдонга келган Туркистон жадидчилигининг фаолият доираси аста секин кенгая бориб, улар гарчи дастлаб маърифатпарварлар сифатида иш бошлаган бўлсалар ҳам, кўп ўтмасдан ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим соҳаларига доир ижтимоий–сиёсий, иқтисодий, маънавий–маърифий қарашларини эълон қила бошладилар.

Тарихий тараққиёт давомида инсоният табиатни севиш, уни асраб–авайлашдан иборат маънавий–ахлоқий камолотга даъват этиб келган. Жумладан, умумжаҳон экологик маънавий тафаккур ривожига Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар дунёқарашини ифодалаган экологик мавзудаги маънавий мероси ҳам бунга улкан ҳисса бўлиб кўшилганлиги тарихий ҳақиқатдир. Айниқса, Маҳмуд Кошғарий, Абу Али ибн Сино, Носир Хисрав, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат ва Огаҳий каби юзлаб Шарқ мутафаккирлари адабий асарларидаги теран экологик–фалсафий таълимотларининг умуминсоният маънавий мероси сифатида эътироф этилиши фикримиз далилидир.

Ижтимоий ривожланиш ва миллатни маърифатли қилиш борасидага ҳаракатларда Туркистон жадидлари бўлган Сиддиқий–Ажзий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Хожи Муин, Сайид Ризо Ализода, Вадуд Маҳмуд, Исматулла Раҳматуллаев Абдулҳамид Мажидий каби бир қанча зиёлилар жонбозлик кўрсатдилар. Хусусан, жадид намояндаларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий,

---

<sup>88</sup> Ашурова Х.С. Самарқанд жадидларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари(XX асрнинг биринчи чораги). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати -Тошкент: ЎзМУ, 2020. –Б. 13.

болаларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга, миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган мамлакатлардаги ўқув юртларига юбориш керак, деган ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўта муҳим масалани ўртага ташлади. Жадиждларнинг янги миллий давлатчиликни ташкил этиш, мактаб–маориф ва ўқиш–ўқитиш, тарихий ва маданий–маънавий меросга янгича муносабат руҳидаги мақола ва тадқиқотлари билан бирга, Туркистон халқларига аجدодлари томонидан мерос бўлиб қолган она Ватан, унинг бебаҳо сув ва тупроғи, мусаффо ҳавоси, табиий бойликларини асраб–авайлашга доир фикр–мулоҳазалари ифода этилган илмий–публицистик, педагогик, бадиий асарлар ҳам яратилди. Бу йўналишдаги асарлар, табиийки, ўтган аср бошларида бошланган миллий уйғониш жараёнида маърифатчилик ҳаракатининг нечоғлик катта ва салмоқли куч сифатида майдонга чиққанини кўрсатади. Жадижд намоёндалари ўз халқининг зиёли ва фидойи фарзандлари сифатида ижтимоий ҳаётда тобора марказий ўринни ишғол қилаётган “руслаштириш” сиёсатиغا, шунингдек, Туркистон ўлкаси учун илгари синалмаган техникавий тараққиёт, янгича ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларининг жамият ва табиатга таъсири, бу таъсирнинг ижобий ва салбий оқибатлари, техник тараққиёт ва унинг истиқболи, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш сингари давр кун тартибига кўтарган долзарб масалаларга бефарқ қараб турмадилар.

Инсоннинг экологик тафаккур тарзи у яшаб турган минтақанинг табиий–географик шарт–шароитига, турмуш маромига ва мавжуд жамият кишиларининг табиат тўғрисидаги дунёқараши ҳамда унга бўлган муносабатлари билан узвий боғлиқдир. Жадиждчилик ҳаракати ва унинг етук вакиллари томонидан атроф–муҳит, табиатга оқилона муносабатни шакллантириш, табиатни асрашга доир қарашлари, миллий табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, авайлаб–асраш ўрнига уни талон–торож этиш сиёсати қўлланиши ҳақли равишда қораланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мустамлакачилар юритган “ташиб кетиш” сиёсатининг ҳалокатли оқибатлари, атроф–муҳитга етказилаётган зарарлар, бир кун келиб



унинг асоратларини бартараф этиш мушкуллиги, ер–сув захираларидан колониал мақсадларда фойдаланиш тенденцияси жадиждлар назаридан четда қолмаган. Масалан, 1903 йилда “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида ёзилишича, пахта майдонларининг йилдан–йилга кенгайиб бориши натижасида пахта монокультураси содир бўлган. Ем–хашакнинг танқислиги оқибатида чорвачилик инқирозга учраб, чорва молларининг сони йилдан–йилга камайиб, деҳқонлар қорамолларга озуқа етишмаслигидан қишга яқин вақтда уларни сотишга ва баҳорнинг бошларида чорва молларини сотиб олишга мажбур бўлганлар. Ўша даврга оид архив материалларининг тасдиқлашича, бу даврда ем–хашак экинларининг нархи 100 фоизга ҳамда чорва молларининг нархи 50 фоизга ошиб кетган.<sup>89</sup> Бу ҳам табиатга ноқилона муносабатнинг маҳсули ва атроф–муҳитни асраб авайламаслик натижаси эканлиги маълум бўлади.

Жадид мутафаккирлари томонидан миллий матбуот саҳифаларида тупроқ унумдорлигини ошириш учун кўрилган чоралар кенг муҳокама қилинган. Хусусан, “Садои Туркистон” газетасида ернинг ҳосилдорлигини оширишни истаган зироатчилар ўз билимларини оширишлари, махсус китоблар мутолаа қилишлари лозимлиги таъкидланади, хусусан, Рауф Музаффарзоданинг “Садои Туркистон” да 1914 йилдаги 14–сонида босилган “Тупроқ надур?” мақоласида “Ернинг ўстириш қувватини орттирмоқ учун солинадиган нарсалар бордур” деб таъкидланади.<sup>90</sup> Умуман, тупроқ унумдорлигини ошириш учун ўғитлар сифатини яхшилаш, табиий чиқиндилар билан бирга сунъий ўғитларни ҳам қўллашга ҳаракат қилингани бўйича тажрибалар ўтказилгани маълум бўлади. Албатта, жадидчилик олдинга сурган асосий ғоялар маърифатпарварлик ва миллий истиқлол бўлиб, улар бу ғояларни рўёбга чиқариш учун фидокорларча курашувчи инсонлар эканликларини ҳам амалда, ҳам илм–фанда ва маданий баҳсларда кўрсата олдилар. Улар яшаган даврда экологик маданият масалалари жиддий

<sup>89</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, Тошкент: Янги нашр. –Б. 78.

<sup>90</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, Тошкент: Янги нашр. –Б. 69.

тус олмаган, табиат ва инсон ўртасидаги зиддиятлар кескинлашмаган, техникавий тараққиёт ижтимоий–глобал муаммоларни кун тартибига қўйиб улгурмаган эди. Бироқ жаид публицистикаси, адабиёти ва педагогикасида экологик тафаккурнинг XX аср бошларига хос ҳукм–хулосалари, яқин йилларда табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган муаммолар тўғрисида муайян кузатишлар мавжуд. Огоҳликка даъват каби жаранглаган бу мулоҳазалар кейинги тарихий тараққиёт босқичларида ўз ҳаётий тасдиғини топди.

Маълумки, инсон саломатлиги тиббий маданиятнинг жамиятда қандай мавқега эгаллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу масала айна пайтда экологик маданият билан ҳам узвий алоқадорликда юзага келади. Ер, сув тозаллиги, ҳаво мусаффолиги атроф–муҳитнинг қай даражада яшаш учун яроқлилигини белгиловчи муҳим омиллардир. Бу жиҳатдан, жаидлар ўзлари яшаган даврнинг тиббий билимлар соҳасини ҳам ўзгача руҳ ва курашчанлик билан ислоҳ этишга интиланганини кузатишимиз мумкин. Бу даврда тиббий маданиятнинг асрлар бўйи давом этиб келган анъанавий кўринишлари, услуб ва усуллари кенг фойдаланилганини таъкидламоқ лозим. Халқ табобати яхши ривожланган. Бироқ касалхоналар, даволаш масканларининг камлиги ёки мунтазам ишламаслиги, касалликлар тарқалишининг олдин олишга ҳамда касаллик пайдо бўлишининг сабабларини аниқлашга астойдил ҳаракат қилинмаслиги оқибатида халқ орасида айрим юқумли касалликлар кўп одамнинг ёстиғини қуришига сабабчи бўлар, чекка қишлоқларда тиббий маданият даражаси бирмунча паст эди. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари, гарчи даврий матбуот саҳифаларида тез–тез тилга олинса ҳам, аслида вазият анча мураккаб бўлган. Мустамлакачиликнинг олисни кўзлаб юритган сиёсати кўра 1882 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри ва кейинчалик Туркистоннинг бошқа шаҳарларида маҳаллий аёллар учун амбулаториялар ташкил этилган. Тиббий ёрдамга муҳтож бўлган аёллар ва болаларга бепул

ёрдам кўрсатилган, шунингдек, дорилар, сув муолажалари, оддий операция ва яраларни боғлаш ишлари учун ҳам маблағ олинмаган.<sup>91</sup>

Жадид мутафаккирларидан бири бўлган Абдурауф Фитратнинг 1914 йилда ёзилган “Оила” китобини яратишдан мақсади янада олижаноброт бўлган. Жадидларнинг фикрича, жамиятни ва онгни ислоҳ қилиш аввало оиладан бошланади. Яъни оила асосини тўғри қурмасдан, ёш авлодни тўғри йўлда тарбияламасдан туриб жамият ислоҳотидан сўз очиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас. Фитрат ана шу ғояни бош мезон қилиб олади. У ёзади: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади.”<sup>92</sup> Муаллиф бу мулоҳазалар билан кифояланмай, жамиятда оила заруратини чуқур таҳлил қилади. Икки жинснинг ихтиёрий иттифоқи бўлган оиланинг инсон наслини давом эттиришдаги бетакрор роли ва аҳамиятидан, оила тарихидан сўз очади, “... оиланинг шаклланиши, яъни аҳли байт жамоаси, бошқача айтганда оила бошқаришга асос солиш Бани Одам маданиятининг асоси”, оила саодати ва бахти учун қабул қилинган энг мақбул қонунлар исломий қонунлар деган хулосага келади”.<sup>93</sup>

Фитрат оиланинг муваффақиятли ҳаёт кечириши, оила иттифоқи, ундаги эр–хотин муносабатларининг маънавий–руҳий хусусиятлари хусусида фикр юритар экан, юзага келадиган барча зиддият ва келишмовчиликларнинг асосий сабаби муҳаббатсизлик эканини таъкидлайди.

Муаллиф мазкур фикрини асослаш мақсадида ўзи яшаётган даврнинг муҳим ижтимоий–сиёсий статистик маълумотларига мурожаат қилади, яъни 40 миллион инглизнинг 400 миллион ҳиндий ва африкаликлар устидан ҳукмронлик қилаётгани, Чин ҳукумати 400 миллион аҳолиси билан 40

<sup>91</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. - Тошкент: Yangi-nashr, 2011. –Б. 125.

<sup>92</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент:Маънавият, 2000, -Б. 8.

<sup>93</sup>Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент:Маънавият, 2000, -Б. 8

миллион японнинг хийла–найранги ўйинчоғига айлангани, 60 миллион олмонлар иккита заиф давлат (Австрия ва Туркия) ни “ёнларига олиб” аҳолиси 750 миллионга тенг келадиган етти давлат билан уруш қилаётгани каби муҳим фактларни келтиради. “Кишининг назарида ажиб ва ғаройиб кўринадиган бу воқеалар, – дейди муаллиф, – тарбия таъсиридандир, зеро болаларнинг тарбияси бу фарзандни жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбия қилиб, камолга етиштириш демакдир”<sup>94</sup>.

Бироқ миллатдошларимиз фарзандларини тарбияламоқдаларми? Характерли жойи шундаки, муаллиф саволни “қандай тарбияламоқдалар?” эмас, балки “тарбияламоқдаларми?” тарзида қўяди ва бири биридан кескин хулосалар чиқаради: “Биз туркистонликлар болаларимиздан кўра молларимизга яхшироқ қараймиз. Эшак ва қўйларимизни фарзандларимиздан ҳам кўпроқ яхши кўрамыз деб айтмаяпман. Йўқ–йўқ, болаларимиз жонимиздан ҳам азиз. Улар назаримизда ҳаммадан суюкли ва азиз. Лекин бахтимизга қарши шуни эътироф қилиш лозимки, шунча муҳаббат ва меҳрга қарамасдан, эшак ва қўйларимиздан камроқ тарбиялаймиз.”<sup>95</sup> Фитрат ушбу фикрни атрофлича асослаш мақсадида қизик бир қиёсий далил келтиради. Унинг фикрича, тарбия деганлари бирон–бир нарсани аста–секин камолга етказиш бўлса, қўйнинг камоли унинг семизлиги ва соғломлигидир. “Далил шулким, кимнинг уйида моли бўлса, текширса кўрадики, йил давомида унинг молларидан биттаси ҳам касал бўлмаган, аммо фарзанди ҳеч бўлмаса, уч марта хасталикка чалинган. Бас, маълум бўладики, у киши молининг касал бўлмаслигига кўпроқ эътибор берар экан.”<sup>96</sup>

Бироқ ҳаммага аёнки одам камоли фақат соғлик ва куч–қувватли бўлишдан иборат эмас. Боланинг тарбияси доирасига унинг ақлан, жисмонан ва ахлоқан соғлом бўлиш ҳам киради. Яъни Фитрат сўзлари билан айтганда “Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим.” Лекин бу санаб ўтилган уч жиҳатга кўра бенуқсон бўлган

<sup>94</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент: Маънавият, 2000, -Б.55.

<sup>95</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент: Маънавият, 2000, -Б.55.

<sup>96</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент: Маънавият, 2000, -Б.55.

одамни тарбиялаш осонми? Муаллиф мазкур саволга аниқ жавоб топиш мақсадида Бухорои шариф деб мақтови кўкларга кўтарилган она шаҳри кўчаларида шундай бир тажриба ўтказди: уйдан чиқиб катта йўл билан Девонбеги ҳовузининг лабига бориб, бошқа йўл билан уйига қайтиб келади. Йўлда ўз кўзи билан кўрган одамларига разм солади. Уларнинг жисмонан соғлиги, ақли–хуши жойидалиги, ахлоқ–одобига баҳо беради. Ўз ўқувчисини ҳам ана шу ғойибона саёҳатга таклиф этган муаллиф шундай ҳикоя қилади: “Бу саёҳатимиз бир соат давом этди. Ана шу саёҳатимиз давомида диққат қилган бўлсангиз, йўл–йўлакай ўттиз–қирқта сил касал, йигирма–ўттизта тепакал, ўн–ўн битта кўр, соқов, шунча оқсоқ, камида тўрт–беш шол ва песни учратдик. Қолганлар сизнингча соғ–саломат эдилар, яъни ҳарқандай хасталиқдан озод эдилар. Лекин менинг назаримда улар ҳам ҳар хил касалликларга чалинган эдилар. Ранглари ўчган, қоматлари эгик, таналари нотавон, икки юз қадам йўлни оҳ–воҳ билан босардилар. Узоққа бормайлик, иккаламиз ҳам бир соатлик саёҳатимиз чоғида анча чарчадик. Ҳозир аъзои баданларимиз оғримоқда. Хуллас, халқимизнинг соғлиғи шу даражада”.<sup>97</sup>

Асарда оила муҳитини барпо этувчи турли муносабатлар тизими ишлаб чиқилганини кузатиш мумкин. “Бадан тарбияси”, “Ақлий тарбия”, “Ахлоқий тарбия”, “Мактаб”, “Ота–онанинг ҳақ–ҳуқуқлари” каби фаслларда Фитрат бола тарбияси масаласига катта миқёслардан туриб ёндашади ва оилада олиб бориладиган тарбиявий ишлар ҳеч қачон оиланинг тор доираси билан чекланмаслиги, мазмунан ва моҳиятан атроф–муҳит ва табиат билан узвий боғланган бўлишини, бинобарин болага бериладиган тарбия омиллари учун экологик маданият ва билим, экологик тарбия зарурати ҳал этувчи аҳамият касб этишини исботлайди. Масалан, “Бадан тарбияси” фаслида тараққий топган мамлакатларда янги туғилган боланинг соғлигини сақлаш учун илм ва тиббий қоидаларни амалда қўлланиши одатий ҳоллигини, шунингдек, боланинг ювинтирилиши, йўргакланиши, еб–ичиши ва ухлашига катта эътибор берилишини эслатиб, бизнинг мамлакатимизда буларга жиддий

---

<sup>97</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент: Маънавият, 2000, -Б.57.

эйтибор қаратилмаслигига таассуф билдиради ва шу муносабат билан соғлиқни сақлаш қоидалари ҳақида мухтасар маълумот беришни лозим топади:

А) бола туғилгандан кейинги тарбиявий ишлар: “Бола оламга келган захотиёқ киндиги кесилади. Ундан кейин бола, тоза тоғорада қайнатилган иссиқ сувда майин совун билан ювилади. Биринчи чўмилтириш муддати бир–икки дақиқа бўлади. Кейин аста–секин вақт кўпайтириб борилади. Бола чўмилиб бўлгач, жуда ҳам майин, патли тоза сочиқ билан баданини артадилар. Сочиқнинг покизалиги ва тоғоранинг тозалигига жуда катта аҳамият бериш керак. Қайнамаган сув тоза эмас, унинг таркибида ҳар хил касалликларнинг тухуми мавжуд. Бинобарин, қайнаган сувдан фойдаланиш лозим. Қайнатилганидан сўнг илиқ ҳолатида ишлатиш яхши. Совуқ сув болани касал қилади, терисини қуритади. Боланинг бадани ҳамиша иссиқ ва қуруқ бўлиши шарт”.<sup>98</sup>

Б) болани йўргаклаш, бешикка белаш тарбияси: “Маълумки, сув иссиқликда ва шамолда буғланади ва табиийки, буғланиш жараёнида атрофини салқин қилади. Чўмилтиргандан сўнг боланинг бадани ҳўл бўлса, намлик қолса, шамол текканда болага совуқ тегади ва тумов бўлиши аниқ. Болани артиб баданини қуритгандан кейин уни йўргаклайдилар. Лекин болани қаттиқ боғламайдилар, қўлларини йўргак ичида қолдириш ҳам тўғри эмас, балки болани сустроқ боғлаш лозим, токи бадани табиий ҳаракатдан қолмасин”.<sup>99</sup>

Характерли жойи шундаки, муаллиф бола тарбиясига доир ҳар бир детални табиат ҳодисалари билан боғлаб тушунтиради. Бу ҳолатда гўё педагог ва руҳшунос олим тажрибалари табиатшунос олим хулосалари билан узвий бирикиб, яхлит бир бутунликни ҳосил қилади: “Ер атрофини бир қават ҳаво қатлами ўраб олган. Ҳамма ҳайвонот ва ўсимлик ана шу қатлам ичида яшайди. Ҳавонинг бир қисми муваллид ул-ҳумуз (кислород) дан иборат. У

<sup>98</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент: Маънавият, 2000, -Б.63.

<sup>99</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент: Маънавият, 2000, -Б.55

одам ва аксар ҳайвонот учун энг зарур бўлган нарсадир. Қайси ҳавода шу кислород бўлмаса, у ерда яшаб бўлмайди. Нафас олганимизда биз ҳавони ичимизга тортамыз. Ўпка кислородни сарфлайди—да, ўрнига карбон газини чиқарадики, у зарарли бир газдир”.<sup>100</sup>

Атроф—муҳитнинг инсон онги, туйғу—кечинмаларига таъсири фақат жисмоний тарбия билан чекланиб қолмайди. Болага бериладиган ақлий тарбияда ҳам табиатдан олган таассуротларимиз, киши идроки, диққати, тасаввури, хотира ва сезгилари фаол иштирок этади. Ана шу жиҳатлари билан инсон ўзини ўраб турган табиат билан, ташқи олам унсурлари билан ҳамиша вобаста, узвий алоқадорликда. Онг ва идрок билан боғлиқ бўлган ушбу мураккаб жараённи муаллиф характерли мисол билан тушунтиришга интилган: “Демак, одам бир қисм маълумотни ташқаридан ўзининг бешта ҳиссий аъзолари орқали олар экан. Лекин қандай кайфият билан олишимизни билмаймиз. Мен ана шу ҳақда баён қиламан. Худованди карим одам жисмида шундай томирларни яратганки, уларни асаб толалари деб атайдилар. Бу асаб толалари кўздан, кулоқдан, оғиз ва бурундан, териларимиздан ҳиссиётимизнинг маркази, яъни мияга боради. Бир жойдан овоз чиқса, ҳаво орқали у келиб ўша ҳиссиётимизнинг толаларига таъсир қилади. Бу садо таъсири асаб толалари орқали мияга етиб, унга ҳам таъсир этади. Натижада садони эшитамиз. Энди келинг, “чойнак” деган сўзни олиб бу маънони шарҳлаймиз. Масалан, сизга биров “чойнак” деган сўзни айтди. Шу овоз кулоғингизга чалинганда таъсири мияга ҳам етиб боради. Биринчидан, сиз бу одам “чойнак” деган сўзни айтганини билдингиз. Лекин сизнинг билимингиз бу билан чегараланиб қолмайди. Чойнак сўзини эшитганданок, унинг нималигини ҳам тасаввур қиласиз. Ўша заҳоти “доира шакл дастаси бўлган ва жўмракли нарса, ичига чой солиб ичиладиган идиш” кўз олдингизга келади. Бу хулосага қандай келасиз? Ўша садодан билдингизми? Йўқ, балки бу маъно сизга бошқа жойдан маълум эди, сиз чойнакни кўрган эдингиз. Сиз

---

<sup>100</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент: Маънавият, 2000, -Б.64.

шу идишни кўрганда, унинг сурати кўз томирлари орқали миянгизга етиб боради.”<sup>101</sup>

Агар эътибор қаратилса, мазкур мисолда ташқи дунёнинг киши миясида инъикос этиш ҳодисасини тушунтиришга доир рухий-психик жараён батафсил тасвирланган.

Жадидлар эълон қилган манбаларда маданият масаласига тааллуқли қарашлар ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, ўтган асрнинг бошларидаёқ янги бош кўтараётган оммавий маданият таҳдидининг реал хавфидан ўз даври воқеалари жараёнини синчковлик билан кузатиб борган жадидларнинг хабардор бўлгани, хабардор бўлибгина қолмасдан бошқаларни ҳам хушёрликка чақирганини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, Фитратнинг 1918 йилда “Хуррият” газетасида босилган “Туркистонда руслар” мақоласида шундай ёзилади: “Бир кишининг миясига чоғирнинг қандай таъсири бор эса, бир миллатнинг миясига дахи салтанат ва маданият ичгусининг шундайин таъсири бор. Салтанат, бойлик ва маданият ичгулари бизнинг миямизни бузди, бизни маст этди, қўлимиздаги салтанат қиличи билан маданият дафтари бир ёнга қўйиб сафоат чолғуларини олдиқ. Урдик, чолдик, ичдик, йиқилдик, ёндик ва шунлар учун бир-биримиз билан урушдик. Мана шу чоғларда эдиким: Русия давлати бизнинг ўлкаларимизни келиб босди. Ортук биз Туркистон турклари Оврупа маданияти ташигувчи бўлган рус миллатига йўлиққан эдик. Маданий руслар билан қоришиб унларнинг далолати ила Оврупанинг маданий ва ижтимоий усулларида таъсир олмоғимиз керак эди.”<sup>102</sup>

Туркистон матбуоти ва унинг фаол, авангард қисми бўлган жадид матбуоти саҳифаларида қишлоқ хўжалиги муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлган ерга эгалик ва суғориш масалаларига доир маълумотлар кўп учрайди. Шундай бўлиши табиий ҳамдир. Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан сўнг бу қадим маконда ерга эгаликнинг асрлардан буён давом этиб

---

<sup>101</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Тошкент: Маънавият, 2000, - Б. 78.

<sup>102</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 3-жилд, Драмалар, публицистик мақолалар, Тошкент: Маънавият, 2003. –Б. 201-202.



келаётган махсус тизимига дуч келган. Истилочиликнинг дастлабки пайтларида маъмурий бошқарувни йўлга қўйиш билан овора бўлган империя кучлари ер эгалиги масалаларига у қадар аралашмаган. Бинобарин, ер эгалигини маълум муддат маҳаллий амалдорлар бошқарган. Кимнинг қанча ерга эгалиги, ундан қандай фойдаланилиши, нима экилиши, уларга солинадиган солиқлар, ер олди-сотдиси асосан ерлик мулкдорлар орқали бошқарилган. Бироқ кўп ўтмасдан пахтачилик ва бошқа унумдор соҳаларни ривожлантиришга киришилганда, ер эгалиги, ундан фойдаланишда янги тартибларнинг жорий этилишини тақозо эта бошлади.

Матбуотда ўлкадаги иқтисодий аҳволни яхшилашда деҳқончиликнинг турли соҳаларини ривожлантириш катта аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланади. Масалан, “Садои Туркистон” газетасида шундай мулоҳазаларни учратиш мумкин: “Халқнинг фақир ва камбағал бўлишининг сабаби зироат ишига аҳамият бермасликдир. Бу йилларда деҳқончилик бутун аҳамиятдан тушиб борадур. Аҳолимизнинг кўброғи ва балки ҳаммаси илмсиз ва ақчасиз кўйларинча савдогар бўлишни хоҳлайдурлар. Шул сабабдин муваффақиятсиз савдогарлар кўпайиб, деҳқонлар эса озайиб турмоқдадур. Агар халқимиз шу йўл ила борсалар, истиқболлари яхши бўлмаса керак.”<sup>103</sup> Мақола муаллифи халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун биринчи ўринда деҳқончилик ишларини ривожлантиришлари, сувсиз ерларга ариқ қазиб сувлар чиқаришлари, эски ўзанларни тозалаб сув йўллари очишлари, ориқ ерларга ишлов бериш, алмашлаб экиш усуллари унумли фойдаланишлари, ерга ишлов беришда замонавий асбоб-ускуна ва техникавий воситаларни кўпроқ қўллашлари лозимлигини қайд этади. Шу жиҳатдан олганда, Абдулҳамид Чўлпоннинг “Садои Фарғона” газетасида чоп этилган “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик”, Абдусами қори Зиёбоевнинг “Садои Туркистон” газетасида чоп этилган “Тупроғимиз олтиндур”, А.Музаффарзоданинг шу газетада босилган “Тупроқ надур?” каби мақолалари ҳам мазкур мавзунини мантиқан

---

<sup>103</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, Тошкент: Янги нашр. –Б. 75.

давом эттириши билан диққатимизни тортади.. Масалан, Чўлпон ўз мақоласида деҳқончиликнинг самарадорлигини оширишда техникадан унумли фойдаланиш муҳимлигини таъкидлаб, америкаликлар турли хил қишлоқ хўжалик техника воситаларини ишлатиб, туркистонлик деҳқонлардан 10 киши 10 кунда қиладиган ишларини 2 киши 10 соатда осонгина бажаришларини маълум қилади ҳамда деҳқонларни техникадан фойдаланишга ундайди. Жадид тараққийпарвари Абдусами Зиёбоевнинг “Тупроғимиз олтиндур” мақоласи эса рамзий йўл, яъни жонли диалог усули орқали саёҳат давомида учрашган икки суҳбатдошнинг савол-жавоби воситасида ўзбек деҳқонини инқирозга етаклаган омилларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.<sup>104</sup>Мухтасар қилиб айтганда, бу каби мақолаларда халқни унумдор ерлардан оқилона фойдаланишга чақирилади ва жамиятда эгологик дунёқарашни ошириш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтилади. Шунингдек, уларда деҳқончилик ота–боболаримизнинг азалий фойдаланиб келинган касб–кори эканлиги, ундан фойдалироқ касб йўқ эканлиги, ер–сувнинг қадр–қимматини билмоқ зарурати, айти пайтда бошқа соҳалар сингари деҳқончиликни ҳам замонавий асосларда қайта қуриш ва такомиллаштириш лозимлиги уқтирилади.

Туркистон қишлоқ хўжалиги ҳаётига янги техника ва технологияларнинг кириб келишида бир қанча муаммолар мавжуд бўлса–да, XX асрнинг бошларидан ўлкада дастлабки тракторлар ишлатила бошланган. Дастлаб уларга эскича ва янгича қарашлар, техника воситаларининг ҳаётга кириб келишини турлича талқин қилиш, айрим пайтларда хурофий нуқтаи назарларга эрк бериш ҳоллари ҳам содир бўлди.<sup>105</sup> Маълумки, инсон саломатлиги тиббий маданиятнинг жамиятда қандай мавқега эгалиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу масала айти пайтда экологик маданият билан ҳам узвий алоқадорликда юзага келади. Ер, сув тозаллиги, ҳаво мусаффолиги атроф–муҳитнинг қай даражада яшаш учун яроқлилигини белгиловчи муҳим

<sup>104</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, Тошкент: Янги нашр. –Б. 75-76.

<sup>105</sup> Иброт Исҳоқхон тўра, Танланган асарлар, Тошкент: Маънавият, 2005, -Б. 54.

омиллардир. Бу жиҳатдан, жадидлар ўзлари яшаган даврнинг тиббий билимлар соҳасини ҳам ўзгача руҳ ва курашчанлик билан ислоҳ этишга интиганини кузатишимиз мумкин. Туркистон матбуотида, шунингдек, махсус шифо масканларига ҳам эътибор қаратилиб, улардаги мавжуд шарт-шароитни яхшилаш чоралари кўрилиши лозимлиги таъкидланган. Масалан, Тошкентнинг янги шаҳар худудидан 2,5 чақирим узоқликда жойлашган Салар каналининг ўнг қирғоғида 26 та уй ва масжиддан иборат Мохов кишлоғи бўлиб, унда 40–60 нафар бемор яшаганлиги қайд этилган. Бу кишлоқни қайта қуриш ҳақидаги масалалар кўтарилган ҳамда 1899 йилда кишлоқ қайта таъмирланиб, Туркистон Қизил Хоч жамияти бошчилигида очилиш маросими ҳам ўтказилган. Шунингдек, газеталарда Туркистон аҳолиси орасида кенг тарқалган безгак ва улар билан оғриган касалларни даволаш усуллари ҳақида, безгак эпидемияси, вабо касаллиги кўп тарқалган жойлар тўғрисида маълумотлар бериб борилган. Аҳоли орасида тери ва бўқоқ касалликларидан азият чеккан беморлар кўп бўлган. Шунингдек, Туркистонда Европа шифокорларига номаълум бўлган касалликлардан афғон яраси (пашша хўрда) ва ришта касалликлари ҳам кенг тарқалган.<sup>106</sup>

Бу ўринда Туркистонда истиқомат қилаётган илғор фикрли рус зиёлилари ва шифокорларининг мавжуд аҳволни ўрганиш, вазиятни яхшилаш учун чора-тадбирлар излаганларини ҳам айтиб ўтмоқ лозим. Улар томонидан «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларида тиббий аҳволни яхшилаш учун бир неча бор таклифлар билдирилган. Жумладан, бир қатор мақолаларда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминланиши лозимлиги таъкидланган. Ичимлик суви сифатида фойдаланилаётган ариқ ва кудуқ сувларининг ичишга яроқсиз экани, улар таркибида ҳар хил зарарли куртлар ва микроблар, ҳатто ришта эмбриони борлиги, ишқор элементлари, органик моддалар меъёрдагидан анча юқори эканлиги қайд этилган.<sup>107</sup> Шу жиҳатдан, Рауф Музаффарзоданинг 1914 йилда “Садои Туркистон”

<sup>106</sup> Ибрат Исҳоқхон тўра, Танланган асарлар, Тошкент: Маънавият, 2005, -Б.131-132.

<sup>107</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. Тошкент: Янги нашр -Б. 134-135.

газетасида эълон қилинган “Ичар сувларимизга бир назар” номли мақоласини, Ҳожи Муиннинг “Тиб ва ҳифз ус-сиҳҳатга риоятсизлигимиз” мақолаларини алоҳида тилга олмоқ зарур. Мақола муаллифлари аҳоли сув ичадиган ариқлар юзларча, ҳатто мингларча ҳовлилардан ўтиши, натижада унинг суви ҳар хил ахлатлар ташланиши сабабли ифлосланиб, ичишга яроқсиз ҳолга келаётгалигини ёзадилар. Муаллифларнинг таъкидлашича, бу ариқларнинг юқори оқими ниҳоят тоза ва ичишга яроқли бўлган. Бундан маълум бўладики, сувга, унинг тоза сақланишига муносабат ёмон аҳволда. Демак оила тарбиясида ҳовли ичидан оқиб ўтаётган сувни мусаффо сақлаш зарурлиги уқтирилмайди. Жумладан, Музаффарзода аҳолини сувни тежаб ишлатишга ҳамда ифлос нарсаларни сувга ташламасликка даъват этади. Агар акси қилинса, “саломатлик жиҳатдан миллатга улуг бир жинойт қилиниши” таъкидланади.<sup>108</sup> Ҳожи Муин эса ислом динида поклик ва тозалikka эътибор кучли бўлганлиги, муқаддас китоб ва ҳадиси шарифларда назофат ва покизалик маиший турмушнинг биринчи шарти ҳисобланганини таъкидлайди. Кўпчилик оилаларимизда санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилинмаслиги, сиҳат-саломатлик масаласи назардан четдалигини айтиб, либос, таом, уй, ҳатто кўчаларни покиза тутмоқ муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътиборимизни қаратади. “Кунда ўн мартаба бўлса ҳам таом еярмиз. Унинг мижозимизга фойдалиқ ёки зарарлигини ҳаргиз ўйламаймиз. Ҳолбуки, аксар хасталиқ бемавруд ва ё зарарлиқ таом емоқдан пайдо бўлур. Сув ичармиз ва анинг микроб (майда курт) лари ва нопоклигига диққат этмаймиз. Ҳолбуки, аксар ҳавузлардаги сувнинг ярми курт бўлуб, ранг, бўй ва маазаси ҳам тағйир топгандур”, деб ёзади.<sup>109</sup>

Агар тарбиянинг пойдевори оилада қўйилишини ва унда хотин-қизларнинг ҳал қилувчи рол ўйнашини назарда тутилса, энг аввало аёлларнинг саводхон бўлиши лозимлиги маълум бўлади. Бу оддий ҳақиқатни ўз даврининг зиёлилари бўлган жадиждлар эрта англаб етдилар. Шундан келиб

<sup>108</sup> Музаффарзода Р. Ичар сувларимизга бир назар // Садои Туркистон, 1914, 21-сон.

<sup>109</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар, Тошкент: Маънавият, 2005, -Б. 63.

чиқиб, биринчи навбатда аёлларни саводхон қилиш, илм-фан билан қуроллантириш лозимлиги устида бош қотирдилар. XIX аср охири ва XX аср бошларида Анбар отин, Нозимахоним каби ўзбек аёллари ўз ижодида аёлларнинг аҳволи, яшаш шароити, оила ва жамиятдаги ўрни каби масалаларни акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Лекин маҳаллий аёллар дунёвий таълим олиш имкониятларидан маҳрум эдилар. Шунинг учун ҳам жамият тараққийпарвар кучларининг мазкур масалаларга эътибори катта бўлган. 1906 йилда “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида таъкидланганидек: “Агар хотун киши тарбия топган, илмлик бўлса, фарзандини ҳам тарбият қилиб тараққийлик одами қиладур”.<sup>110</sup>

Ҳожи Муиннинг “Ойина” журналида 1914 йил 33-сонида эълон қилинган “Тиб ва ҳифз ус-сиҳҳатда риоятсизлигимиз” мақоласида ислом дини, тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзи уйғунлиги масаласи, “Меҳнаткашлар товуши” газетасида чоп этилган “Ёшларимиз ва қизлар тарбияси” мақоласида эса ўзбек қизларини ўқитиш, замонавий илм-фан асослари билан қуроллантириш масалалари муҳокама қилинган.<sup>111</sup>

Шу журналнинг 1914 йил 27-сонида Беҳбудийнинг мусулмон эрлар билан бирга аёлларни ҳам ўқитиш лозимлиги ҳақидаги, 1915 йил 15-сонида А.Азимийнинг “Таълим ва тарбия” номли мақолалари чоп этилган. Жумладан, А.Азимийнинг мақоласида шундай дейилади: “Агар ҳар миллатнинг истиқболини билмак хоҳланса, ул миллатни болаларига назар ва аҳволи туфулиятларини мулоҳаза этмоқ кеоак. Чунки алар ўтган замонларни натижаси ва келар замонларни унвони ва бошқа таъбир бирла ойинаи оянданамосидирлар. Ва аларни таваллуд топиб оналари қўйнига тарбият топганларини ва мактаб ва мадрасалардан таълим олиб, ҳадди рўшдға етганларини тафтиш ва тадқиқ этмак лозим. Чунки аларнинг сиҳҳатларига ва хусни тарбия ва таълимлариға миллатни тараққий ва таолоси мафқуфдур. Бас, болаға она биринчи омил ва мураббийдир. Онани таъсири болаға, отани

<sup>110</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, Тошкент: Янги нашр. -Б. 143.

<sup>111</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар, Тошкент: Маънавият, 2005, -Б. 63, 77-80.

таъсиридан зиёдадур. Чунки она болани бир неча ойлар қони бирла физоландурур. Ва баъдаз таваллуд саналарча сути бирла парвариш этар. Ва муддатларча оғуши мушфиқонасиға тарбия этар. Бу сабабли бола она тарбиясида бўлгуси овлонларда муҳитиға мувофиқ ҳолда табиатланур, ки бул табиат ва одат агар номаъқул ҳолда бўлунса, катта бўлганидан сўнг ислоҳи мушкулдур. Энди мураббия волидаларни мулоҳаза этмак керак. Алар жоҳил бўлдиклари ҳолда ҳифзи сихҳатға мувофиқ аҳамият бермайдурлар.”<sup>112</sup>

Бизнингча, бу мақолада А.Азимий масаланинг кескинлигига алоҳида эътибор қаратади. Модомики, болага онадан кўра кўпроқ таъсир этадиган шахс ва омил йўқ экан, унинг саводли ва тарбияланган бўлишининг аҳамияти ғоят каттадир. А.Азимий фикрича, аёл кишининг жоҳил бўлиши, соғлик ва поклик амалларига эътиборсизлиги бола камолотиға хавф соладиган жиддий тўсиқлардан бўлиб, салбий натижалари кундалик ҳаёт сарҳадларидан ўтиб, жамият ҳаётида жуда тез нишона беради. Шундай экан, муаллифлардан бири ҳақли равишда таъкидлаб кўрсатганидек, эҳтимол ўғил болаларга нисбатан ҳам энг аввало кўпроқ қиз болаларни саводхон қилиш муҳимроқ ва фойдалироқдир.

Жадид намоёндаларининг ижтимоий ҳаётга доир фикрлари жадидчиликнинг, улар олиб борган маърифатпарварлик курашларининг янги қирраларини очиб берадиган муҳим масалалардан биридир. Жадидлар ижтимоий-маданий ҳаётда инсоният ва хусусан туркий халқлар эришган маънавий-маърифий ютуқларни қадрлашга ва авайлаб сақлашга, шу билан бирга, ривожланган мамлакатларга қиёсан олганда, халқимизнинг маданий ривожланишда ортда оқсаб қолаётгани сабабларини аниқлашга интилдилар. Янги даврнинг онгли, етук кишилари бўлган жадидларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ҳақида Фитрат шундай ёзган эди: “Бухоролиларнинг тижорат, ахлоқ ва илм, санъат ва ҳунар, маишат жиҳатларинда бутунлай ортда қолганлиқларини “эълон” ёзучилар билмасалар-да, бошқалар билалар.

---

<sup>112</sup> Бехбудий М. Самарқанд вилоятининг нуфуси ҳукуматнинг санаи ҳолиядаги ҳисоби бўйунча // Ойина, 1914, 27-сон, -Б. 513; Азимий А. Таълим ва тарбия / Ойина, 1915, 15-сон, 3-Б. 46-348.

Тижорат майдонларинда, таҳсил мадрасаларинда, ахлоқ тўғивларинда ўз ишларининг қондасини ва зибарини бир яҳудий қадар билувчи онгли кишимиз йўқ. Дунёнинг телефон ва телеграф ҳамда темур йўллар каби фанний мўъжизаларини кўруб-да шунларнинг сирларини ўтранувга тиришучи одамимиз йўқ. Ҳатто мадрасаларимиздан чиқуб-да бир жамоатнинг кофирлигини эълон этучиларимиз-да дуруст ёза билмайлар. Шу ҳолни яратуб, бундан ризо бўлуб туручи биргина мусулмонда бўлмаса керак. Мана шу ший равишда бўлган ижтимоий хасталикларимизга даво изловчилар “жадид” лардир.<sup>113</sup>

Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий қарашлари кўпроқ матбуотда ёритилади. Туркистон матбуоти Умумрусия мусулмон матбуоти билан қадам-бақадам борди, ўз саҳифаларида ўлка турмуши, миллий тараққиёт билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқди ва ҳал қилишга уринди. Миллий адабиётнинг шаклланиши ва тараққий қилишига муносиб ҳисса қўшди. Бироқ Туркистонда даврий матбуот жадидлардан олдин ҳам бор бўлганини айтиб ўтиш лозим. Бу матбуот 1870 йилдан пайдо бўлди ва асосан Русия ҳукуматининг ҳарбий-истилочилик сиёсатига хизмат қилди. Масалан, ўзбек тилидаги илк газета –“Туркистон вилоятининг газети” шу йилдан чоп этилишга бошлаб, рус илм – фани ва маданиятини тарғиб этиш йўлидан борди, таассуфланарли жойи “Русия тарғиботи” кўпинча маҳаллий халқнинг ўтмиши, миллий – диний анъаналарини камситиш, уларни ерга уриш, танқид қилиш ҳисобига амалга оширилди.<sup>114</sup> Гарчи мазкур газета саҳифаларида Фурқат, Сатторхон Абдуғаффоров, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов сингари зиёлилар ўз мақолаларини эълон қилиб борган бўлсалар ҳам, лекин газета фаолияти юқоридаги сабабларга кўра кўпчиликни қониқтирмади.

Табиийки, бундай матбуотни жадидлар ҳам танқидий баҳоладилар ва маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этувчи газета – журналлар нашр

<sup>113</sup> Фитрат, Танланган асарлар, 5 жилдлик, 3-жилд, Тошкент: Маънавият, 2003, -Б. 210.

<sup>114</sup> Бобохонов А. Ўзбекистон матбааси тарихидан, Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, -Б. 116-123.

этишга киришдилар. Миллий матбуотнинг майдонга келишига Исмоилбек Гаспирали бошчилигида 1833 йилдан Боқчасаройда чоп этила бошлаган “Таржимон” газетаси катта таъсир кўрсатди. У нафақат Русия империясида яшовчи туркий халқларни, балки бутун дунёдаги туркий халқларни бирлаштиришга ҳаракат қилди ва ўз саҳифаларида уларнинг муаммоларидан дунёни бохабар қилиб борди. Маълумотларга қараганда, жаҳид матбуотига тамал тошини қўйган нашр – 1906 йилда дунё юзини кўрган “Тараққий” газетасидир.<sup>115</sup> Татар зиёлиси, муҳаррир ва ношир Исмоил Обидий томонидан чоп этилган ва 17 та сони чиқарилган бу қалдирғоч газета фаолиятида Шокир Мухторий, Исмоил Алиев, Мунаввар қори Абдурашидхоновлар иштирок этишган. Унинг биринчи сони “Таржимон” таҳририятига етиб борганда, унинг маслағи тараққийпарварлик экани, унга эҳтиёж Туркистонда кўпдан бери мавжуд бўлгани, бинобари бу газетани нашр этишга киришилгани айни муддао бўлгани алоҳида таъкидланган. Ундан кейин нашр этилган “Хуршид”, “Тужжор”, “Шухрат”, “Осиё”, кейинроқ Маҳмудхўжа Бехбудий муҳаррирлигида Самарқандда чиқарилган “Самарқанд” каби газеталар гарчи таъқиб ва тазйиқлар натижасида узоқ яшамаган бўлсалар ҳам, лекин улар Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, “Хуршид” газетаси “Тараққий” изидан бориб, миллат ва юрт манфаатини ҳимоя қилишни, уни тараққиётга олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган. Бу газетанинг ташкил этилишидан мақсад тўғрисида Фансуруллоҳбек Худоёрхонов қуйидагиларни ёзади: “Дунёдаги мусулмонларни бир-бирлари билан таништириб туради, янги мактаб ва мадраса ислоҳи йўлида уринади ва уларга раҳбарлик қилади.”<sup>116</sup>

Характерли жойи шундаки, бу газеталарда мустамлакачиларнинг ер, сув ва бошқа моддий ва маънавий бойликларга очкўзларча муносабати, шунингдек Русиянинг Туркистонга нисбатан хом ашё манбаи сифатида тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришга уринишлари кескин қораланди.

<sup>115</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, Тошкент: Янги нашр, 2011, -Б. 49.

<sup>116</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, Тошкент: Янги нашр, 2011, -Б. 52.



“Россиядан ўлкага тайёр саноат молларининг узлуксиз келтирилиши ҳам тараққиётни бўғиб халқни қашшоқланишига олиб келган. Шунинг учун жадидлар моддий бойликларини бегоналарнинг қўлидалиги ва уларни таланишига қарши курашни муқаддас бурч ҳисоблаганлар.”<sup>117</sup> Масалан, Бехбудий “Хуршид” газетасининг 1908 йилги сонларидан бирида чоп этилган мақоласида мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон ўлкаси фақат хом ашё етказиб берувчи замин бўлиб қолганидан халқимиз қашшоқ яшамокда, деб қайғуради. Бунинг акси ўлароқ Россиянинг ўзи хом ашёни арзонга олиб, ундан ишланган молларни қимматга сотишини қоралайди. “6 миллионли туркистонликларда, деб ёзган эди Бехбудий, – уч миллионер борлиги маълум эмас. Деҳқонлар эса, агарчи бир вақт қўли бир оз ақча кўрар, яна Оврупо (Россия бойларига) бир икки – беш хом мол бериб пишиқни зўрға олур!..”<sup>118</sup>

Хулоса қилганда, жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий қарашлари кўпроқ матбуотда ёритилган. Жадидчилик ҳаракати ва унинг етук вакиллари томонидан атроф–муҳит, табиатга оқилона муносабатни шакллантириш, табиатни асрашга доир қарашлари, миллий табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, авайлаб–асраш ўрнига уни талон–торож этиш сиёсати қўллангани жадид матбуотида ёритиб берилган.

## II боб бўйича хулосалар

1. Жадидчилик – жамиятда маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг пайдо бўлишининг асосий сабаблари, Туркистоннинг ички муҳитининг феномени бўлиб, Россия империясининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёнинг истило қилиниши, бунинг натижасида юзага келган мудҳиш ижтимоий–сиёсий вазиятнинг маҳсули бўлди.

2. Жадидчилик ҳаракати давлат, тузум, бошқарув тизимини ислоҳ этиш, ва миллатни онг ва тафаккурини ривожлантириш орқали, умуман,

<sup>117</sup> Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи, Тошкент: Шарқ НМАК, 2001, -Б. 301.

<sup>118</sup> Алиев А. Фитрат ва маърифат, Шарқ юлдузи, 1992, 9-сон, -Б. 22.

жамиятни янги ҳаёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган ғоя ва тамойиллар аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим эди.

3. Жадидчиликнинг юзага келиши даврида экология атамаси ҳали истеъмолга кириб русум бўлмаган, бутун дунё мамлакатлари муаммоларини яхлит бир ҳодиса деб талқин этишга ундаган глобаллашув жараёни юзага чиқмаган эди.

4. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий қарашлари кўпроқ матбуотда ёритилган. Жадидчилик ҳаракати ва унинг етук вакиллари томонидан атроф–муҳит, табиатга оқилона муносабатни шакллантириш, табиатни асрашга доир қарашлари, миллий табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, авайлаб–асраш ўрнига уни талон–торож этиш сиёсати қўллангани жадид матбуотида ёритиб берилган.

5. Инсон саломатлиги тиббий маданиятнинг жамиятда қандай мавқега эгаллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу масала айти пайтда экологик маданият билан ҳам узвий алоқадорликда юзага келади. Ер, сув тозаллиги, ҳаво мусаффолиги атроф–муҳитнинг қай даражада яшаш учун яроқлилигини белгиловчи муҳим омиллардир. Бу жиҳатдан, жадидлар ўзлари яшаган даврнинг тиббий билимлар соҳасини ҳам ўзгача руҳ ва курашчанлик билан ислоҳ этишга интиланганини кузатишимиз мумкин. Бу даврда тиббий маданиятнинг асрлар бўйи давом этиб келган анъанавий кўринишлари, услуб ва усуллари кенг фойдаланилганини таъкидламоқ лозим.

### **III БОБ. ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТГА ДОИР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ**

#### **3.1 §. Маърифатпарвар жадидларнинг экологик тарбия борасидаги қарашларидан замонавий экомданиятни шакллантиришда фойдаланишнинг фалсафий-педагогик зарурияти**

Бугунги кунда тарихимизнинг ажралмас қисми бўлган жадидчилик ҳаракати ва жадид мутафаккирларининг экологик тарбия борасидаги қарашларидан замонавий экомданиятни шакллантиришда фойдаланишнинг фалсафий–педагогик жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда ва фалсафий тадқиқотларда ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам жадидларнинг экологик тарбия тўғрисидаги қарашларидан кунимиздаги локал экологик муамоларни бартараф этишда ва экологик онгни шакллантиришда фойдаланиш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида амалга оширалаётган экологик ислохотлар таълим соҳасида ҳам изчил ва узлуксиз ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Кадрларни тайёрлаш соҳасида бутун жаҳон андозаларига мос равишда ижодий ўзгаришлар қилинишини талаб қилмоқда. Бизнинг ижодкор халқимиз бугунги кунга қадар аждодларни миллий мероси ва халқимизни азалий қадриятлар, анаъаналари, урф–одатларини ўрганиб юртимиз ривожини учун фойдаланиб келмоқдалар.

Дунё илм-фанида этноэстетик муносабатларининг табиат ҳодисалари ва кундалик турмуш тарзини уйғунлаштириш, халқ этноэкологияси, экологик онг ва маданиятнинг халқлар маданиятида акс этиши бўйича фалсафий тадқиқотлар олиб борилмоқда, “энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. ....бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр–муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини

тарбиялаш орқали эришиш мумкин.”<sup>119</sup> Шу нуқтаи назардан қараганда республикамізда экологик маданиятга оид таълим–тарбия ва ташвиқот-тарғибот ишлари тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда миллий экологик маданият кадриятларини тиклаш ва ривожлантириш тенденцияларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, ривожлантириб бориш бугунги кунда объектив зарурат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармониға биноан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида қарорида Мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.<sup>120</sup> Унга кўра, аҳолининг экологик онг ва маданиятини шакллантириш, соф атроф - муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида махсус давлат ташкилотлар фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Экологик партияси билан биргаликда ёшларда табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантириш, атроф - муҳитни сақлаш, ҳаво, сув ва тупроқ ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонот олами дунёсига зиён етказилишига йўл қўймасликка қаратилган жараёнларни ривожлантириб янада жадаллаштириш вазифалари берилди.

Мамлакатимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш, табиий муҳит мусаффолигини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг муҳим субъектив омили бўлган экологик онг ва маданиятни юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда ва бу йўлда жаҳид мутафаккирларининг табиатга оқилона муносабатини шакллантиришдаги фикрларидан ҳам унумли фойдаланиш зарурати ортиб бормоқда. Бу орқали ёшлар

---

<sup>119</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон. 2017. -Б. 570.

<sup>120</sup><https://lex.uz/docs/4574008> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида фармони.

аждодларимизнинг ижтимоий–сиёсий ғоялари, ҳаракатлари, жаҳид мутафаккирларининг қарашларини ўрганиш, билиш билан бирга экологик тарбия топишлари, уларнинг табиатга рационал муносабатда бўлиш тўғрисидаги мулоҳазаларини ҳам ўрганадилар.

Ушбу параграфда маърифатпарвар жаҳидларнинг экологик тарбия борасидаги қарашларидан замонавий экомаданиятни шакллантиришда фойдаланишнинг фалсафий–педагогик зарурияти тадқиқ этиш мақсад қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда экологик маданиятни шакллантириш уларда табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш маданиятини Шарқ мутафаккирларини, хусусан жаҳид мутафаккирларининг экологик тарбияга оид қарашлари орқали етказиш мумкин. Ёшларда экологик билимларни бериш ҳамда уларда атроф муҳит билан боғлиқ бўлган тарбиявий назарий билимларни шакллантиришнинг бугунги ҳолатини ўрганиб чиқиб таҳлил қилиш ҳамда, жаҳидчилар томонидан қолдирилган бой маданий меросни таълим жараёнида ўргатиб боришни ташкил этиш самарали воситалардан ҳисобланади.

Экологик маданият, аввало, табиат қонуниятларини чуқур англаган ҳолда атроф–муҳитга зарар етказмай асраб–авайлашдан иборатдир. Экологик маданият тараққиёти халқнинг экологик онгини ривожлантиришга доир маълумотларни аҳолига етказиш, тарғиботни кучайтириш билан боғлиқ. Бинобарин, экологик маданият замирида экологик таълим ётади. Шу боис ҳам жаҳидларнинг таълим–тарбияни ислоҳ қилиш тўғрисидаги ғоялари ва ҳаракатларида миллатнинг ижтимоий онгини ошириш, хусусан экологик дунёқарашини ҳам шакллантириш масаллалари ётган. Бу орқали жаҳидлар юртнинг экологик ҳолати, атроф–муҳитнинг табиий ривожланиши, тупроқ, сув ва ҳаво мусаффолигини сақлаб қолишга ҳам алоҳида ҳаракат қилганликлари манбаалардан маълум бўлади.

Маълумки, экологик онгни ривожлантиришда кенг жамоатчиликка табиатнинг бир бутунлиги, барча ҳодиса ва жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги,

атроф-муҳитга муносабатнинг ўзгариши, биосфера ҳақидаги таълимот, органик олам эволюцияси, табиатдаги барча жараёнлар асосини кимёвий, биологик ва физик жараёнлар бирлиги ташкил этишини тушунтириш муҳим. Шубҳасиз, бу борада ёш авлод тарбиясида экологик маданиятнинг ўрни катта бўлиб, мактабларда ўқувчилар ва олий ўқув юрти талабалари экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг моҳияти, экологик мувозанатнинг тирик организмлар ҳаётидаги аҳамияти, уларни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш, экотизимнинг табиатдаги мувозанатини сақлаш билан боғлиқ жиҳатларни ўрганмоқдалар.

Табиат ва жамият ҳаётининг барча соҳа ва йўналишларини қамраб олган ушбу жараён, яъни “Экологиялизациялаштириш” асосида бугунги кунда мураккаб тизимга эга бўлди. Экологик маданият ҳозирги кунда 70 га яқин таълимот ва ғоялар мажмуасини ўз ичига олади, Бу таълимотлар ва ғоялар ичида жадид мутафаккирларининг табиат ва атроф муҳитни асраб авайлаш ва табиатдан оқилона фойдаланишда экологик онгни шакллантиришга оид қоидалари ҳам фалсафа тарихида ўзига хос ўринга эга.

Аслида, жадидчилик ҳаркати ва жадид мутафаккирлари ҳамма учун дахлдор бўлган табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш, инсон саломатлигини муҳофаза этишга доир муаммоларни ҳал этишда ҳам ўзларининг сабъ-ҳаракатларини йўналтирган оммавий жамоат ҳаракати ҳисобланади. Халқнинг моддий ва маънавий маданияти ривожлангани сари унинг тарихи ҳам теранлашиб боради. Ҳар бир халқнинг турмуш шароитлари, маросим ва анъаналари шу халқнинг тарихий тараққиёти давомида шаклланган.

Жадидларнинг янги миллий давлатчиликни ташкил этиш, мактаб-маориф ва ўқиш-ўқитиш, тарихий ва маданий-маънавий меросга янгича муносабат руҳидаги мақола ва тадқиқотлари билан бирга, Туркистон халқларига аждодлари томонидан мерос бўлиб қолган она Ватан, унинг бебаҳо сув ва тупроғи, мусаффо ҳавоси, табиий бойликларини асраб-авайлашга доир фикр-мулоҳазалари ифода этилган илмий-публицистик,

педагогик, бадиий асарлар ҳам яратилди. Бу йўналишдаги асарлар, табиийки, ўтган аср бошларида бошланган миллий уйғониш жараёнида маърифатчилик ҳаракатининг нечоғлик катта ва салмоқли куч сифатида майдонга чиққанини кўрсатади.

Жадид намоёндалари ўз халқининг зиёли ва фидоий фарзандлари сифатида ижтимоий ҳаётда тобора марказий ўринни ишғол қилаётган “руслаштириш” сиёсатига, шунингдек, Туркистон ўлкаси учун илгари синалмаган техникавий тараққиёт, янгича ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларининг жамият ва табиатга таъсири, бу таъсирнинг ижобий ва салбий оқибатлари, техник тараққиёт ва унинг истиқболи, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш сингари давр кун тартибига кўтарган долзарб масалаларга бефарқ қараб турмадилар. Масалан, атоқли ўзбек олими ва ношири, адиб ва драматург Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан нашр этилган “Ойна” журнали халқимиз онгини уйғотишда, унга ўзлигини танитишда, миллий кадриятларни улуғлаш, замона илм-фан ютуқларини тарғиб этишда, ижтимоий фикрни жонлантиришда катта рол ўйнади. Журнал гарчи 3 йилга етар-етмас муддат фаолият кўрсатган бўлса ҳам, унинг саҳифаларида миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқи, тарихий тараққиёти, тил ва адабиёт масалаларига, дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларга боғлиқ равишда амалга оширилаётган ишларга доир кўплаб маълумотлар билан бирга она табиатга оқилона муносабат руҳидаги мақолалар ҳам чоп этилди. Бизнингча, Бехбудийнинг “Миллат ўзини англаганидагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалар қатори тенг равишда аралаша олади деган” сўзларини ҳам кенг маъноларда қабул қилмоқ зарур.<sup>121</sup> Демак, жадидчилик ҳаркати даврида экологик маданият тушунчаси мавжуд бўлмасада, уларнинг ғояларида табиатга оқилона муносабатини ишаклантириш масалалари кўтарилган эди.

Жадидчиликнинг бошқа бир машҳур вакили – Саидносир Миржалил ўғли сув туркистонликлар учун ҳаёт-мамот масаласи эканлигини чуқур ҳис

---

<sup>121</sup> Қаранг: Ойна, Тошкент: Академия, 2001, -Б. 3.

этиб, 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг жамоатчилик диққатини мазкур долзарб масалага қаратди ва “Туркистонда сув масаласи” деган мақоласида “Сув йўқ, демак, Туркистонда ҳаёт йўқдир” деб ёзди.

Туркистон минтақасидаги экологик масалалар, атроф-муҳитни асраб авайлаш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш масалалари мушхур жадид маърифатпарвари Абдурауф Фитратнинг ғояларида ҳам алоҳида муносабат билдирилган. Шунингдек, у жамиятни ислоҳ қилиш, таълим-тарбияни модернизациялаш, янгича ёндашувни олиб кириш билан бирга атроф муҳитга, табиатга оқилона муносабатда бўлишни ҳам тарғиб қилган. Унинг “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” каби асарларида Туркистон ва Бухоро амирлигидаги қишлоқ ва шаҳарлардаги назофат покизалик ишларига алоҳида эътибор беради. Унинг “Раҳбарий нажот” ахлоқий асарида тозалик ва экологик тарбияга оид қарашларини янада кенгроқ ёритади. Буюк аллома Фитрат, айниқса, болаларнинг тарбиясида, уларнинг етук ва соғлом бўлишлари учун тозаликнинг аҳамияти муҳим деб билади. Фитрат назокат ва тозалик болалар тарбиясида катта аҳамиятга эгадир деб фикр билдиради. Нафосат ва покизалик катта ёшдаги инсонларга қанчалик муҳим бўлса, кичикларга ўн баробар зарурдир деб уқтиради. У болаларга шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Аллома “боланинг тарбиясида тоза ҳавонинг аҳамиятига тўхталиб, ҳаво инсон учун овқатдан ҳам муҳимдир. Беш, олти соат овқатсиз туриш мумкин, лекин бир дақиқа ҳам ҳавосиз туриш мумкин эмас. Шунинг учун болаларни тоза ҳавога, чорбоғларга олиб чиқиш лозим”<sup>122</sup> деб таъкидлайди. Абдурауф Фитратнинг фалсафий қарашларида ёшларни атроф муҳитни севишга, асраб – авайлашга табиатдан оқилона фойдаланишга чақиради. У ўз дарслик ва қўлланмаларида ҳам атроф муҳитга оид фалсафий фикр мулоҳазаларни жадид мактабларида ўқувчиларга етказган.

---

<sup>122</sup> Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси. Шарқ юлдузи журнали, 8 сон, 1991. –Б. 7.



Фитратнинг “Ҳинд сайёҳининг” қиссаси асари Бухорога келган Ҳиндистонлик мусулмон сайёҳ тилидан ҳикоя қилинади. Аслида Ҳинд сайёҳи - муаллифнинг ўзи ҳисобланади. Асарда Бухоро давлатининг экологик маданияти, табобати, ишлаб чиқариш саноати ва ҳатто ер ости бойликларидан халқ манфаати йўлида оқилона фойдаланиш, ўлканинг маънавий ва моддий бойликлари ҳақидаги қайғуриб гапиради. Фитрат ҳинд сайёҳи тилидан Бухорода тозалик, соғлиқни сақлаш ишлари ўлда-жўлда эканлиги ҳақида гапиради ҳамда шаҳарда тиббиётга оид олий мактаб – Доруш-шифо очиш зарурлигини таъкидлайди. Асарда рус шифокори образида Фитрат ўз юртдошларини Европа мамлакатларидаги каби маданий, ва покиза ва ўқимишли кишилар бўлиб кўринишлари кераклиги тўғрисида фикрлар билдиради.<sup>123</sup> Фитратнинг “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асарида табиатни муҳофаза қилишга оид ўша давр учун Моварауннаҳр доирасида эмас, жаҳон миқёсида ҳал этилиши керак бўлган масалаларни ўртага ташлайди. У Бухоро амирлигига қарашли ерлардан унумли фойдаланиш ҳақидаги қуйидаги фикрни билдиради “Агар шу Шаҳрисабз ерлари Япон элида бўлганда эди зар экиб, зар ундираб эдилар.”<sup>124</sup> Бундан ташқари алломанинг илмий рисолаларида Бухоро шаҳри кўчаларини покиза сақлаш ҳавосини озода тутиш тўғрисида қуйиниб қуйидаги фикрларни билдиради “Ер юзидаги мавжуд микроблар шамол ва чанг ғубор билан ердан кўтарилиб, ҳавода жавлон уриб, ҳаводан бир неча йўллар орқали бизга кўчади. Аввало, таомимизга, хусусан, мева-чевага қўнади, шунинг учун уларни ювиб ейиш керак. Тўртинчидан, нафас олишимиз билан ичимизга кириб, бирор бир ички аъзоларимизда ўрнашиб олади. Бунинг чораси шаҳар кўчаларини покиза сақлаб, ҳавосини тоза тутиш керак. Фаранг ва Русиядаги кенг ва озода кўчаларни кўриб, хайрон қолиб лабингизни тишларсиз, уларнинг ҳеч бири кўз бўямачилик учун эмас, балки ҳукумталари бунинг учун тўғри, зарур қонун тайинлаганлар. Бахтга қарши бизнинг кўчаларимиз ифлослиги бизда

<sup>123</sup> А.Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси. Шарқ юлдузи журнали, 8 сон, 1991. –Б. 8.

<sup>124</sup> А.Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси. Шарқ юлдузи журнали, 8 сон, 1991. –Б. 8.

шунда нафрат уйғотадики, тасвирда ожизмиз. Ваҳолангки, шаҳарларнинг тоза ва озодалиги ҳар бир миллат ҳаёти учун муҳимдир.<sup>125</sup>

Фитратнинг кенг дунёқараши, эл юрти учун куйиниши, ўз халқи, юрти ўта чуқур идрок қила олганлигидан далолатдир. Бундай фикрлар Шарқда деҳқончилик суний суғоришга боғлиқ бўлгани ва у экологик тарбиянинг асоси, маданият таянчи эканлигини кўришимиз мумкин. Фитратнинг экологик тарбияни яратиб қолдирган таълимотларини ўқиш, шу орқали билимларимизни бойитиб бориш унинг таълим тарбияга доир айниқса экологик тарбияга оид қарашларини имкон қадар ўзлаштириш ҳамда келгуси авлодларга етказиш долзарб вазифалардан биридир.

Биз бугунги кунда табиатни муҳофаза этиш ҳақида қайғуриб гапирмоқдамиз, ер ости бойликларидан унумли тежаб тергаб фойдаланиш зарурлигини таъкидлаяпмиз ҳамда экологияни муҳофаза қилишга доир бир қатор қарорлар имзоламоқдамиз. Фитрат ўзининг “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асарида табиатни асрашга оид долзарб ғояни ўзининг жамиятни зиёлиси сифатида ўша пайтдаёқ кўтарган эди. Асарда “Бу табиий бойликлардан яъни Моварауннаҳр ер ости бойликларидан фабрика ва машиналар ёрдамида, тоза ва озода ҳолда фойдаланиш лозим”<sup>126</sup>деб фикр юритилади.

Марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар ҳар қандай шароитда ҳам тежамкорлик маданиятига амал қилади. Халқ орасида бу маданиятни қисқача, “увол” деб номлайдилар. Сув, тупроқ, ўсимликлардан бесамар, ҳаддан ташқари фойдаланиш, ахлоққа зид ҳаракатлар, яъни инсоннинг ҳаддан ортиқ еб-ичиши, табиат воситаларидан бойлик тўплаш йўлида беаёв фойдаланиши, ўт-ўланларни пайҳон қилиши – буларнинг ҳаммаси увол ҳисобланади. Шунинг учун ўз вақтида Абдурауф Фитрат барчани огоҳликка чақириб шундай ёзган эди: “Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўқки, нобуд бўлади. Агар олам тарихига назар солсангиз, дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиш сабабларидан бири шу исрофгарчиликдир.”<sup>127</sup>

<sup>125</sup> Абдурауф Фитрат . Танланган асарлар: 5 жилд. – Тошкент: Маънавият, 2010. –Б. 167.

<sup>126</sup> Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси. Шарқ юлдузи журнали, 8 сон, 1991 йил –Б. 10.

<sup>127</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар: 5 жилд. – Тошкент: Маънавият, 2010. –Б. 136.

Ҳозирда жуда кам ишлатилаётган бу тушунча яъни, увол қилмаслик, ҳаддан ошмаслик, тежамкор бўлиш, баъзилар ўйлаганчалик хасислик белгиси эмас, балки, юксак даражадаги маънавий маданият намунасидир.

Ўзбеклар сувни ифлос қилиш, айниқса унга ножўя нарсаларни тўкишни катта гуноҳ ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, ичимлик суви катта муаммолардан бири бўлиб турганда мана шу каби қадимий удумларимизни, тажрибаларимизни, табиат билан мулоқот маданиятимизни тикласак муайян ютуқларни қўлга киритишимиз мумкин.<sup>128</sup>

Фитрат ўз асарларида қудуқ сувини озода сақлаш, сув ва тупроқ микроблардан озода сақланиш, шаҳар қўчаларини озодалиги орқали инсонлар саломатлигини сақлашга оид фикрларини кўришимиз мумкин. Алломанинг илмий рисоаларида қуйидаги фикрлар учрайди. “Шаҳар ичкарасидаги ариқлар, хусусан, бизнинг шаҳардаги ариқлар халажойларнинг тагидан ўтади, қудуқ ва ховузлар очиқ туради, қўллар суви назорат қилинмайди ва жойлар албатта турли микробларнинг қони бешиги ҳисобланади. Агар қудуқни тоза жойда қаздириб, покиза сақлаб, устини доим ёпиб қўйилса, шубҳаланмай сувини ичса бўлади. Тиб фани қондаси безгак ва Бухоро риштасига сабаб Бухоронинг суви эканлигини шак шубҳасиз тасдиқлайди. Зарарли микроблар сувдан одамга бир неча хил тарзда ўтадилар. Аввало, сувни ичиш орқали ўтади. Биз Туркистонликларнинг халажойларнинг ёнидан сувни ховузларда тўплаб, унинг бир тарафида юз, қўл, оёқ ювиб, бурун қоқиб, иккинчи тарафдан эса, завқ билан чанқоғимизни қондираимиз.”<sup>129</sup>

Табиатни эъзозлаш, заминни улуғлаш ўтмиш даврлардан, аждодлардан-авлодларга, ўтиб ҳозиргача давом этиб келаётган шарқона ўзбекона хикматлар, тузуклар, таълимотлар, фалсафий қарашлар, миллий қадриятлар, миллий удум ва анъаналарда ўз аксини топган. Ўзбек халқлари тарихида муҳим босқични шакллантирган жадиждларнинг экологик

<sup>128</sup>З.Ш.Яздонов Ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденциялари/ фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати Самарқанд – 2019. –Б. 16.

<sup>129</sup>Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар: 5 жилд. – Тошкент: Маънавият, 2010. –Б. 168.

маданиятга оид қарашларини ўрганиш орқали табиат ва инсон ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро алоқадорлик ва бирлик моҳиятини, атроф муҳитга муносабатни, табиат муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлашимиз ҳамда бундай омилларни экологик маданият ва экологик онгни шакллантириш орқали бартараф этишга эришимиз мумкин.

Экологик таълим тарбия масалаларида халқимизнинг атоқли фарзанди Абдулла Авлонийнинг она табиатга нисбатан ўсиб келаётган ёш авлодда оқилона муносабатни шакллантириш зарурати ҳақидаги қарашлари ҳозир ҳам ўз аҳамияти йўқотмаган. Абдулла Авлоний ўзининг 1904 йилда усули жаҳид мактабини очади. Ушбу мактабда эса 6 ойда ўқиш-ёзиш, география, ҳисоб, табиатни ўргатиш йўлга қўйилган<sup>130</sup>. Авлоний ўз мактабида ёшларга табиатга оқилона муносабатни шакллантириш муаммосни ҳам назардан қочирмаган. Лекин, жоҳилларнинг Авлонийнинг прогрессив қарашларини тушуна олишмаган ортидан унинг мактабини 1908 йилда ёптиришди. Ушбу мактабнинг ёпилиш сабабларини мутафаккирнинг ўзи шундай хотирлаган эди: “Мактабимда ер, одамлар, тоғ-тошлар, дарё, осмон ҳақида суҳбатлар ўтказмоққа ҳаракат қилганимни Миробод жоҳил кишилари билишиб, мени кофир бўлдинг деб, мактабимни ёпдилар...”<sup>131</sup>. Бу фикрлардан англаш мумкинки, мактабнинг ёпилиши Авлонийнинг табиатшунослик масалаларига ёшларнинг эътиборини кўпроқ жалб қилганлиги билан изоҳланади.

Абдулла Авлоний ватанпарварлик, ватан туйғуси ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам инсонларнинг бирор жойга муқим жойлашиб, унга муҳаббат ҳиссини туйиши, ватанининг иқлими, табиати қандай бўлса уни бутун борлиғи билан севишини содда, лекин чуқур фалсафий мазмун билан ёритиб беради: “Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимўлар Шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа

<sup>130</sup>Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006. –Б.6

<sup>131</sup> Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар, ифодаи махсуса. 1-жуз,1-табъ, Ильин литогр, 1909, -Б, 1-3.

ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, ҳижрат қилурлар эди.”<sup>132</sup> Ушбу фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шу боис бугунги кунда ҳар бир фуқарода халқимизнинг табиатга бўлган эҳтиром ва меҳр-мурувватни тиклаш ишини йўлга қўйиш; сувга, ерга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига меҳр ва шафқатни ҳар бир ёш фуқародашакллантириш, табиат ва инсонлар эҳтиёжи асосида пайдо бўлган Наврўз, Меҳржон каби байрамларини юқори савияга кўтариш, Сув сайли ва Сада байрамларини замонавий тарзда тиклаш ишларини олиб бориш; Гул байрами ва қушлар байрамини мунтазам, юксак замонавий савияда ўтказишни ташкил этиш; деҳқонларнинг соҳа байрамларини миллий анъаналар асосида, мукаммал дастур билан мунтазам ўтказишни йўлга қўйиш; мактабларда экологиядан сабоқ бериш ва бу дарсларда халқимизнинг табиат билан боғлиқ қадимий маданий тадбирлари, анъаналарини чуқур ўргатиш; табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, давлат кўмиталари ва экологияга оид барча ташкилотлар бевосита фуқаролар билан амалий иш олиб бориши; табиатнинг тўрт муқаддас унсури – ер, сув, нур ва ҳаво доим инсон эъзозида бўлишига эришиш зарур.

Шунингдек, Абдулла Авлонийнинг ҳар бир миллат ўз тараққиётини таъминлаши учун ўз ватанининг табиий имкониятларидан илм-фан ютуқлари асосида фойдалана олиши муҳим аҳамиятга эга эканлигига ҳам алоҳида диққат қаратиб шундай ёзади: “Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар. Ёврополиклар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни кетуриб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар!”<sup>133</sup> Ушбу фикрларнинг бугунги кундаги аҳамиятини табиатни ўзлаштириш ва ундан эҳтиётсиз, нораціонал фойдаланиш жараёнида кўриш мумкин. Мисол учун, эски тузум даврида пахта далаларининг кенгайиши, ерларнинг ўзлаштиришнинг кенгайиб бориши ва табиатга ва табиий муҳитга чексиз

<sup>132</sup> Авлоний А. Танланган асарлар.2-жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006. –Б.36

<sup>133</sup> Авлоний А. Танланган асарлар.2-жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006. –Б.36

аралашини ҳам минтақадаги сув ва ҳаво мувозанатининг бузилишига сабаб бўлди.

Абдулла Авлониининг лирик меросида ҳам табиатга муҳаббат масаласи ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, мутафаккирининг “Баҳор”, “Ёз”, “Куз”, “Қиш”, “Гулистондан бир нарса”, “Баҳор келди” каби шеърларида ватан табиати, ундаги фаслларнинг жозибадорлиги жуда юксак поэтик маҳорат билан тасвирлаб берилган. Шунингдек, Авлониий “Иккинчи муаллим” китобини “Йилнинг фасллари”, “Ёз фасли”, “Куз фасли”, “Қиш фасли”, “Баҳор фасли” кичик бўлимларида йил фаслларининг ўзига хос хусусиятларини болалар учун содда тилди баён этади.<sup>134</sup>

Абдулла Авлониий экологик ҳолатнинг инсон ва ҳайвонот олами генофони учун муҳимлиги ҳақида ҳам ўзининг қисқа, лекин лўнда мулоҳазаларини баён этган. У шундай таъкидлайди: “Ифлослик балосидан поклик давоси ило қутулмоқ керак. Балиқнинг ҳаёти сув ила ўлдиғи каби, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладир.”<sup>135</sup> Ушбу фикрлар ҳам бугунги кун учун ғоятда долзарбдир.

Экологик тарбия ва табиатни асраб-авайлаш тўғрисидаги жадидчилик ғоялари фақат жадид матбуотидагина намоён бўлмади, балки улар томонидан яратилган барча асарларни қамраб олди: шеърятда, насрий асарларда, драматик асарларда янги бошланаётган даврни характерловчи, эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни акс эттирувчи адабиёт намуналари пайдо бўлди. Уларда экологик тарбия билан боғлиқ шахсий гигиена қоидалари, исломий поклик ва тозаллик амаллари, табиатни асраш йўллари ва бошқалар баён қилинади. Жадидлар булар билан кифояланмай, педагогик асарларида ҳам она Туркистон ва унда яшовчи халқлар тарихи, миллатни миллат қилиб турувчи омиллар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ахлоқ, тарбия турлари ҳақида маълумот беришни лозим деб топдилар. Жумладан, Абдулла Авлониий асосий эътиборни бошланғич синфларга қаратиб, дастлабки сабоқлар

<sup>134</sup> Авлониий А. Танланган асарлар.2-жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. –Б.24-25

<sup>135</sup>Авлониий А. Танланган асарлар.2-жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. –Б.24-25

беришга мўлжалланган “Биринчи муаллим”, унинг узвий давоми бўлган “Иккинчи муаллим” дарсликларини яратди. Унинг педагогикага доир асарлари ичида “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китоби асримиз бошларидаги экологик фикрлар тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Муҳими, уларда барчамиз учун азизу мукаррам бўлган муқаддас тупроқ, ер ва сув, табиий бойликлар ҳақида ҳам фикр юритилиб, она Ватан тушунчасининг нақадар кенг маъно-мазмунини ифодалаши, уларни асраб-авайлаш зарурати изоҳланади.

Кундалик ҳаётимизда кўпинча локал экологик муаммоларнинг юзага келишига экологик норма ва меъёрларнинг кўпол равишда бузилаётгани, экологик маданият даражасининг пастлиги сабаб бўлмоқда. Меъёрнинг табиий борликда намоён бўлиши, ғоятда хилма-хил, ўзига хос ва ниҳоятда мураккабдир. Табиат борлиғида хукмрон бўлган меъёрни англаш жуда қийин. Ҳаётда бу меъёрларга амал қилинмаса, ҳар хил буҳронлар, табиий офатларнинг хилма-хил кўринишлари рўй бераверади.<sup>136</sup> Оламдаги барча мавжудотларнинг соғломлиги, барқарор тараққий этишида ҳаво, сув, тупроқнинг мусоффолиги муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз миқёсида ҳар учала табиат ҳодисасига хос локал экологик муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, статистик маълумотлардан мамлакатимиз фуқароларининг атроф-муҳитга ўтказаетган босимининг салбий натижаларини сезиш, англаш қийин эмас. Шундай экан, жадид мутафаккири, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ўзининг ижтимоий-фалсафий, педагогик қарашларида ўз аксини топган ёш авлоднинг табиатшунослик борасидаги билимларини ошириш, уларнинг табиат қонуниятларига монанд фаолият олиб бориш, табиат-жамият-инсон муносабатларини теран англаш, жамиятнинг экологик онги ва маданиятни юксалтириш муҳим вазифа эканлиги борасидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

---

<sup>136</sup>Саломова.Х.Ю.Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти.-Бухоро:“Дурдона”2018. –Б.150.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маърифатпарварларнинг аксари қисми ўтган аср бошларида содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ўзгаришларни диққат билан кузатиб бориб, барча туркий халқлар учун муштарак бўлган муаммоларга ҳам эътибор қаратдилар. Тил ва ёзув, мактаб ва ўқиш-ўқитишни ислоҳ қилиш, тарихни ўрганиш, оила ва никоҳ, миллий кадриятларни ўрганиш ва асраб-авайлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ниҳоят табиатга онгли муносабат кабилар жадиждларни ўйлантирган асосий масалалар эди. Бу масалаларни тадқиқ этувчи мақолаларни кўздан кечирилганда, жадиждларнинг жаҳондаги тараққий топган мамлакатларнинг тажрибаларидан хабардорлигини, айрим ўринларда характерли мисоллар келтириб, ўз фикрларини далиллашга интиланликларини кузатиш мумкин.<sup>137</sup> Шунингдек, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва шахсий гигиенага риоя қилиш тўғрисидаги публицистик мақолалари ҳам ўша давр экологик тарбия тизими учун аҳамиятли эди. Жадид мутафаккирлари тараққиёт йўлидан илдам кетаётган мамлакатлар тажрибаларини топиш, ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Ўзларига ҳамфикр, ҳаммаслақлар излашга Исмоилбек Гаспрали, унинг садоқатли шогирди Маҳмудхўжа Беҳбудий етакчилик қилдилар. Бинобарин “XX аср бошидаги Туркистон жадиждчилиги Русия ва хориждаги умумтурк ҳаракатчилиги билан жуда яқин, ҳатто ташкилий, амалий алоқада бўлган, дейишга асос бор.”<sup>138</sup> Умумтурк ҳаракатининг таъсирида ва хорижий давлатларнинг ривожланиш жараёнидан бохабар бўлган жадиждлар ижтимоий-сиёсий ва табиий-экологик қарашларига ҳам таъсир кўрсатади.

Хулоса қилганда, жадиждчилик олдинга сурган асосий ғоялар маърифатпарварлик ва миллий истиқлол бўлиб, улар бу ғояларни рўёбга чиқариш учун фидокорларча курашувчи инсонлар эканликларини амалда ҳам, илм-фанда ва маданий баҳсларда ҳам кўрсата олдилар. Улар яшаган даврда экологик маданият масалалари жиддий тус олмаган, табиат ва инсон

<sup>137</sup> Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. Тошкент: Маънавият. 2011, -Б. 143.

<sup>138</sup> Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. Тошкент: Маънавият. 2011, - Б. 149.



Ўртасидаги зиддиятлар кескинлашмаган, техникавий тараққиёт ижтимоий-глобал муаммоларни кун тартибига қўйиб улгурмаган эди. Бироқ жадид публицистикаси, адабиёти ва педагогикасида экологик тафаккурнинг XX аср бошларига хос ҳукм-хулосалари, яқин йилларда табиат билан инсон муносабатларда юзага келадиган муаммолар тўғрисида муайян кузатишлар мавжуд. Огоҳликка даъват каби жаранглаган бу мулоҳазалар кейинги тарихий тараққиёт босқичларида ўз ҳаётий тасдиғини топди.

### **3.2 §. Ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда жадидларнинг экомаданиятга доир қарашларидан тарихийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришда фойдаланиш истиқболлари**

Фалсафий тафаккур тараққиётида ғоялар ва таълимотлар ворисийлик занжири асосида сайқалланиб, замонга мослашиб, диалектик ўзгариб бораверади. Бу эса тарихийликдан замонавийликка ўзгаришда, муштараклашувда намоён бўлади. Жадид мутафаккирларининг экологик тарбия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатга оқилона муносабатни шакллантиришга оид қарашлари бугунги экомаданиятни, халқимизнинг экологик дунёқарашини ўстиришда муҳим омил ҳисобланади. Жадид мутафақкирлари таълимотларининг энг муҳим аҳамияти, экологик танглик сабабларини ва унинг оқибатларини жамиятдаги маърифатсизлик, маънавий қашшоқлик билан боғлаб кўрсатилишини ахлоқий детерминизмнинг тизимлашган шакли сифатида қараш мумкин.

Ижтимоий-экологик муаммолар ечимида замонавий инновацион ёндашувлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг табиатдан оқилона фойдаланиш анъаналарига асосланган этноэкологик ёндашувнинг аҳамияти ҳақида давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев шундай ёзади: “Халқимизнинг табиатга унинг бойликларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш борасида кўп асрлик анъаналарига суянган ҳолда биз ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга

эришамиз.”<sup>139</sup> Бундан ташқари, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича халқаро дастурида белгиланган 17 та “мақсад”лардан бири “Қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал (оқилона) бошқариш, чўллашишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш”вазифалари ечимига йўналтирилган.<sup>140</sup> Мазкур вазифалар ечими демографик юки оғир, табиатга кўрсатилаётган антропоген босим миқдори юқори бўлган минтакаларда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундай вазиятда илм-фан вакиллари, тадқиқотчи-олимларга ўз соҳаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашувлар ва ечимлар талаб қилинади. Фалсафа ҳам табиат ва жамият муносабатларини тадқиқ этувчи соҳа бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда экологик муаммоларнинг ечимини ишлаб чиқишда масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олмақда. Шу боис, тадқиқот ишларида ҳам фалсафа тарихи нуқати назаридан буюк мутафаккирларнинг, хусусан жадид мутафаккирларининг экологик маданият, таълим-тарбия ва табиатни асраб-авайлашга доир қарашларини тадқиқ ва таҳлил этиш, илғор ғояларини бугунги кунга тадбиқ этиш орқали маълум ечимларни ишлаб чиқиш вазифалари юзага келмоқда. Ушбу тадқиқот иши ҳам шу вазифаларни бартараф этишга қаратилган изланишлардан бири ҳаисобланади.

Жадидлар мусулмон олами билан жаҳон цивилизациясининг уйғун жиҳатларини теран илғай олдилар, турли даврларда ҳар хил динларга эътиқод қилувчилар бу ҳудудда тинч ва тотув яшаганликлари, конфессия ва этнослар мавжуд бўлганлигини, диний бағрикенгликнинг илдизлари узоқларга бориб тақалишини эътироф этдилар. Бунинг учун улар Европа ва Осиё тарихига мурожаат қилиб, узоқ тадрижий ривожланиш жараёнида маданиятларнинг ворислиги, ўзаро алоқадорлиги диний бағрикенглик

---

<sup>139</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Турманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 25 август, № 173 (7131).

<sup>140</sup> Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

тамойилининг қарор топишида асосий омил бўлган, деган хулосага келдилар. “Бутун тарих давомида, – деб ёзади файласуфлар, – маданий меросдан фойдаланиш ва уни ўзлаштириш жараёни икки хил аспектда содир бўлган. Ворисликнинг биринчи (“вертикал”) аспекти ўтмиш билан ҳозирги замоннинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Бошқа бир (“горизонтал”) аспекти эса бир даврда мавжуд бўлган маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнидаги ворислик кўринишидир”. Жадидалр ҳам ўзларининг ижтимоий-сиёсий ва экологик ғоялар орқали замонавий маданий ўзгаришларга таъсир кўрсатдилар.

Ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда жадидларнинг экологик маданиятга доир қарашлари муҳим аҳамият касб этганлигини уларнинг экологик таълим-тарбия ва атроф-муҳитни асраб авайлаш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш ҳақидаги фикрлардан ҳам билса бўлади. Бу борада Абдулла Авлоний ва Ҳожи Муинларнинг мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин. Ҳар қандай тарихий даврда миллий экологик ахлоқий нормаларнинг умуминсоний манфаатларга мос келиши, уларнинг гуманистик моҳиятидадир. Буни жадидчилик ҳаракати вакиллари тўғри тушунишган эди. Зеро, “ижтимоий-экологик инқирозлар амалий инсонпарварликни тақозо қилади. Ҳақиқий глобал онг ва умумжаҳон маданиятини... ахлоқ инвариантлари бирлаштириб туради. Янги экологик тафаккур зўронлик бўлмаган анъанавий инсонпарварлик билан уйғунлашиши зарур... Экологик гуманизм Шарқ ва Ғарб анъаналари кесишган жойда туради.”<sup>141</sup> Эндиликда бунинг мазмуни ғоят кенгайиб, фақатгина инсонларга ғамхўрлик эмас, балки бутун оламга ахлоқий муносабатлар устуворлашмоқда. “Ҳозирги замондаги экологик дунёқарашда ахлоқнинг навбатдаги инсонпарварлик босқичи намоён бўлмоқда, - деб ёзади, профессор Н.Н.Марфенин. Энди гап фақат замондошлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ҳақида эмас, балки шу билан бирга, келгуси авлодларнинг фаровон яшашлари учун ғамхўрлик, биз билан бирга яшаётган барча тирик мавжудодлар учун “умумий уй” бўлган биосферани

---

<sup>141</sup> Қаранг: Экологическая этика. [www.ronl.ru/puti\\_resheniya\\_ekologicheskikh\\_probleml/15847.htm](http://www.ronl.ru/puti_resheniya_ekologicheskikh_probleml/15847.htm)

сақлаш ҳақида бормоқда.”<sup>142</sup> Жади́длар келажак авлоднинг фаровон ҳаёти учун миллат дунёқрашини ўстириш лозимлигини, уларда интеллектуал, ахлоқий ва экологик маданиятни шакллантириш зарурлигини тушуниб етганлар ва бу йўлда фаол амалий ҳаракатларни йўлга қўйганлар. Шунинг учун ҳам жади́дчиликнинг моҳияти шахсни ва жамиятни ижтимоий организмнинг маънавий ва маданий ривожланишининг барча жиҳатларида ижодий ўзини-ўзи идрок этиш: диний мактабни модернизация қилиш, миллий адабиётни ривожлантириш, босма оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш, босиб чиқаришни технологик такомиллаштириш, ўқитиш тизимининг сифатини яхшилаш, ташқи кўринишини янгилаш демакдир. Жади́дчилик феномени саводхонлик, маърифат, назария ва амалиёт синкретизми, некбинлик, самарадорлик, инсонпарварлик, эркин фикрлаш, бағрикенглик каби элементлардан ташкил топгандир. Жади́дчилик ўзига хос ижтимоий-тарихий ҳодиса ҳамдир.

Жади́д мутафаккири Аҳмад Дониш миллий тараққиётга тўсиқ бўлаётган ҳолатларни ўзининг бадий мазмундаги танқидий қарашлари орқали қуйидагича тасвирлайди: “Подшоҳларнинг сақланишлари, уларнинг саломат туришлари, мамлакатнинг ободлиги, фуқаронинг тўқлиги сипоҳларнинг розилигига боғлиқдир. Сенинг гапингга қараганда, ерлар хароб, фуқаро оч, сипоҳлар муҳтож, амалдорлар, дафтардорлар золимдирлар. Бундай салтанат, бундай давлат ҳеч вақт узоқ яшай олмайди. Отаси яшаса ҳам болалари унинг ўрнига ўтира олмайдилар. Ҳукумат интизоми бутунлай бузилади... Бунга ўхшаш мамлакатни ҳукумат, давлат дейиш тўғри эмас, уни гадолар подшоҳи, ожизлар ҳукумати десалар, тўғри айтган бўладилар”.<sup>143</sup> Унинг фикрлари аҳамиятини бугунги кундаги ўзгаришлар ва маданий янгилинишлар даврида аниқ намоён бўлмоқда.

Яна бир жади́дчилик вакили Абдулла Авлоний ер юзида интизом бўлмаса, инсонлар бир дақиқа ҳам яшай олмаслигини таъкидлаш орқали

---

<sup>142</sup>Марфенин Н.Н. Гуманизм и экология. Журнал «Экология и жизнь» (избранные статьи). –С.6.  
<http://www.ecolife.ru/jornal/echo/2000-5-1.shtml>

<sup>143</sup> Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақоё. –Тошкент: Фан. 1964 йил. –Б. 274.

табиатга оқилона муносабатнинг нақадар муҳим эканлигига эътибор қаратади. “жаноби Ҳақ еру осмонларни, ой ва юлдузларни, инсон ва ҳайвонларни, қурт ва қушларни шундай бир низом ила тартиб бериб яратмушдурки, ақл билмакдан, қалам ёзмакдан, тил сўзламакдан ожиздир.”<sup>144</sup>

Абдулла Авлонийнинг табиатга оқилона муносабатни шакллантириш тўғрисидаги бундай қарашлари жадиждларнинг экологик маданиятни шакллантиришдаги ўрни ҳам беқиёс бўлганлигини англатади.

Бугунги кунда ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда минтақадан етишиб чиққан файласуф-олимларнинг, хусусан жадиждларнинг экомданиятга доир қарашларидан илмий-амалий фаолиятда фойдаланиш вазифалари заруратга айланмоқда. Чунки учинчи мингйилликда экологик муаммоларнинг кескинлашиб ва глобаллашиб кетиши билан экологик ахлоқ нормаларининг регулятив функциясини такомиллаштиришга эҳтиёж устуворлашмоқда. Бу эса, унга таълим-тарбия тизимида алоҳида эътибор беришни тақозо қилади. Бироқ, экологияга оид мавжуд дарсликларда экологиянинг маънавий-ахлоқий масалалари эътибордан четда қолган.<sup>145</sup> Шунинг учун ҳам жадижд мутафаккирларининг экологик ахлоқ ва табиатни асраб-авайлашга оид хулосаларидан унумли фойдаланиш ва замонавийлик билан уйғунлаштириш долзарблик касб этмоқда. Жамиятда экологик ахлоқий нормалар устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий қонунларни бажариш масъулиятини ҳам, сиёсий талаблар мажбурийлигини ҳам истисно қилмайди, балки тақозо этади. Экологик муносабатларда ахлоқ устуворлигини таъминлаш, маълум маънода, инсоннинг фаолият эркинлигини чегаралаш масалалари билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ахлоқнинг<sup>146</sup> бевосита регулятив функцияси доирасига киради. Жадиждлар ҳам жамиятни юксак ахлоқийлик мезонларини шакллантириш, маърифатли қилиш орқали барча муаммоларни бартараф этишни мақсад қилган эдилар.

<sup>144</sup>Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 –жилд. Тошкент: Маънавият. 2006. –Б. 52-53.

<sup>145</sup>Турсунов Х.Т., Раҳимова Т.У. Экология. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Chinog ENK экологик нашриёт компанияси. 2006. –Б. 56.

<sup>146</sup>Саманова Ш.Б. Экологик толерантликнинг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент: ЎзМУ, -Б. 13.

Жадидлар жамият аъзоларида экологик маданиятни ўстиришда, табиатга, атроф-муҳитга рационал муносабатни шакллантиришда, биринчи ўринда ахлоқий маданиятни юксалтириш зарурлигига эътибор қаратадилар. Инсоният тарихида ижтимоий онг шакллари умуминсоний экологик ахлоқ нормалари доирасида интеграциялаштирувчи усул-воситалар доимий такомиллашиб борган. Зеро, глобал даражада ижтимоий онг шакллари ва ахлоқнинг ягона экологик мақсад доирасида интеграциялашувидан умуминсоний манфаатдорлик бўлмаса, барқарор экологик тараққиёт ғоясини амалга ошириш мумкин эмас. Шунга кўра бу тизимни бошқаришда ҳар қандай ижтимоий онг шакли ўзига хос интегрatív функцияни бажаради. Буни тўғри англаб етган жадидлар жамиятда гўзал ахлоқий фазилатларни ва миллий хусусиятларни юксалтириш ва замонавийлик билан уйғунлаштиришга ҳаракаат қиладилар.

Жадидлар жамият қонунларига итоаткор бўлиш билан бирга табиат қонунларига ҳам бўйсунуш кераклигини, табиий мувозанатни бузмаслик зарурлигини илгари сурадилар. Бундай қарашни Абдулла Авлонийнинг ғояларида кўришимиз мумкин. Ёшларда экологик тарбияни шакллантириш жараёнида фақат қонунларни ўқитишнинг ўзи етарли эмас. Бунда жадидларнинг экологик маданият тўғрисидаги мулоҳазаларини тарғиб қилиш зарур.

Жадидларнинг фикрлашига кўра, экологик тарбия, бир томондан, унинг фақат табиатга муносабатини белгилаб қолмай, балки табиий атроф муҳитга мослашиш имкониятини ҳам яратади. Иккинчи томондан, ижтимоий гуруҳ ва шахсларнинг лаҳзалик фойдани мутлақлаштирувчи ва жамиятнинг яқин ҳамда олис манфаатларига зид корпоратив манфаатларга, корпоратив ахлоққа айланиб кетишидан сақловчи омил сифатида хизмат қилади.<sup>147</sup> Жамият “жамият-табиат” тизими қисми эканлигини ҳамда унинг муваффақияти ҳар бир шахс фаолиятига боғлиқлигини тушуниш<sup>148</sup> гуруҳий

<sup>147</sup>Чориев С. Экологик сиёсат ва шахс баркамоллиги. // Экологический вестник. 1999. -№ 1-2. -С.9.

<sup>148</sup>Сангинов С. К устойчивому развитию. // Экономический вестник. 1999. - № 1-2. -С.3-5.

манфаатларни қайта баҳолашга ва яхлит тизим манфаатларига бўйсундиришга мажбур этади. Экологик таълимнинг муҳимлиги ҳозирги замонавий дунёда ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслиги билан биргаликда кўплаб мамлакатларда таълим ва тарбия беришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Аҳолининг экологик маданиятини ва атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантиришга қаратилган ушбу фаолият – бутун инсоният келажаги хавфсизлигининг гаровидир.<sup>149</sup>

Замонавий олам шундай даврни бошидан ўтказяптики, ёшларда экологик маданиятни тарбиялаш таълим фаолиятининг долзарб йўналишларидан бирига айланди. Болаларда экологик билимлар қанчалик кичик ёшдан шаклланса, бундай таълим шунчалик катта самара беради. Шунинг учун ушбу жараёни илмий ташкил қилиш давлат томонидан кўллаб-қувватланиши зарур.

Маълумки, жадидчилик ҳаракати даврида экологик маданият тушунчаси бўлмасада, бу даврда экологик муаммолар глобал аҳамият касб этмаган бўлсада жадид мутафаккирлари атроф-муҳитни асраб авайлаш, шахсий озодалик гигиеник маданиятни шакллантиришда ижтимоий онгни юксалтириш зарурлигини англаб етганлар. Бугунги кунда барча ижтимоий онг даражалари ва маданият шакллариининг экологик манфаатлар доирасида интеграциялашуви жараёнларининг кучайиши кузатилмоқда. Бундай вазиятда экологик маданиятни ривожлантириш жараёнида ўзаро боғлиқ, лекин нисбатан мустақил икки йўналишни бир – биридан ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Биринчиси, экологик назарий билимлар мажмуаси асосида инсониятнинг табиатни ўзгартириш ва ўзлаштиришдан иборат амалий фаолиятни ташкил этувчи ишлаб чиқариш, техника, технология тараққиётини оқилона ташкил қилиш. Жадидлар ҳам техник-технологиядан оқилона фойдаланиш лозим, деган фикрда бўлганлар.

---

<sup>149</sup> Гаппоров Х. Экологик таълим – экологик барқарорлик омили <https://ekolog.uz/?p=668>.15.04.2019

Иккинчиси, тарихий экологик тажрибалар асосида экологик таълим – тарбия ижтимоий институтлари ёрдамида кишиларда экологик онг, тафаккур ва дунёқарашини ривожлантиришдир. Бу йўналишларни умуминсоний маънафатлар негизида уйғун тараққий эттириш, пировард натижада фаол экологик маданиятни шаклланишида ва уларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида катта роль ўйнайди.

Умуман, табиат ва жамият муносабатларини илмий тушуниш асосида таълим – тарбия тизимида тегишли восита ва усулларни замон талаблари даражасида такомиллаштириб, амалиётда қўллаш, экологик маданиятни ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Бунинг учун таълим — тарбиянинг барча йўналишларини, усулларини, воситаларини уйғун ривожлантириш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Жадидлар ислом фалсафаси нуқтаи назари асосида иш тутганлар. Мавзунинг ҳозирги тадқиқотчилари ёзганидек: “Ислом ва фан, ислом ва илғор тараққиёт - XIX аср иккинчи ярмида мусулмон мамлакатларидаги интеллектуал ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар ўтказиш йўлидаги изланишларнинг фалсафий асоси ҳисобланади”<sup>150</sup>. Шунинг учун ҳам жадидлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири исломни модернизациялаш, уни бидъатлардан тозалаш, фан ютуқлари ва илғор технологияларни эгаллашдан иборат эди.

Экологик маданият талабига кўра, инсон табиат қудратини куч билан эмас, балки мувозанатни бузмаган ҳолда мувофиқлаштириши керак. Экологик онг ва экологик билимлар тизими инсоннинг табиат билан ўзаро таъсири соҳасидаги билим ва эътиқодни ўзида мужассам этиб, инсонлар ўзларининг ҳозирги ва келгусидаги биосфера билан қанчалик узвий боғланганини, табиатни муҳофаза этиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва ҳар бир инсонда атроф – муҳит ҳолати учун масъуллик

---

<sup>150</sup> Прилуцкий Е.А. Запад и Восток в философских и теоретических концепциях джадидов // Жадидчилик: ислоқот, янгиликлар, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент: 1999. –Б. 58.



ҳиссини тарбиялаш, ҳайвонот ва наботат оламини асраш объектив зарурат эканини тушуниб этишларининг муҳим шарти ҳисобланади.

Экологик тарбиянинг муҳим шакли ўқувчиларнинг ўз ҳудудларини ободонлаштириш, кўчат – дарахтлар экиш ва уларни ўз вақтида парвариш қилиш, қушлар ва ҳайвонлар учун уя ва ин қуриш, булоқ, кўл ва ариқларни ахлат ва чиқиндилардан тозалаш, туман ҳудудига яқин жойлашган қишлоқ ёки шаҳар атрофидаги оромгоҳларда ободонлаштириш йўллариини ўтказиш ва бошқа амалий ишларидир. Бундай ишлар натижасида ёшларда назарий олинган билимлар мустақамланиши билан бирга табиат билан боғлиқ зарурий экологик, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик қарашлар шаклланади. Ўқувчилар инсоннинг табиатдаги ўрнини, она шаҳри ёки қишлоғи учун табиат муҳофазаси борасидаги фаолиятининг аҳамиятини, ер ва ҳаво, кўл, дарёларни тоза сақлаш масалаларини ҳал этишда фаол ҳаётий нуқтаи назарнинг долзарб эканини тушуниб етадилар. Айнан ёшларнинг табиатни муҳофаза этиш борасида мақсадга йўналтирилган амалий фаолияти индивидуал экологик онгнинг шаклланишида зарурий шарт ҳисобланади.

Миллий маънавиятимизнинг серқирра ва теран илдизларига таянган ҳолда мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқишда экологик мафкура, таълим ва тарбия тизимини яратиш алоҳида ўрин тутаяди.

Экологик онгни, маданиятни шакллантиришда назарий экологик билимларни бериш билан бир қаторда, маданий-маърифий ишларнинг барча самарали шакллари ва услубларидан, жумладан: оммавий ахборот воситаларидан, оғзаки, кўргазмали ва техника воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки экологик тарғибот аҳолининг муайян тоифалари онгига таъсир этиб қолмай, балки боғча ёшидаги боладан тортиб, аҳолининг барча қатламларини қамраб олиши, ҳаммага тушунарли, кўргазмали ва ошқора бўлиши лозим. Табиат, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ресурслар ҳақида хабарлар бериш билан ёш авлод онгида табиатга нисбатан эъзоз уйғотиб, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш борасида экологик таълим — тарбия бешиги ролини ўташи лозим.

Инсониятни кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва сайёрамизда камайиб кетаётган имкониятлари ўртасидаги мувозанатни барқарорлигини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш учун ҳар биримиз экологик билимларга эга бўлмоғимиз зарур.

Туркистонни тараққиёт йўлига олиб чиқиш борасида жадидлар иқтисодни ривожлантиришга асосий эътибор қаратдилар, шу билан бирга, улар миллий матбуот ва халқ таълимини юксалтиришни бундан ҳам юқори ўринга қўйдилар. Улардан бири ёзгани каби “миллий матбуоти бўлмаган халқнинг ўзи ҳам бўлмайди.”<sup>151</sup> Тараққиётга тўсиқ бўлаётган сабаблар қаторига жадидлар туркистонликларнинг кундалик турмушида кенг тарқалган, аслида эса мусулмончилик қонун-қоидаларига ёт, одамларнинг шундоқ ҳам енгил бўлмаган ҳаётини баттар оғирлаштирадиган кераксиз ва зарарли анъаналар (ортиқча расм-русумлар, дабдабали тўй ва дафн маросимлари)ни ҳам киритадилар. Бу эса, атроф-муҳитни ифлослаш, табиатни нобуд қилиш орқали экологик инқирозни тезлаштиришини таъкидлаганлар.

Сайёрамиз келажаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятига боғлиқ. Ёшлар билан экологик таълим-тарбия жараёнини мақсадли ташкил этиш, экология соҳасида илғор инновацион технологияларни жорий қилишни янада такомиллаштириш, ёшларни табиатни севиш ва уни асрашга қаратилган билим ва кўникмаларини ошириш давр талабига айланди. Мазкур хайрли ишларни амалга оширишда кенг жамоатчиликнинг роли беқиёслигини барчамиз унутмаслигимиз лозим.

Экологик тарбия жараёни ёшларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантириш, унинг атроф-теварак, жамият, одамлар ҳамда ўзига нисбатан муносабатлари тизимини кенгайтишига қаратилган.

Маълумки, экологик маданиятни шакллантириш жараёни тарихий хусусиятга эга бўлиб, тарихий ёдгорликлардан бўлган “Авесто” асарида табиатга бўлган муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Унда

---

<sup>151</sup> Ризобадли Т.Идорага мактублар // «Садои Туркистон», 1915 йил, 64-сон, -Б. 4.

инсонларни ростгўйликка, адолатпарварликка ундовчи; шаҳар ва кишлоқларни ободонлаштириш, яйловларни кенгайтириш ғоялари; инсонларни маданий турмуш тарзини яхшилашга ундовчи ғояларнинг мавжудлиги аҳамиятлидир. Ушбу ғоялар ҳозирги жамиятимиздаги етакчи ғояларга мос келади. Йилдан йилга шаҳар-кишлоқларимиз обод бўлиб, чирой очмоқда. Бу натижалар фуқароларимизнинг экологик маданияти юксалганлигидан далолат беради. Ўз табиатига кўра, тарбия жараёни кўп омилли характерга эга. Яъни, талабаларда экологик маданиятнинг қарор топиши оила, таълим муассасаси, жамоатчилик, ижтимоий муҳит, шунингдек, вазиятларнинг хилма-хиллиги, бевосита ва билвосита таъсирлар остида рўй беради.<sup>152</sup>

Дунёда шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онг ва маданиятнинг ролини ошириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда санъат асарлари ва бадиий маданиятнинг устуворлигини таъминлаш; шахсни табиатга экологик-эстетик муносабатини шакллантириш орқали соғлом турмуш тарзи ва табиат туризмини ривожлантириш; турли тарихий даврларда яратилган экоэстетик қадриятлар, табиатга эстетик муносабатни ифодаланиш усуллари ва йўналишларини ишлаб чиқиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида институционал ўзгаришлар асосида шахс экоэстетик муносабати барқарорлигини таъминлаш.

Шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онг ривожланиш босқичлари ўртасидаги ворисийлик ва алоқадорлик, унинг санъат асарлари бадиий образларида ифодаланиш хусусиятлари табиатни муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик, “табиат-жамият-инсон” тизими элементлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб бориши билан экологик онг ва маданият бошқа ижтимоий онг

---

<sup>152</sup> Азимова С.Т. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим хусусиятлари. Замонавий таълим / современное образование 2014, 11. –Б. 35.

шаклларини интеграциялаштирувчи омилга айланган. Шу жумладан, табиатга эстетик муносабатда экологик мақсад устуворлашиб, унинг функционал йўналишини белгилаб беришини объектив жараён сифатида эътироф этиш керак. Зеро, табиатга эстетик муносабатни ривожлантиришда экологик онг даражаларининг функционал роли кучайиб ва аҳамиятининг ошиб бориши инсоният эҳтиёжларидан келиб чиқади ҳамда цивилизация келажаги манфаатларига мосдир.

Ҳар қандай тарихий даврда инсониятнинг экологик дунёқараши табиатга эстетик муносабатни шакллантириши билан муҳим ижтимоий функцияни бажариб келган. Лекин, бир томондан, тоталитар коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида табиатни санъат асарларида бадий ифодалаш ҳам муайян сиёсий мақсадларга бўйсундирилган ёки унинг талқинида мавжуд тизимга ошкора маддоҳлик бўлса ҳам, иккинчи томондан, табиат ҳақида яратилган санъат асарларида Она-заминга инсоний муносабат “чақириғи” баралла кўриниб ва эшитилиб турар эди. Бу эса, шахснинг санъатдаги “табиат борлиғига” эстетик муносабати характери билгилайдиган интеллектуал салоҳиятига ва уни баҳолаш мезонларига боғлиқдир. Зеро, шахснинг комиллиги ва маданияти унинг табиий муҳитга бўлган муносабати билан белгиланади.

Мустамлакачилик сиёсатида кўра Туркистондаги деҳқонлар ихтиёридаги ҳосилдор ерларни тортиб олиб, уларни рус муҳожирларига бериш большевистик мустамлака сиёсатида муҳим ўрин тутган. Шу ўринда жадид Вадуд Маҳмуднинг фикрлари эътиборга моликдир. У рус мужикларни кўчириб келтириш сабаблари ва оқибатлари тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: “Ўрис жаҳонгирлиги вақтида Туркистон генерал-губернаторлиги ёнида кўчириш маҳкамаси (переселоческое управление) деган идора бўлар эдиким, унинг бу вазифаси Туркистоннинг доим руслар қўлида қолишини таъмин этмак эди. Шу мақсад биландирким, Туркистоннинг ҳар шаҳрида, энг маҳсулдор ерларида ўрис қишлоқлари қурилди”.<sup>153</sup> Биз Туркистонликларга,

---

<sup>153</sup> Вадуд Маҳмуд. Мустамлакачилик ўз йўлида. //Зарафшон газетаси. 1924. 3 сентябр. Маҳмуд Вадуд.

деб ёзади Бехбудий, - икки синф кишилари лозумдирким ва бу икки синф кишиларисиз бизни диний ва дунёвий илмларимиз, миллат ва қавмиятимиз, маиший эҳтиёжимиз хароб бўлиб, кундан-кун бегона миллатларнинг забуни ва маҳкуми бўлурмиз...” - дейди. Махмудхўжа Бехбудий мустақилликнинг курашсиз қўлга киритилмаслигига имони комил бўлса-да, лекин у мустамлакачиларга қарши қон тўкишларсиз кураш тарафдори эди.

Жадидчилик ва экологик маданият тўғрисидаги мазкур мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкин:

- жадид намояндалари техникавий тараққиёт аста секин кучайиб бораётган XX аср бошларида ижтимоий онг турлари билан ёнма-ён экологик онг ривожига ҳам жиддий эътибор бердилар.

- гарчи у пайтда экологик маданият тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқмаган, жадидларнинг ўзи эса экологик онг ва маданият тўғрисида махсус асарлар яратмаган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг публицистикаси, илмий ва бадиий асарларида табиат билан ўзаро муносабатлар ҳамда уларнинг ижтимоий аҳамиятига доир муҳим кузатиш ва хулосалар кўплаб учрайди. Бундан келиб чиқадики, жадид намояндалари қолдирган улкан маънавий меросда экологик маданият ривожига таълуқли бўлган таҳлиллар, нозик муносабат ва кузатишларни маданият тарихи йўналишида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

### **III боб бўйича хулосалар**

1. Экологик маданият замирида экологик таълим ётади. Шу боис ҳам жадидларнинг таълим-тарбияни ислоҳ қилиш тўғрисидаги ғоялари ва ҳаракатларида миллатнинг ижтимоий онгини ошириш, хусусан экологик дунёқарашини ҳам шакллантириш масаллалари ётган. Бу орқали жадидлар юртнинг экологик ҳолати, атроф-муҳитнинг табиий ривожланиши, тупроқ,

сув ва хаво мусаффолигини сақлаб қолишга ҳам алоҳида ҳаракат қилганликлари манбаалардан маълум бўлади.

2. Жадинчилик ҳаракати даврида экологик маданият масалалари жиддий тус олмаган, табиат ва инсон ўртасидаги зиддиятлар кескинлашмаган, техникавий тараққиёт ижтимоий-глобал муаммоларни кун тартибига қўйиб улгурмаган эди. Бироқ жадин публицистикаси, адабиёти ва педагогикасида экологик тафаккурнинг XX аср бошларига хос ҳукм-хулосалари, яқин йилларда табиат билан муносабатларда юзага келадиган муаммолар тўғрисида муайян кузатишлар мавжуд. Огоҳликка даъват каби жаранглаган бу мулоҳазалар кейинги тарихий тараққиёт босқичларида ўз ҳаётий тасдиғини топди.

3. Ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда жадинларнинг экологик маданиятга доир қарашлари муҳим аҳамият касб этганлигини уларнинг экологик таълим-тарбия ва атроф-муҳитни асраб авайлаш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш ҳақидаги фикрлардан ҳам билса бўлади. Жадин мутафаккири Абдулла Авлоний ер юзида интизом бўлмаса, инсонлар бир дақиқа ҳам яшай олмаслигини таъкидлаш орқали табиатга оқилона муносабатнинг нақадар муҳим эканлигига эътибор қаратади.

4. Жадин намояндалари техникавий тараққиёт аста секин кучайиб бораётган XX аср бошларида ижтимоий онг турлари билан ёнма-ён экологик онг ривожига ҳам жиддий эътибор берганлиги хулоса қилинди.

## ХУЛОСА

“Жадид мутафаккирларининг экологик маданиятга доир қарашлари: тарихий-фалсафий таҳлил” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот иши асосида экологик маданият табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, атроф-муҳитга нисбатан фаолиятнинг юксак кўрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашув эканлиги хулоса қилинди. Экологик маданият табиатни муҳофаза этиш маданияти, табиат бойликларидан фойдаланиш маданияти, экологик тизимни ўзгартириш маданиятини ўз ичига қамраб олади.

2. Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми саналади. Ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни экологик маданиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш, уларнинг ижодий қобилиятларининг тараққий этишига катта таъсир кўрсатади.

3. Жадидчилик ҳаракати туб аҳолининг миллий онгида мустақиллик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, озодлик, тенглик, адолат каби ғоялар билан бирга ахлоқий-экологик маданиятни шакллантиришга доир қарашлари билан кучли таъсир кўрсатди.

4. Жадидлар фалсафасида бевосита экологик маданиятнинг умумназарий масалалари камроқ учраса-да, атроф-муҳитни асраб авайлаш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, шахсий гигиенага риоя қилиш каби масалалар атрофлича тадқиқ этилган ва таҳлил қилинган. Жадидлар фалсафий дунёқараши, жамиятнинг турли бўғинларида ислохотлар олиб бориш орқали халқни бир ғоя атрофида бирлаштиришга йўналтирилган эди.

5. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий қарашлари кўпроқ матбуотда ёритилган. Жадидчилик ҳаракати ва унинг етук вакиллари томонидан атроф-муҳит, табиатга оқилона муносабатни шакллантириш, табиатни асрашга доир

карашлари, миллий табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, авайлаб-асраш масалалари жаид матбуотида ёритиб берилган.

6. Инсон саломатлиги тиббий маданиятнинг жамиятда қандай мавқега эгаллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу масала айти пайтда экологик маданият билан ҳам узвий алоқадорликда юзага келади. Ер, сув тозаллиги, ҳаво мусаффолиги атроф-муҳитнинг қай даражада яшаш учун яроқлилигини белгиловчи муҳим омиллардир. Бу жиҳатдан, жаидлар ўзлари яшаган даврнинг тиббий билимлар соҳасини ҳам ўзгача руҳ ва курашчанлик билан ислоҳ этишга интиллигани намоён бўлади.

7. Экологик маданият замирида экологик таълим ётади. Шу боис ҳам жаидларнинг таълим-тарбияни ислоҳ қилиш тўғрисидаги ғоялари ва ҳаракатларида миллатнинг ижтимоий онгини ошириш, хусусан экологик дунёқарашини ҳам шакллантириш масалалари ётган. Бу орқали жаидлар юртнинг экологик ҳолати, атроф-муҳитнинг табиий ривожланиши, тупроқ, сув ва ҳаво мусаффолигини сақлаб қолишга ҳам алоҳида ҳаракат қилганликлари манбаалардан маълум бўлади.

8. Жаидчилик ҳаракати даврида экологик маданият масалалари жиддий тус олмаган, табиат ва инсон ўртасидаги зиддиятлар кескинлашмаган, техникавий тараққиёт ижтимоий-глобал муаммоларни кун тартибига қўйиб улгурмаган эди. Бироқ жаид публицистикаси, адабиёти ва педагогикасида экологик тафаккурнинг XX аср бошларига ҳос ҳукм-хулосалари, яқин йилларда табиат билан муносабатларда юзага келадиган муаммолар тўғрисида муайян кузатишлар мавжуд. Огоҳликка даъват каби жаранглаган бу мулоҳазалар кейинги тарихий тараққиёт босқичларида ўз ҳаётий тасдиғини топди.

Юқоридаги диссертация хулосаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Жаид мутафаккирларининг экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга оид ғоялари акс ётган ўқув адабиётларни, услубий қўлланмаларни нашр этиш қўламини кенгайтириш лозим.



2. Жадинларнинг экологик маданиятга доир атроф–муҳитни асраб авайлаш, табиатга рационал муносабатда бўлиш, шахсий гигиенага риоя қилиш ва исломий покизаликка оид ғояларини умумий ўрта таълимнинг мактаб дастурларига киритиш лозим.

3. Жадин маърифатпарварларининг асарларида ифодаланган экологик маданиятга, табиатни асраш тўғрисидаги ғояларидан хужжатли кино фильмлар олиш

4. Олий таълим тизимида жадин мутафаккирларининг экология ва экологик маданиятга оид ғояларини ва қарашларини тизимлаштирилган ҳолда алоҳида ўқув адабиётларини яратиш.

5. Ўзбек ва жаҳон халқлари экологик маданияти тарихи вақадриятларини акс эттирувчи экологик галереяларни ташкил этиш, буклетлар тайёрлаш, шунингдек, таълим тизимининг барча бўғинларида “жонлибурчак”лар фаолиятини янада такомиллаштириш орқали экологик маданиятни юксалтиришга эришиш.

6. Биохилма–хилликни асраб –авайлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Экологик партияси билан ҳамкорликда “Бокира табиат” номли ижтимоий лойиҳани мунтазам амалга ошириш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик бўлган нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Адолат, 2018.
2. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида “ги Қарори. // Халқ сўзи. 2017 йил 28 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори // Халқ сўзи. 2017 йил 16 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 3956 сон 2018 йил 3 октябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4306-сонли Қарори. // Халқ сўзи. 2019.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва

илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори. // Халқ сўзи. 2019 йил 18 июнь.

10. Ўзбекистон Республикасининг Атроф - мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5863 сон,-Тошкент:Ўзбекистон. 2019 йил 30 октябрь.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 24-сон Қарори, // Халқ сўзи 2018 йил 13 январь.

12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.104.

13. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.48.

14. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.32.

15. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.488.

16. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– Б.592.

17. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.508.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.64.

19. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.400.

20. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.456.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2020.

## **II. Монографиялар, илмий мақолалар ва илмий тўпламлар**

1. Абдимўминов О. Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари, // Тафаккур, 2011, 1-сон, -Б.106-109.
2. Абдужалилова Ш. “Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари”. “Халқ таълими”, 2004 йил, №3. 129 - 131 бетлар.
3. Абдуллаев Р. Туркистон жадиidlари ва XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги мафкуравий жараёнлар, // Ўзбекистон тарихи, 2010, 2-сон, -Б.36.
4. Абдуллаева Д. Жамият таянчи. /Тафаккур, 2000, 4-сон, -Б.84-86.
5. Абилов Ў. Ўзбекистон тараққиётининг оптимистик руҳи: маънавий-маърифий, ғоявий жиҳатлари.-Тошкент: Истиқлол, 2003.-Б. 207.
6. Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик,1-2 жилдлар, Тошкент: Маънавият, 2006.
7. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, Асарлар, 8 томлик, 1-жилд, Тошкент: Ўздавнашр, 1963, -Б. 181.
8. Алиев С. Бухорода битилган байтлар. (Абдурауф Фитрат хақида Ғуломқодир Изомий) Тошкент.: 1992 йил, -Б.46–49.
9. Азизов Ш., Азизова С. Абдурауф Фитрат эстетикаси. // Маърифат-парварлик – ижтимоий –маданий ҳодиса. Тошкент: АБУ– МАТВUОТ KONSALT, 2008 й.
- 10.Алимова Д. Жадиdчилик ва диний бағрикенглик. // Тафаккур, 2005 йил, № 4. –Б.18 – 23.
- 11.Ахатова Д., Ғаниева Ш. “Абдурауф Фитратнинг оилавий муносабатларга доир қарашлари”. “Халқ таълими”, 2004 йил, №5, 62 – 65 б.
- 12.Аъзамхўжаев С., Туркистон мухторияти, Т: Маънавият, 2000.-Б. 180.
- 13.Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Абдурауф Фитрат: Шайтоннинг Тангрига исёни.Тошкент: 2001 йил.–Б.58-67.
- 14.Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши.-Тошкент, Шарқ, 2000.-Б. 93.

15. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Тошкент: Мулоқот, 1996 й. № 4, - Б.41-52.
16. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Тошкент.: 1996 й.
17. Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси. Тошкент.: 1996 й.
18. Ватан, миллат ягонадир. (Миллий уйғониш даври ижодкорларининг эътирофлари). Тошкент: 2000 йил. –Б.89 -91.
19. Давлетов С. Атроф-муҳит тарихи ва унинг тарихий билимлар тизимида тугган ўрни // Ўзбекистон тарихи, 2009, 4-сон, -Б.30-38.
20. Дўстқораев Б. Жадиждларнинг давлат тузуми тўғрисидаги қарашлари. // Жамият ва бошқарув 1998 йил, № 1. –Б.64 – 67.
21. Дўстмуҳаммад Х. Тўртинчи тўлқин ёхуд ақл-идрок тантанасига ишонч, // Тафаккур, 2007, 3-сон, -Б.13-15.
22. Ёвушев Н. Туркистон тарихи (“Садои Туркистон”, 1914 йил, № 17 – сонидан олинган) // “Турон тарихи” (тўплам), 2003 йил. № 1. –Б.24.
23. Жадиждчилик: ислоҳот, янгилашиш ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет. 1999 йил.
24. Жадиждчилик: ислоҳот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент.: 1999 йил. –Б.128 – 146.
25. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 256.
26. Жабборов И, Жабборов С. Илм-маърифат ва шахс эркинлиги – ижтимоий тараққиёт омиллари // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари, 2002, 4-сон, -Б.167-171.
27. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.192.
28. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар.-Тошкент: Шарқ, 1999.-Б.240.
29. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.- Тошкент: Шарқ: 1998.-Б.239.
30. Ибрат Исҳоқхон тўра, Танланган асарлар, Тошкент: Маънавият, 2005.

- 31.Исмоилов М, Шайдуллаев Н. Экологик муаммо: уни бартараф этишнинг методологик жиҳатлари// Жамият ва бошқарув, 2004, , 4-сон, -Б.78-79.
- 32.Исҳоқхон тўра Ибрат. –Тошкент: Маънавият,2005 йил.
- 33.Имомназаров М. Миллий маънавият-миллат тарбияси. // XXI аср, 2004 14 феврал, -Б.9.
- 34.Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари. // Гулистон 1991 йил, № 4. – Б.20 - 21.
- 35.Каримов Н. Жадидчилик нима? // Санъат, 1990 й, № 12, -Б.5–10.
- 36.Каримов Н. Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати. //Тарих ва ўзликни англаш II. Ўзбекистон ва Германия XX асрда. Тошкент: 2007 йил. –Б.72-80.
- 37.Мамашокиров С. Юракда табиат соғинчи // Тафаккур, 2008, 3-сон, - Б. 92-98.
- 38.Мамашокиров С. Мўъжаз оролчада улкан фожа // Тафаккур, 1997, 4-сон, -Б.14.
- 39.Мамашокиров С. Инсон, маънавият, зиддият // Тафаккур, 2001, 1-сон, -Б.16.
- 40.Мамашокиров С. Экологик фаоллик ва масъулиятни шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг роли, Дисс. Фалсафа фан. докт. Тошкент: 1997.
- 41.Мансуров А. Ахлоқий камолот ва виждон эркинлиги./ Гулистон, 1999, 2-сон, -Б.12.
- 42.Маънавий-маърифий ислохотлар-давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналишидир-Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б.136.
- 43.Маҳмудова Г. Т. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири, дисс. Фалс.фан.номз. Тошкент: 1996.
- 44.Маҳмудов Т. “Авесто”ҳақида-Тошкент: Шарқ, 2000. –Б.60.
- 45.Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 2-жилд. –Тошкент: “Akademnashr”, 2021. – 312 б.

46.Мусаева М.Э. Экологик муаммони ҳал этиш – замон талаби,  
// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2011, № 1-2, -Б.135.

47.Мунаввар қори Абдурашидхонов, Танланган асарлар, Тошкент:  
Маънавият 2003.

48.Моисеев Н., Экология человечества глазами математика, Москва:  
Молодая гвардия, 1988.

49.Наврўзова Г. Каримов Б. Ўрта аср мусулмон Шарқида илмлар  
таснифи. - Бухоро: 2008.

50.Назаров Қ. Аксиология: кадриятлар фалсафаси.-Тошкент:  
Маънавият. 1998.-Б.121.

51. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. –Тошкент: Маънавият, 2019.  
2-жилд. –Б.554.

52.Наимов Н. Фитрат фожиаси. Тошкент: Фан, 2005 йил, жами –Б.166.

53.Наимов Н. Бухоро жадидлари. Тошкент.: 2000 йил. (Фитрат) –  
Б.7 -10.

54.Нишонов М. Обновление духовной жизни наций. -Тошкент:  
Фан.1992. –Б.106.

55.Норматов У. Қодирий мўъжизаси, Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

56.Новрузов З. Природа не прощает ошибок, Москва: Мысль, 1988.

57.Никитин Д., Новиков Ю. Окружающая среда и человек, Москва:  
ВШ, 1980.

58.Очилова Г. Конституция ва экология, Қарши: Насаф, 2002.

59.Отабоев Ш. Набиев М. Инсон ва биосфера, Тошкент: Медицина,  
1984..

60.Примов М.Н. Экологияда миллий ва умуминсоний кадриятлар  
муаммоси, Дисс. Фалсафа фан. ном.Тошкент: 1995.

61.Расулов Д. Экологик маданият истиқболлари // Тафаккур, 2000, 4-  
сон, -Б.86.

62.Раҳмонова М. Фитратнинг “Раҳбари нажот” асари хусусида. // Имом  
Бухорий сабоқлари, № 2, 2009 йил, -Б.149 – 153.

- 63.Раҳмонова М. Фитрат Шарқ ва Ғарб маданияти хусусида. // Гулистон, № 4, 2009 йил, -Б.18 – 21.
- 64.Раҳмонова М., Нурматова Н. Бешта нарсанинг кадрили бил - (дейди улуғ маърифатпарвар Фитрат) // Саодат, № 5, 2009 йил. –Б.22 - 23.
- 65.Раҳмонова М. Фитрат қишлоқ тараққиёти хусусида. // ТИУ Илмий – таҳлилий ахборот, № 2, 2009 йил, -Б.40 – 43.
66. Раҳмонова М. Фитратнинг “Раҳбари нажот” асари хусусида. // Фалсафа ва ҳуқуқ, Махсус сон, 2009 йил, -Б.18 – 21.
- 67.Саидов У. Фитрат ва Мильтон ёхуд ўзгани таниш орқали ўзликни англаш хусусида. // Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. Тошкент: Янги аср авлоди, 2008 йил.
- 68.Саидова У.Г. Экологик маданият тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари, Дисс. Фалсафа фан. ном. Тошкент: 2008.
- 69.Саидов У. Маърифатчилик: тафаккур ва эркинлик уйғунлиги// Тафаккур, 2010, 1-сон, -Б.36-41.
70. Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Бухоро.: “Дурдона” нашриёти. 2018. 198 Б.
- 71.Саломова Х.Ю. Мера как философская категория. Бухара.: Изд.”Дурдона”. 2018.
- 72.Ситаров В.А., Пустовойтов В.В. Социальная экология, Москва: Академия, 2000, -С.9.
- 73.Соғуний А. Туркистон қайғуси, Тошкент: Шарқ НМАК, 2003.
- 74.Саифназаров И. Ватанпарварликнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари. Тошкент: Меҳнат 1997.
- 75.Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти, Тошкент: Фан, 1994.
- 76.Сулаймонова Ф., Шарқ ва Ғарб, Тошкент: Ўзбекистон, 1997,-Б.180.
- 77.Тоффлер Э. Келажак одами / Тафаккур, 2001, 1-сон, -Б.46.
- 78.Турсунметов А. Инглиз-америка тарихшунослари Туркистон жадидаларининг XIX аср охири - XX аср бошларидаги ижтимоий-маданий ва сиёсий фаолияти тўғрисида // Ўзбекистон тарихи, 2010, 4-сон, -Б.81-87.



79.Тўраев В.А. Инсониятга глобаллашув таҳдидлари. // Жаҳон адабиёти, 2003, 11-сон, -Б.115-135.

80.Туленов Ж. ва бошқалар. Маънавий юксалиш сари.-Тошкент: Ўзбекистон. 2003. –Б.198.

81.Тўрақулов Э., Рахимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

82.Турсунов Р. Жадидларнинг Туркистон ижтимоий - иқтисодий ҳолатига қарашлари. // Ўзбекистон тарихи, 2004 йил №3. –Б.60-69.

83.Убайдуллаева Р. “...фаол ишловчи шахс” // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 1999, 1-2-сон, -Б.119-123.

84.Усмонов Э, Қўлёзма манбалар ва экологик тарбия // Тафаккур, 2010, 3-сон, -Б.68-71.

85.Умарова М. Шахс ва ижтимоийлик / Тафаккур, 2000, 4-сон, -Б.83-84.

86.Файзуллаев О. Илмий-тарихий шажаралар.//Маърифат. 2003 й 11 октябр, -Б.12.

87.Фитрат Абдурауф, Танланган асарлар, 3-жилд, драмалар, публицистик мақолалар, Тошкент: Маънавият, 2003, -Б. 201-202.

88.Фитрат Абдурауф, Танланган асарлар, 4-жилд, илмий мақола ва тадқиқотлар, Тошкент: Маънавият, 2006.

89.Фитрат Абдурауф, Танланган асарлар, 5-жилд, илмий рисолалар, Тошкент: Маънавият, 2010.

90.Форобий Абу Наср. Фозил шаҳар аҳолиси, Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

91.Хайдаров Х.. Орзудаги жамият./ Тафаккур, 1997, 4-сон, -Б.87-90.

92.Холбоев С. Жадидчилик ва миллий тарихий таълим. // Турон тарихи (тўплам). 2003 йил. № 1. –Б.22- 24.

93.Холиқов Э. Жадидлар ва уларнинг Туркистон халқлари ҳаётида тутган ўрни. // Турон тарихи. 2003 йил. № 1. –Б.25 – 28.

94.Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти.- Тошкент: Фан 1994. –Б.42.

95.Хомидова Г., Муродов М. Экологик ахлоқ, Фарғона, 2008.

96. Чернышев Н.А. Вовек А.И. Социальная экология: актуальность, концепция и программы, Санкт-Петербург, 2000, -С. 23.
97. Чўлпон, Яна олдим созимни, Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
98. Шарафиддинов О. Абдурауф Фитрат ва унинг Ҳинд сайёҳи. // Ижодни англаш бахти. Т: Шарқ НМАК, 2004 й. –Б.96 -131.
99. Шафранов-Куцев Г.Ф. Социология, Тюмень, 2005.
100. Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий қиёфаси.-Тошкент: Ўзбекистон. 1993. –Б.45.
101. Шермухамедов С. Биз қандай жамият қурмоқдамиз? -Тошкент: Ўзбекистон. 1999. –Б.38.
102. Шарипов Р. Туркистон жадиличлик ҳаракати тарихидан, Тошкент: Ўқитувчи, 2002.
103. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, -Тошкент: Янги нашр, 2011.
104. Шодиев Р. Жадиличлик ғояси. // Мулоқот, 2003 й. № 5, -Б.30.
105. Ўзбекистоннинг янги тарихи 1 -том. Тошкент.: 2000 йил. –Б.253-319.
106. Ўзбек фалсафаси тарихи. (III жилд)/Матн/: Ўқув-илмий/тузувчилар: Қ.Назаров /ва бошқ./ - Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2020. – 504 б.
107. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият 2002 йил.
108. Қосимов Б. Жадиличлик // Ёшлик 1991 йил № 7 - сон, -Б.71–78.
109. Қосимов Б. Фитрат. // Шарқ юлдузи, 1992 йил, № 4, -Б.183-184.
110. Қосимов Б. Маслакдошлар. Бехбудий, Азжий, Фитрат. Тошкент.:1994 й.
111. Қодиров П., Амир Темур сиймоси, Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
112. Қосимов Б. Миллий уйғониш, Тошкент: Маънавият, 2002.
113. Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати, Тошкент: Маънавият, 2011.

114. Қосимов Б. Абдурауф Фитрат – халқ фарзанди // Саодат журнали, 1989 йил 7-сон.
115. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Тошкент.: 2002 й.
116. Қодирий Ҳ. Отамдан хотира, Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
117. Қурбонова М. Фитрат - тилшунос. Тошкент.: 1996 й.
118. Гафурова Н. Биоэтика фани ва унинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини амалга оширишдаги ўрни, / Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2011, №1-2,- Б.109.
119. Ғаниев И. Фитрат, эътиқод, ижод. Тошкент.: Камалак НМБ, 1994 й.
120. Ғаниев И. Фитрат ва Фитратшунослик. Тошкент.: Фан, 1994 й.
121. Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. Тошкент.: 1994 й.
122. Ғаниев И. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. Тошкент: 1994 йил.
123. Эргашева М. Фитрат – буюк ҳуқуқшунос. Тошкент.: 2001й.
124. Эркаев А., Маънавият ва тараққиёт, Тошкент: Маънавият, 2009.
125. Эркаев А., Миллий ғоя ва маънавият, Тошкент: Маънавият 2002.
126. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси.-Тошкент:Академия. 2001.- Б.161.
127. Эргашев И. ва бошқалар. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият.-Тошкент: Академия. 2002. –Б.56.
128. Эркаев А., Эзгулик сари йўналтирилган ирода / Тафаккур, 1997, 3-сон, -Б.14-19.

### **III. Интернет сайтлари ва материаллари**

1. [https:// philosophy.com](https://philosophy.com)
2. <https://www.ziyouz.com>.